


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА-МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЁРЛАШ ВА УЛАРНИ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

“ДАВОЛАШ ИШИ”
(ТЕРАПИЯ)



ТОШКЕНТ 2021

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ
ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ
МАРКАЗИ**

“Даволаш иши” (Терапия) йўналиши

**“ПРОФЕССИОНАЛ ТИББИЙ ТАЪЛИМДА ИНОВАЦИОН
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ПЕДАГОГИК МАХОРАТНИ ЮКСАЛТИРИШ”**

МОДУЛИ БЎЙИЧА

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи:

Анваров Ж.А. ТТА хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази катта ўқитувчиси, ТТА Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси ассистенти, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Тақризчи:

Азизова Ф.Л. ТТА, Илмий ишлар ва инновацион фаолият бўйича проректор, т.ф.д., доцент

Ўқув -услугий мажмуа Тошкент тиббиёт академияси Кенгашининг 2020 йил 25-декабрдаги 7-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

Мундарижа

I. ИШЧИ ДАСТУР	6
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	13
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	16
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАР	66
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	144
VI. ГЛОССАРИЙ	147
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	150

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797 сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Профессional тиббий таълимда инновацион ривожлантириш ва педагогик маҳоратни юксалтириш” модулининг мақсади: тиббий таълимни инновацион ривожлантириш ва педагогик маҳоратни юксалтириш бўйича олий

таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини ошириш.

Модулнинг вазифалари: олий таълим муассасалари педагог кадрларида таълимни инновацион ривожлантириш ва педагогик маҳоратни юксалтириш ҳақида назарий ва амалий билимларни, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Профессионал тиббий таълимда инновацион ривожлантириш ва педагогик маҳоратни юксалтириш” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- Таълимни инновацион ривожлантириш ва педагогик маҳоратни юксалтириш тушунчасини;

- Таълимни инновацион ривожлантириш ва педагогик маҳоратни юксалтиришнинг жаҳон тажрибасини;

- Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимида таълимни инновацион ривожлантириш ва педагогик маҳоратни ривожлантиришни ривожлантириш бўйича норматив ҳужжатлар ва бошқарув тизимини *билиши* керак.

- Таълим бериш жараёнида амалий (лаборатория ишлари), назарий машғулотларда (маърузалар) инновацион таълим технологиялари ва янги педагогик усулларни қўллаш;

- Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув, ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва “Маънавият-маърифат” ишларида педагогик маҳоратини юксалтиришда интернет тармоғида мавжуд бўлган интерфаол порталлар ва платформаларда ишлаш *кўникмаларига* эга бўлиши лозим.

- Профессор-ўқитувчилар узлуксиз равишда ўз педагогик

маҳоратларини юксалтириш ва ўз фанлари бўйича талабаларда билим олиш самарадорлигини ошириш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Профессионал тиббий таълимда инновацион ривожлантириш ва педагогик маҳоратни юксалтириш” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Модулни ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Профессионал тиббий таълимда инновацион ривожлантириш ва педагогик маҳоратни юксалтириш” модули мазмуни ўқув режадаги “Тиббий ёрдам ва тиббий суғуртани ташкил қилиш тизимини самарали такомиллаштириш”, “Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг таълим жараёнида янги ташхислаш ва даволаш усулариндан фойдаланиш, таълим ва тарбия жараёнини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган таълим технологиялари соҳасида ўқитишнинг инновацион усуллари қўллаш даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар узлуксиз равишда ўз педагогик маҳоратларини юксалтириш ва ўз фанлари бўйича талабаларда билим олиш самарадорлигини ошириш доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модуль мавзулари	Аудитория укув юкламаси			
		Жами	жумладан		
			Назарий	Амаий машғулот	Кўчма машғулоти
1.	Таълимни инновацион ривожлантириш ва педагогик маҳоратни юксалтириш бўйича жахон тажрибаси	2	2		
2.	Таълим самарадорлигини оширишда педагогнинг педагогик маҳорати ва кемпетентлиги асосий омил сифатида	2	2		
3.	Амалий машғулотларда (лаборатория ишлари) инновацион таълим технологиялари ва янги педагогик усулларни қўллаш.	4		4	
4.	Назарий машғулотларда (маърузалар) инновацион таълим технологиялари ва янги педагогик усулларни қўллаш.	4		4	
5.	Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув ва ўқув-услубий ишларида педагогик маҳоратини юксалтириш.	4	2	2	
6.	Профессор-ўқитувчиларнинг илмий тадқиқот	6		6	

ишларида интернет тармоғида мавжуд бўлган интерфаол порталлар ва платформаларда ишлаш.				
Жами:	22	6	16	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-маъруза. Таълимни инновацион ривожлантириш ва педагогик маҳоратни юксалтириш бўйича жаҳон тажрибаси (2 соат).

Таълимни инновацион ривожлантириш ва педагогик маҳоратни юксалтириш бўйича Жанубий Корея ва Россия тажрибаси.

2-маъруза. Таълим самарадорлигини оширишда педагогнинг педагогик маҳорати ва кемпетентлиги асосий омил сифатида (2 соат).

Олий таълим муассасида таълим самарадорлигини оширишда профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини юксалтириш мезонлари.

3-маъруза. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув ва ўқув-услубий ишларида педагогик маҳоратини юксалтириш (2 соат).

Профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режаларига киритилган ўқув ва ўқув-услубий ишлари таркибий қисмлари ва педагогик маҳоратини ошириш омиллари

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот. Амалий машғулотларда (лаборатория ишлари) инновацион таълим технологиялари ва янги педагогик усулларни қўллаш (4 соат).

Амалий машғулотларда талабаларда клиник фикрлашни ривожлантириш учун симуляцион марказлар, виртуал лабораториялар, стандартлаштирилган беморлар, объектив тизимлаштирилган клиник амалиёт элементларидан фойдаланиш ва машғулотларда педагогик технологияларни фаол қўллаш.

2-амалий машғулот. Назарий машғулотларда (маърузалар) инновацион таълим технологиялари ва янги педагогик усулларни қўллаш (4 соат).

Замонавий маъруза модификация турлари, маърузаларни фаоллаштиришда инновацион технологияларни қўллаш, ўқув ва илмий презентация тайёрлаш ва тақдим этиш қоидалари.

3-амалий машғулот. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув, ўқув-услубий ва маънавият-маърифат ишларида педагогик маҳоратини юксалтириш (2 соат).

Профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режалари структураси, йиллик иш режасини планлаштириш ва уни амалга ошириш тамойиллари.

4-амалий машғулот. Профессор-ўқитувчиларнинг илмий тадқиқот ишларида интернет тармоғида мавжуд бўлган интерфаол порталлар ва платформаларда ишлаш (6 соат).

Профессор-ўқитувчиларнинг илмий тадқиқот ишларида PubMed, Cochrane Library ва бошқа интернет платформалари ва сайтларидан фойдаланиш. Илмий мақолаларни Impact Factor кўрсаткичи юқори бўлган илмий журналларга тайёрлаб юбориш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- ZOOM платформаси орқали маърузалар ва суҳбатлар ташкил этиш;
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- On-line режимда интернет порталлари ва платформаларида ишлаш;

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

PRES ёки ФСМУ усули

Усулнинг мақсади: Мазкур усул иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

-

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

“SWOT ТАҲЛИЛИ” УСУЛИ

“SWOT таҳлил” усули биринчи бўлиб Гарвардда бўлиб ўтган илмий анжуманда бизнес-сиёсатшунос профессор Кеннет Эндрюс (инглизча *Kenneth Andrews*) томонидан киритилган бўлиб, асосан иқтисодиёт соҳасида компаниялар ва бизнес лойиҳаларни стратегик режалаш ва баҳолаш учун қўлланилган. Кейинчалик бу усул бошқа соҳаларда ҳам қўлланила бошланди. Тиббиётда эса “SWOT таҳлили” ташхисот ва даволаш усулларини, профилактик чора тadbирлар таҳлилида қулай усул ҳисобланади.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

“SWOT” қисқартмаси қуйидаги инглизча сўзларнинг бош харфидан олинган:

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• хавф ва тўсиқлар

Бундай таҳлил орқали тингловчилар бирор бир усулнинг кучли томонлари билан бирга унинг заиф томонларини ҳам ўрганадилар, бу усул имкониятлари билан унга нисбатан тўсиқлар ва хавфларни таҳлил қиладилар.

Тепадаги иккита катакда таҳлил этилаётган усулнинг ёки объектнинг кучли ва кучсиз томонлари ифодаланади ва улар ички омиллар ҳисобланади. Пастдаги иккита катакда таҳлил этилаётган объектнинг имкониятлари ва унга нисбатан мумкин бўлган тўсиқ ва хавфлар ифодаланади ва улар ташқи омиллар ҳисобланади.

“Инсерт” усули

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-МАЪРУЗА. ТАЪЛИМНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТНИ ЮКСАЛТИРИШ БЎЙИЧА ЖАХОН ТАЖРИБАСИ. (2 СОАТ).

Режа:

1. Педагогик маҳоратни юксалтириш бўйича жаҳон тажрибаси;

2. Жанубий Корея ва Россия таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари.

Олий таълим тизимида ўқув жараёнига илғор халқаро тажрибани кенг жорий этиш, етакчи хорижий турдош илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш орқали педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатда таълим-тарбия тизимининг сифати ва самарадорлигини ошириш, боғча тарбияланувчилари, ўқувчи ва талаба ёшларда замонавий билим ва кўникмаларни шакллантириш, таълим тизимлари ҳамда илм-фан соҳаси ўртасида яқин ҳамкорлик ва интеграцияни, таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, миллий таълим-тарбия тизимининг амалдаги ҳолати уни замон талаблари асосида модернизация қилиш, ёшларни юксак билим-маърифат эгалари, жисмоний ва маънавий соғлом инсонлар этиб тарбиялаш, таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог ходимлари нуфузини ошириш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ҳамда мамлакатимиз таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини такомиллаштириш, жамиятимизда педагог ва педагог ходимлар, илмий ва ижодкор зиёлиларга бўлган ҳурмат-эътиборни янада ошириш, таълим олувчиларнинг касбий маҳоратини ривожлантириш, таълим тизимида хусусий сектор иштирокини кенгайтириш мақсадида:

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланган:

- мамлакат тараққиёти учун янги ташаббус ва ғоялар билан майдонга чиқиб, уларни амалга оширишга қодир бўлган, интеллектуал ва маънавий салоҳияти юксак янги авлод кадрларини тайёрлаш, таълим ташкилотлари битирувчилари замонавий касб эгалари бўлишлари учун уларда зарур кўникма ва билимларни шакллантириш;

- дунё миқёсидаги бугунги кескин рақобатга бардош бера оладиган миллий таълим тизимини яратиш, дарслик ва ўқув қўлланмаларини замон талаблари асосида такомиллаштириш, уларнинг янги авлодини яратиш, ўқув дастурлари ва стандартларини оптималлаштириш;

- таълим-тарбия муассасаларининг раҳбар ходимлари, педагог ва мураббийлари, профессор-педагоглари ва илм-фан соҳалари вакиллари ямий жамиятимиздаги ўрни ва мақомини ошириш, уларнинг машаққатли меҳнатини муносиб қадрлаш ва фаолият самарадорлигига қараб моддий рағбатлантириш;

- педагог ходимларнинг касбий маҳорати ва фаолият самарадорлигини мунтазам ошириб бориш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, малака ошириш тизимини “хаёт давомида ўқиш” тамойили асосида такомиллаштириб бориш;

- таълим хизматларини кўрсатиш бўйича хусусий секторнинг салмоғини кенгайтириш, ҳудудларда нодавлат таълим ташкилотларини ташкил этиш орқали рақобат муҳитини шакллантириш, таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш;

- таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда таълимни бошқаришни автоматлаштириш ва ҳар томонлама таҳлил қилиб бориш тизимини яратиш, электрон ресурслар ва масофавий таълим технологияларини янада ривожлантириш, таълим олувчилар ўртасида ИТ-соҳасидаги касбларни оммалаштириш;

- илм-фанни иқтисодиётнинг асосий драйверига айлантириш, илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, иқтидорли ёш олимларнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш, мавжуд илмий ташкилотлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

- таълим тизимига юқори самарали халқаро амалиётни жорий этиш, республика таълим ташкилотларини нуфузли халқаро рейтингларга киритиш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш.

Таълим-тарбия жараёни педагогнинг ўргатувчилик фаолиятини ва таълим олувчиларнинг махсус ташкил этилган билиш фаолиятини ўз ичига олади. Шу ўринда бу жараёнларнинг таҳлилга эътибор қаратайлик. Таълимда педагогнинг бошқарувчилик роли ўз касбининг ижтимоий асосларидан келиб чиқиб, аждодларининг бой тажрибасини, инсониятнинг асрлар давомидаги билиш, меҳнат, мулоқот, умумий алоқалар, эстетик ҳамда ахлоқий қарашлар жараёнида қўлга киритган ютуқларни эгаллашни шарт қилиб қўяди. Буларнинг барчаси педагогнинг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадларни амалга оширишида ўз аксини топмоғилозим. Ана шу асосдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, таълим жараёнида педагог таълим олувчиларига қўлга киритилган билимларни ўргатади. Ўқув фаолиятида уларни кўникма ва малакалар билан қуроллантиради. Шубилан бир пайтда у таълим олувчиларда дунёқараш ва ахлоқ нормаларини ҳосил қилади, қизиқиш ва қобилиятларни шакллантиради, уларнинг шахсий фазилатларини ривожлантиради. Педагогнинг фаолияти таълим олувчи шахсининг мақсадга мувофиқ шаклланишига катта имкониятлар очиб беради. Янада аниқ қилиб айтсак, бутун ўқув жараёнини режалаштиради, ушбу жараёнда таълим олувчилар билан биргаликдаги фаолиятни ташкил этади. Таълим олувчиларга қийинчиликларни енгиб ўтишда ёрдам беради ҳамда уларнинг билимларини ва бутун таълим жараёнини ташхис қилади.

Ўз навбатида таълим олувчиларнинг фаолияти ўқув жараёнида ўрганишга, билим, кўникма малака ҳамда шахсий фазилатларни эгаллашга, ўзини жамиятга фойдали фаолиятга тайёрлашга йўналтиради. Таълим

жараёнида таълим олувчиларнинг фаолияти кўп қиррали йўналган ҳаракатни ифодалайди ва бу ҳаракат билишга доир вазифаларни ҳал қилишда уларга катта ёрдам беради. Дидактика ва методика мустаҳкам алоқа ва ўзаро боғлиқликда жойлашади. Дидактика ўқитишнинг умумий қонуниятларини ўрганади. Аниқ бир предметни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари хусусий методикаларда ишлаб чиқилади.

Жаҳоннинг юксак даражада тараққий этган давлатларида таълим-тарбия ишларининг йўлга қўйилиши ва амалга оширилганини ўрганиш орқали биз мустақил республикамиз миллий таълим тизимларини янгитдан ташкил қилишда, таълим-тарбияда, таълим ишини ташкил этишда эскириб, ўз долзарблигини йўқотиб бораётган фаолиятшакллари ва усулларидан тезроқ ҳалос бўлиш, уни муносиб тарзда янгилашда қўшимча бой манбаларга ҳам эга бўламиз. Зотан, ҳозирги замон таълимида давлат ва жамият талаби ҳамда манфаатлари акс этиб туриши керак.

Илмий-техника тараққиёти, янги технологик революция шароитида муваффақиятли фаолият кўрсата оладиган жамият аъзоларини етиштириб бериш, ёш авлодни касб-хунарга йўналтириш ҳамда ўрта таълимнинг кўп вариантли учинчи босқичини жорий этиш, таълим-тарбия беришда энг илғор педагогик воситаларни қўллаш, таълимда ташаббускорлик ва ижодкорликка кенг йўл очиш, унинг энг мақбул тизимларини яратиш каби жаҳон тажрибаларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда кенг қўламдаги ислохотларни ўз бошидан кечираётган бизнинг таълимимиз учун бу катта аҳамиятга эга. Кейинги йилларда жаҳон таълими бўйича кўпгина мақолалар, брошюралар, қўлланмаларчоп этилди, унга бағишлаб семинарлар, анжуманлар, ўқишлар, учрашувлар ўтказилди. Бу бизнинг таълим тизимимизда, чет элларда ўқув-тарбия ишларининг йўлга қўйилишига эътибор ва қизиқишнинг тез суръатлар билан ўсиб бораётганлигидан далолатдир. Халқ таълими тизимларида жаҳон таълим тизимини ўрганиш билан шуғулланувчи муассасалар ҳам ташкил топмоқда. Жаҳон таълими тизимларидан бизнинг мутахассисларни воқиф қилишда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси,

элчихоналар, АҚШнинг Тинчлик Корпуси мутахассислари, Германия халқаро ривожланиш фонди, АКСЕЛС маркази, Аденауер жамғармаси, Франция маданият маркази, Британия Кенгаши, Гёте институти, ЮНЕСКО ва ЮНИСЕФнинг ваколатхоналари ва бошқа кўплаб ташкилотлар яқиндан ёрдам бермоқдалар. Дарҳақиқат, ривожланган хорижий давлатларда таълимнинг, мамлакат ички сиёсатига фаол таъсир этадиган ижтимоий жараён эканлиги, эътироф қилинган ҳақиқатдир. Шу туфайли ҳам чет мамлакатларида таълим эҳтиёжини иқтисодий таъминлашга ажратилаётган маблағ миқдори йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Ҳозирги пайтларда ривожланган мамлакатлар ўқув дастурига интеграциялаштирилган курсларни киритиш тўла амалга оширишди. ОТМларда амалга оширилаётган ислохотлар таълим ишини табақалаштириш муаммоларини келтириб чиқарди. Иқтисодий ривожланган хорижий мамлакатларда таълимни табақалаштириш энгдолзарб масалага айланган. Таълим олувчиларни табақалаштириб ўқитиш хорижий мамлакатларда асосан бошланғич таълим курсидан кейин амалга оширилади.

Ривожланган давлатларда иқтидорли талабаларга эътибор тобора ортиббормоқда. Кейинги даврларда ўз тенгдошларига нисбатан қобилиятдабир неча баробор илгарилаб кетган болалар кўплаб топилмоқда. Улар ўқувни жуда эрта бошлаб таълим курсларини ўзлаштиришда катта шов-шувларга сабаб бўладиган даражада муваффақиятларга эришадилар.

Жанубий Корея таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари

Жанубий Кореяда яхши таълим олиш ҳар бир фуқаронинг муваффақиятли карьераси учун жуда муҳим ҳисобланади. Корея Давлат Бошқарув органлари мактабгача таълим муассасасидан то мактабларнинг юқори синфларигача бўлган таълим тизимини аниқ тузганлар ва доимий назорат қиладилар.

Бошланғич мактаблардан тортиб олий таълим муассасаларигача юқори тезликдаги Интернет таъминотини биринчи булиб Жанубий Корея йўлга қуйган. Корея таълим тизимида қуйидаги фанларга алоҳида эътибор

каратилади: математика, корейс тили ва англиз тили, аниқ фанлар ва жамият тўғрисидаги фанлар.

Жанубий Кореяда ўқув йили иккита семестрга булинган бўлиб, биринчи семестр март ойидан бошланиб, июль ойининг ўртасигача давом этади. Иккинчи семестр эса август ойининг охирисидан бошланади ва февраль ойининг ўртасигача давом этади. Таътил бир йила 2 марта - ёзда июлнинг охирисидан августнинг охирисигача, кишда эса декабрнинг охиридан февралнинг охирисигача давом этади. Жанубий Корея конституцияси 9 йиллик таълимни хар бир фукаро учун шарт қилган. Шунинг учун хар бир корейлик бошланғич ва ўрта мактаб таълимини олишлари шартдир. Юқори мактабларда ўқиш эса ихтиёрий бўлиб, асосан университетларга киришни холаган ёшлар юқори мактабларда тахсил оладилар. Аммо таълимнинг бу босқичи мажбурий эмас (1-жадвал).

Шуниндек мактабгача таълим муассасаларига ҳам болаларни тарбиялаш шарт эмас. Аммо аксарият оилалар фарзандларини мактабгача таълим муассасаларига берадилар. Ж.Кореяда ҳам давлат ва хусусий мактабгача таълим муассасалари мавжуд.

Ж.Корея мактабгача ва мактаб таълим тизими тузилиши

БОСКИЧ	ЎҚИШ ДАВОМИЙЛИГИ	ШАРТЛИГИ
Мактабгача таълим	3 йил	Йўқ
Бошланғич мактаб	6 йил	Ха
Ўрта мактаб	3 йил	Ха
Юқори мактаб	3 йил	Йўқ

Мактабгача таълим расмий дастурга киритилмаган ва болаларда назарий билимлар шакллантиришга каратилмаган. Кореяда ҳам давлат ва хусусий мактабгача таълим муассасалари мавжуд бўлиб, аксарият корейликлар хусусий мактабгача таълим муассасаларини маъкул кўрадилар. Бу босқичдаги

таълимнинг максоди болани хар томонлама ривожланишини таъминлашдир, яъни бола мактабга утар экан жисмонан соглом, рухий ва эмоционал стойкий ва узига нисбатан ишонч шаклланган булиши керак.

Мактаб таълими. Ж.Кореяда мактаб таълими 3 та боскичда кечади: бошлангич мактаб, ўрта мактаб ва юкори мактаб.

Бу боскичларда куйидаги фанлар ўтилади:

- Математика;
- Корейс тили;
- Кушимча тиллар (инглиз ёки француз тили) – 3-чи синфдан бошлаб ўргатилади;
- Аник фанлар;
- Жамият тугрисидаги фанлар;
- Мусика;
- Тасвирий санъат.

Бошлангич ва ўрта мактабларда укиш хар бир корейлик фукаро учун мажбурий булиб, бу боскичдаги таълимнинг вазифаси укувчиларда куйидагиларни шакллантиришдир:

- Болани шахс сифатида шаклланиши, мустакил фикрлаш ва карор кабул кила олиш;
- Таълимнинг кейинги боскичларида зарур буладиган билимларни бериш;
- Эстетик тарбия;
- Жавобгарлик хиссини, мустакилликка мухаббат ва узини намоён кила олишни;
- Миллий мафкура ва ватанпарварлик туйгусини шакллантириш.

Юкори мактабларда таълим 3 йилгача давом этади. Бу таълим боскичида ихтисослаштирилган йуналишлар буйича билим берилмайди,

уқувчиларни университетларга киришга тайёрлайди. Фанлар руйхати ўрта мактаб фанлари билан бир хил.

Олий таълим тизими. Жанубий Кореяда олий таълим асосан университетларда берилди. Шу билан бирга қарийиб 80% университетлар хусусий университетлар ҳисобланади. Университет қошида бир нечта колледжлар мавжуд. Масалан медицина колледжи, санъат колледжи ва бошқ.

Юқори мактабни тамомлаган ёшлар университетда ўқиш учун кириш имтихонларини топширадilar. Бу имтихон Америка Қўшма Штатларида ўтказиладиган кириш имтихонлари – SAT Reasoning test имтихонига ўхшаш бўлиб, корейс тили, инглиз тили, математика, аниқ фанлар ва жамият тўғрисидаги фанлардан тест топшириқларини ечишлари талаб этилади. Жанубий Кореядаги бундай давлат тести Сунин деб аталади, ва 1 йилда 1 марта топширилади. Абитуриентлар бу имтихонга жиддий тайёргарлик кўрадilar. Чунки университетда ўқишни давом эттирмоқчи бўлган ёшлар жуда кўп, бу эса рақобатни оширади. Кириш имтихон натижалари билан бир қаторда абитуриентнинг мактабда йиғган баллари ҳам инобатга олинади. Шунинг учун ҳам ҳар бир Кореялик ўқувчи мактаб балларини яхши олишга ҳаракат қилади. Ундан ташқари ҳар бир университет абитуриент танлаган йўналишдан келиб чиққан ҳолда иншо ёзиш имтихонини ҳам ўтказади. Шундан сўнг абитуриентларнинг кириш тест натижаси, мактабда тушлаган баллари ва иншо баҳолари қўшилиб умумий балл ҳисобланади.

Тиббиёт университетлари ва тиббиёт колледжларига ҳам кириш имтихонлари шу тарзда белгиланган бўлиб, рақобат энг кучли соҳалардан бири ҳисобланади.

Олий таълим тузилиши

МУАССАСА	ОЛИНАДИГАН ТАЪЛИМ
Университет (Колледжлар)	Олий таълим
	Давлат

Аспирантура	Хусусий
	Бакалавриатура (4-6 йил)
	Магистратура (2-3 йил)
	Ph. D. дастур (4 йил)

Университетларда бакалавриатура таълими даомийлиги 4-6 йилни ташкил этади. Тиббиёт университети бўлмиш Ёнсе университетида бакалавриатура таълими 6 йил бўлиб, 2 йил pre-medical course ва 4 йил medical course босқичидан иборат.

Тиббиёт университетида ўқиш давомида талабалар фанлар бўйича маърузалар тинглайдилар, амалий ва семинар машғулотлари ўтадилар, симуляцион дарсларда қатнашадилар, курс иши ва лойиҳа ишлари топширадилар. Ўқиш кредит тизимида олиб борилади. Бу тизимда бир ўқув йили маълум кредит баллига тенг бўлиб, соатларда 1500-1800 ўқув соатини ташкил этади. Бакалавр даражасини олиш учун талаба 180 дан 240 гача кредит балларини йиғиши керак. Магистр даражасини олиш учун эса бу баллар йиғиндиси 300 кредит баллари бўлиши керак.

Талабанинг ўқув юкласига маъруза тинглаш, семинарларда қатнашиш, докладлар тайёрлаш, рефератлар ёзиш, курс лойиҳасини тайёрлаш кабилар киради.

Кредит баллар тизимида талбалар билими қуйидагича баҳоланади:

- **А «Аъло»** - курснинг назарий қисми тўлиқ ўзлаштирилган, ҳамма амалий кўникмалар хатосиз ва камчиликларсиз бажарилган, барча топшириқлар камчиликсиз бажарилган, ва барча бажарилган вазифалар максимал баҳоланган.

- **В «Жуда яхши»** - курснинг назарий қисми тўлиқ ўзлаштирилган, ҳамма амалий кўникмалар хатосиз ва камчиликларсиз бажарилган, барча топшириқлар камчиликсиз бажарилган, ва бажарилган вазифалар айримлари максимал баҳога яқин баллар билан баҳоланган.

- **С «Яхши»** - курснинг назарий қисми тўлиқ ўзлаштирилган, амалий кўникмаларни бажаришда айрим хато ва камчиликлар бор, барча топшириқлар бажарилган аммо камчиликлари бор, ва бажарилган вазифалар айримлари ўртача баҳога яқин баллар билан баҳоланган.

- **Д «Қониқарли»** - курснинг назарий қисми қисман ўзлаштирилган, амалий кўникмаларни бажаришда айрим хато ва камчиликлар бор, барча топшириқлар камчиликлари билан бажарилган, бажарилган вазифалар айримлари ўртача баҳога яқин баллар билан баҳоланган.

- **Е «Ўртача»** - курснинг назарий қисми қисман ўзлаштирилган, айрим амалий кўникмалар ўзлаштирилмаган, топшириқлар бажарилмаган ёки камчиликлари билан бажарилган, бажарилган вазифалар айримлари минимал баҳога яқин баллар билан баҳоланган.

- **Ғх «Шартли қониқарсиз», қайта топшириш имконияти билан** - курснинг назарий қисми қисман ўзлаштирилган, амалий кўникмалар ўзлаштирилмаган, топшириқлар бажарилмаган ёки камчиликлари билан бажарилган, бажарилган вазифалар айримлари минимал баҳога яқин баллар билан баҳоланган.

- **Ғ «Қониқарсиз», қайта топшириш имкониятисиз** - курснинг назарий қисми қисман ўзлаштирилган, амалий кўникмалар ўзлаштирилмаган, топшириқлар бажарилмаган ёки қўпол камчиликлари билан бажарилган.

Корея тиббиёт университетларининг ўзига хос жихатларидан бири бу – талабалар клиник фанларни ўқиш вақтида беморларни кўриш имкониятининг чекланганлигидир. Дарс жараёнида махсус ўқитилган актёрлар бемор ролини ўйнайдилар. Талабалар эса асосан симуляцион машғулотларда амалий кўникмаларни бажариб ўрганадилар.

Ўқиш якунида Давлат имтихонлари топширилади. Имтихон 2 босқичдан иборат бўлиб, талаба аввал 50 кун мобайнида 72 та фан бўйича амалий кўникмаларни топширадилар, шундан сўнг профессорлар билан суҳбатдан ўтади. Имтихонларни муваффақиятли топширган битирувчиларга M.D. (Medical Doctor) – врач даражаси берилади.

Yonsei университети – энг қадимий университетлардан бири бўлиб, Жанубий Кореядаги нуфузли университетлардан биридир. Ёнсе университети катта кампусдан иборат. Университетда тиббиёт колледжи, стоматология колледжи, хамширалар тайёрлайдиган тўлиқ бўлмаган курсдаги колледж, магистратура мутахассисликлари ва аспирантура йўналишлари мавжуд. Соҳалар турли-туман бўлиб, илм-фан ривожланган сари яна янги йўналишлар очилади. Мисол учун ўзак хужайралар бўйича мутахассис, ген инжинерияси мутахассиси, уйқу бузилиши мутахассиси ва бошқ.



Университетда 12000 та талаба тахсил олади, талабаларга эса та профессор ўқитувчилар таълим берадила. Университетда хорижий талабалар ҳам тахсил оладилар. Хусусан, Сингапур, Хиндистон, Хитой, Лаос, Австралия, Россия, Қозоғистондан талабалар тахсил олмоқдалар.

Россиянинг тиббиёт олий ўқув юртларида кўп босқичли узлуксиз олий тиббий таълим концепцияси қабул қилинган ва амалга оширилмоқда, бу келажакдаги шифокорнинг чуқур фундаментал тайёргарлигига қаратилган.

Россия тиббиёт университетлари тўққиз йўналиш бўйича (даволаш иши, стоматология, фармакология, хамширалик иши, педиатрия, профилактика тиббиёти, тиббий биокимё, тиббий биофизика, тиббий кибернетика) диплом беради. Европа олий тиббиёт мактабида кадрлар тайёрлашнинг тўртта асосий йўналиши (умумий тиббиёт, стоматология, фармакология, хамширалик) мавжуд.

Касбий компетенциянинг муҳим шарти узлуксиз ва самарали тиббий таълимдир, уни амалга ошириш шифокорга касбий малакасининг зарур даражасини сақлаб қолиш ва ўз фаолияти давомида зарур ижтимоий ҳимояга эга бўлиш имконини беради.

Ҳозирги кунда Россияда қуйидаги таълим даражалари ташкил этилган:

1. асосий умумий таълим;
2. ўрта (тўлиқ) умумий таълим;
3. бошланғич касб-ҳунар таълими;
4. ўрта касб-ҳунар таълими;
5. олий профессионал маълумот;
6. олий ўқув юртидан кейинги таълими.

Узлуксиз таълим - бу асосий тиббий таълимни тугатгандан сўнг ёки мутахассисликдан сўнг қабул қилинган шахс томонидан амалга ошириладиган ва мутахассиснинг малакасини оширишга ёрдам берадиган машғулотлар.

Болония жараёни (Болония декларацияси)

1998 йил май ойида Франция, Германия, Италия ва Буюк Британиянинг таълим вазирлари "Европа олий таълим тизимларини уйғунлаштириш тўғрисида қўшма декларация" ни имзоладилар ва 1999 йил июн ойида Болония шаҳрида (Италия) декларация имзоланди, кейинчалик у Болония деб номланди. У 2010 йилга қадар изчил ва мувофиқлаштирилган умумий Европа олий таълим майдонини яратишни назарда тутди. 2002 йил сентябр ойида Берлинда бўлиб

ўтган Европа мамлакатлари олий таълим вазирларининг конференциясида Россияни Болоня декларациясига қўшилишга қарор қилинди ва 2003 йилдан бошлаб Россия Болоня жараёнига расман кирди.

Болоня жараёнининг асосий мақсади ягона умумевропалик кучли ва рақобатбардош таълим тизимини яратиш, шунингдек мутахассисларни иш билан таъминлаш имкониятларини кэнгайтиришдир. Таълим ҳозирги пайтда дунёдаги барча энг яхши нарсаларни ўз ичига олиши керак, шунинг учун Болоня декларацияси миллий таълим тизимларининг ўзига хос хусусиятлари ва анъаналарини ҳисобга олган ҳолда Европа олий таълимининг моделини шакллантиради.

Болоня шартномасининг асосий қоидаларига қуйидагилар киради:

- миллий таълим тизимларининг турли анъаналари маданий бойлиги ва меросини сақлаш;
- ягона таълим майдонини яратиш (таълимнинг умумий мезонлари ва методикаларини, таълим сифатини таъминлаш бўйича келишилган стандартлар, процедуралар ва кўрсатмалар тўпламини яратиш);
- Европадаги университетлар ўртасида халқаро ҳамкорликни рағбатлантириш, ҳар қандай Европа университетида таълим олиш имконияти;
- университетлар ва университет мухториятининг асосий ролини еътироф этиш, ўқув муассасаларига ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқариш бўйича мустақил қарор қабул қилиш ҳуқуқини бериш.

Болоня жараёни бир неча асосий вазифаларни ўз ичига олади:

- аниқ белгиланган ва таққосланадиган даражалар тизимини жорий этиш,
- бакалаврият - магистратурани тайёрлашнинг икки босқичли моделига ўтиш (2003 йилда учинчи босқич - докторантура тўғрисида қарор қабул қилинди),
- кредитлар (кредитлар) тизимини шакллантириш,
- халқаро аккредитация тизимида университетларнинг иштироки,
- Европа доирасида меҳнат ресурсларининг еркин ҳаракатланиши учун шароит яратиш.

Жаҳон Тиббий Таълим Федерацияси, Халқаро Тиббий Таълим Уюшмаси ва Европадаги Тиббий Таълим Уюшмаси Болоня декларациясининг асосий қоидалари билан келишилган ва тиббий маълумотни Болоня жараёнига қўшилишини қўллаб-қувватлаган Болония жараёни тўғрисида сиёсий баёнот қабул қилдилар. Аммо шу билан бирга, ўқув режалари ва дастурларининг ўзига хос хусусиятларини, шунингдек, Европадаги тиббиёт мактабларининг ҳозирги ҳолатини ҳисобга олиш таклиф қилинди. Тиббиёт олий ўқув юртларига таълимнинг икки босқичли тузилишини жорий этиш мажбуриятини юклаганлик таклиф этилади, шу билан бирга узоқ муддатли бир босқичли ўқитишга устунлик берилади.

Болония жараёнининг муҳим таркибий қисми кредит тизимини жорий этишдир. Ўқув ишларининг барча турларини ҳисоблаш учун кредит бирликларидан фойдаланилади: битта кредит бирлиги 36 академик соатни ташкил қилади. Кредит тизимига ўтиш талабаларга таълимни бир мамлакатда бошлашга ва бошқаларда давом еттиришга, кредит олишга ва билим базасини ва шунга мос равишда мутахассис сифатида ўз вазнини оширишга имкон беради. Талабалар нафақат университетларда, балки умрбод таълим тизимида ҳам бундай кредитларни олиш, тизимни "умрбод ўрганиш" тушунчаси доирасида ишлашга қодир бўлган кўмулатив қилиш имкониятига эга бўладилар.

Болония жараёни халқаро аккредитация тизимига киришни ўз ичига олади. Бу, айниқса, Европада йилига 100 га яқин янги тиббиёт университетлари очилаётгани билан боғлиқ бўлиб, уларнинг аксарият қисмида на моддий ресурслар, на клиник базалар мавжуд. Умуман олганда дунёда 1600 га яқин тиббиёт олий ўқув юртлари ва факултетлари мавжуд бўлиб, уларнинг 40 фоизи ҳеч қандай аттестациядан ўтмайди. Аккредитацияни нафақат университетлар, балки тренинг ўтказиладиган дастурлар ҳам топшириши керак. Россиянинг аксарият тиббиёт олий ўқув юртлари барча олий ўқув юртлари учун мажбурий бўлган ягона таълим стандартини сақлаб қолишди. Ушбу стандарт доирасида Россия олий ўқув юртларининг тиббиёт ва фармацевтика таълими бўйича ўқув-

услугий бирлашмаси илмий-педагогик жамоаларга Европа тизимига мос келадиган минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ўқув дастурларини 15-20 фоизгача ўзгартиришга имкон беради.

"Европа олий таълим зонаси" жорий етилиши билан, Болония жараёнига киритилган мамлакатлар ўзларининг таълим тизимларини ўзаро уйғунлаштирган ҳолда курадилар, шу туфайли бир мамлакатда берилган дипломлар шартноманинг барча бошқа томонлари учун ҳақиқий деб тан олинади.

Россия Федерациясининг "Олий ва олий ўқув юртидан кейинги касб-ҳунар таълими тўғрисида" ги Қонунига биноан, олий ўқув юрти талабаси ушбу ўқув юртига ўқиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган талаба ҳисобланади.

Россия Федерациясининг "Олий ва олий ўқув юртидан кейинги профессионал таълими тўғрисида" ги қонунига мувофиқ:

1. Барча таълим муассасалари талабалари давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим олиш, индивидуал ўқув дастурларига мувофиқ ушбу стандартлар доирасида ўқиш, тезлаштирилган ўқув курслари, кутубхоналарнинг кутубхона ва ахборот ресурсларидан бепул фойдаланиш, шу жумладан қўшимча маълумот олиш ҳуқуқига эга. пуллик) таълим хизматлари, таълим муассасасини бошқаришда иштирок етиш, инсоннинг қадр-қимматини ҳурмат қилиш, виждон, маълумот еркинлиги, ўз фикрлари ва еътиқодларини еркин ифода етиш.

2. Тегишли кафедралар ва факултетлар томонидан таклиф қилинадиган ихтиёрий (малака оширишнинг маълум бир тури учун ихтиёрий) мутахассисликлар ва факултатив (мажбурий) курсларни танланг.

3. Танланган таълим йўналиши ёки мутахассислиги бўйича академик фанлар билан бир қаторда, ушбу олий ўқув юртида, унинг уставида белгиланган тартибда ўқитиладиган, шунингдек бошқа олий ўқув юртларида ўқитиладиган (уларнинг раҳбарлари ўртасида келишилган ҳолда) ўқитиладиган ҳар қандай бошқа фанларни ҳам ўзлаштириш.

4. Тадқиқот ишларининг барча турларида, конференцияларда, симпозиумларда қатнашиш; ўзингизнинг ишингизни нашрга, шу жумладан олий ўқув юртининг нашрларида тақдим етинг.

5. Талабалар ушбу таълим муассасасининг розилиги ва сертификатлашни муваффақиятли яқунлашлари билан тегишли даражадаги таълим дастурини амалга оширадиган бошқа таълим муассасасига кўчирилиш ҳуқуқига эга.

6. Таълим муассасаси ўқувчиларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашга кафолат берадиган шароитларни яратади.

7. Талабаларнинг ўқув юқи, ўқиш тартиби соғлиқни сақлаш органлари билан келишилган тавсиялар асосида таълим муассасасининг устави билан белгиланади.

8. Таълим муассасалари ўқувчиларининг ўқиши, ишлаши ва дам олиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш учун жавобгарлик Россия Федерацияси қонунчилигига ва ушбу таълим муассасасининг уставига мувофиқ таълим муассасаларининг мансабдор шахслари томонидан қопланади.

9. Кундузги бўлим талабаларига ўқиш пайтида ҳарбий хизматдан кейинга қолдирилади.

10. Ўқишни иш билан бирлаштирган кундузги бўлим талабаларига таътил берилади, лекин иш жойида иш ҳақи тўланмасдан:

- тест ва имтиҳонларни топшириш учун ўқув йилида 15 календар кун;
- давлат имтиҳонларини топшириш учун - 1 ой.

11. Олий касбий таълимнинг ўқув дастурлари бўйича ўқишни тугатган ва якуний аттестациядан ўтган шахсларга тегишли маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар берилади.

12. Давлат томонидан аккредитациядан ўтган олий ўқув юрти ўз битирувчиларига Россия Федерациясининг расмий рамзлари билан тегишли таълим тўғрисидаги давлат томонидан тан олинган ҳужжатларни тақдим этади.

13. Университетлар талабалари, ўз навбатида, билим олишга, олий ўқув юртларининг ўқув режалари ва ўқув дастурларида назарда тутилган барча турдаги вазифаларни ўз вақтида бажаришга, университет уставига,

ётоқхонанинг ички тартиб қоидаларига ва қоидаларига риоя қилишга мажбурдирлар.

“Даволаш иши” мутахассислиги бўйича якуний давлат аттестацияси қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) амалий кўникмаларни ўзлаштириш даражасини текшириш.

2) якуний синов имтиҳони.

3) якуний суҳбат: ички касалликлар, жарроҳлик касалликлари, акушерлик ва гинекология.

УНИВЕРСИТЕТНИНГ ТАЪЛИМ ФАОЛИЯТИ

1. Кундузги ва сиртки бўлим талабалари учун энг катта ўқув юклама ҳажми ҳафтада 54 соатни ташкил этади, шу билан бирга барча аудитория ва аудиториядан ташқари (муствақил) ўқув ишлари олиб борилади ва ўқув режаси мазмуни билан белгиланади. Муствақил иш бутун ўқув юкламасининг 1/3 қисмини ташкил қилади. Университетда олти кунлик ўқув ҳафтаси мавжуд.

2. Ўқув йилида кундузги ва сиртки таълим шакллари талабалари учун таътиллар умумий давомийлиги камида 7 ҳафта, шу жумладан қишда камида 2 ҳафта давом етадиган таътиллар белгиланади.

3. Аудитория дарсларининг барча турлари учун (амалиётдан ташқари) академик соат 45 минут, дарслар орасидаги танаффус камида 10 минут қилиб белгиланган.

4. Таълим дастурларини ишлаб чиқиш сифати Университетда доимий мониторингни амалга ошириш, талабаларни оралиқ аттестациядан ўтказиш ва битирувчиларни якуний сертификатлаш орқали амалга оширилади.

5. Олий касб-хунар таълими дастурлари бўйича Университетга ўқишга кирган талабалар, оралиқ аттестация пайтида, ўқув йили давомида 10 дан ортиқ имтиҳон ва 12 та кредит топширадилар. Белгиланган рақам жисмоний тарбия ва факултатив фанлардан имтиҳонлар ва кредитларни ўз ичига олмайди.

6. Университет талабаларига академик таътил федерал таълим маъмурияти томонидан белгиланган тартибда берилади.

7. Ўқув дастурининг барча талабларини бажарган талабалар якуний давлат аттестациясига қабул қилинади. Университет битирувчисини якуний аттестацияси мажбурий бўлиб, таълим дастурини тўлиқ ўзлаштиргандан сўнг амалга оширилади.

8. Ўқишда алоҳида муваффақиятларга еришган Университет талабаси, давлатнинг қарори билан ўқув имтиҳонларининг камида 75 фоизда "аъло" баҳо билан, қолган фанлари учун еса "яхши" баҳоларга эга бўлган ва "энг яхши" баҳоларга эга бўлган давлат аттестациясидан ўтган. аттестация комиссияси имтиёзли диплом билан тақдирланади.

9. Университет талабаларни иш билан таъминлаш соҳасидаги вазият тўғрисида хабардор қилади ва уларнинг иш билан таъминланишига кўмаклашади.

ЎҚИТИШ ТАРТИБИ

1. Ўқув йили 1 сентябрда бошланади, икки семестрдан иборат ва ушбу ўқув ва касбий дастурнинг ўқув режасига мувофиқ тугайди.

2. Илмий кэнгаш ўқув йилининг бошини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

3. Университетда қуйидаги асосий машғулотлар турлари ташкил этилган: маъруза, семинар, маслаҳат, амалий дарс, лаборатория ишлари, беморлар курацияси, амалиёт.

4. Дарсларнинг жадвали факултет декани томонидан тасдиқланади ва машғулотлар бошланишидан 7 кундан кечиктирмай белгиланган жойда жойлаштирилади.

5. Аудитория машғулотларининг барча турлари учун академик соат 45-50 минутни ташкил қилади. Академик соат тугаганидан кейин 10 дақиқалик танаффус белгиланади. Тўрт соатлик машғулотлардан сўнг - 20-30 дақиқалик тушлик танаффуси.

6. Дарслар бошлангандан сўнг, барча аудитория хоналари ва унга туташ бинолар одатдаги ўқув машғулотлари учун зарур бўлган сукунат ва тартиб

билан таъминланиши керак. Ўқув машғулотларини тўхтатиб қўйиш, улар давомида аудиторияга кириш ва чиқиш йўл қўйилмайди.

7. Амалий ва семинарларни ўқув хоналарида, лабораторияларда, клиникаларда, ўқув устахоналарида ўтказиш учун ҳар бир курс талабаларнинг академик гуруҳларига бўлинади. Академик гуруҳларнинг таркиби факултет деканининг кўрсатмаси билан белгиланади.

8. Ҳар бир гуруҳда мудир энг муваффақиятли ва интизомли талабалар орасидан факултет декани томонидан тайинланади. Гуруҳ мудирини бевосита факултет деканининг курс бўйича ўринбосарига бўйсунди ва унинг барча буйруқлари ва кўрсатмаларини бажаради.

ЎҚИТИШ ДАСТУРЛАРИНИНГ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ

Турли кафедраларда билимларни бошқариш даражаси ва назорат шаклларида талаблар биров фарқ қилиши мумкин (улар кириш дарсларида ёки маърузаларда баён қилинади). Қўйида, мисол тариқасида, психиатрия ва наркологиya кафедрасида билимларни ўзлаштириш даражасига қўйиладиган талаблар келтирилган.

Талабаларининг билимларини текшириш мезонлари:

1. "АЪЛЮ" белгиси дастур материални, шу жумладан маъруза материални чуқур ва қатъий ўзлаштирган талабага билет саволига жавоб беришда изчил, аниқ ва мустақил равишда (етақчи саволларсиз) берилади. Агар савол амалий бўлса, талаба унга умумий амалиёт шифокори нуқтаи назаридан жавоб бериши керак.

2. "ЯХШИ" белгиси дастур материални, шу жумладан маъруза материални яхши билладиган, билет саволига малакали ва моҳиятан жавоб берадиган ва жиддий ноаниқликларга (етақчи саволлар билан тузатиб бўлмайдиган ёки муҳим амалий бўлмаган) ноаниқликларга йўл қўймайдиган талабага берилади. қийматлар). Худди шу нарса амалдаги муҳим масалаларни ёритишда ҳам қўлланилади.

3. "ҚОНИҚАРЛИ" белгиси асосий материал тўғрисидаги билимларини очиб берган, аммо унинг тафсилотларини билмаган, ноаниқликлар қилган,

сўзларнинг етарлича тўғри емаслиги, материални кетма-кетликсиз тақдим етган, имтиҳон берувчининг ёрдами ёки тузатишлари билан амалий саволларга жавоб берадиган талабага берилади.

4. Дастур материалнинг муҳим қисмини, шу жумладан маъруза материални билмаган талабага "ҚОНИҚАРСИЗ" белгиси қўйилади. Умумий амалиёт шифокори нуқтаи назаридан амалий муҳим масалаларни ҳал қилишда жиддий хатоларга йўл қўяди. "Қониқарсиз" белгиси, агар сиз курснинг асосий бўлимларидан бирини билмасангиз ҳам, имтиҳон чипталарининг қолган саволларига жавобларни ижобий баҳолаш мумкин бўлса ҳам берилади.

5. Белгиланган мезонлардан фойдаланган ҳолда билим ҳар бир савол учун алоҳида баҳоланади. Умумий балл ўртача арифметик сифатида аниқланади.

"Имтиҳон ва тестларни қайта топшириш тартиби тўғрисида"

1. Имтиҳонни ёки тестни икки мартадан ортиқ такрорлашга йўл қўйилмайди.

2. Имтиҳонни қайта топшириш учун талаба ўз курси деканатига факултет декани номига қайта топшириш санасини кўрсатган ҳолда ариза топшириши керак.

3. Такрорий қайтариб олинган тақдирда (истисно тариқасида) комиссия тузилади, унинг таркиби деканат тақдимотига биноан буйруқ билан тасдиқланади.

4. Такрорий имтиҳонлар ўқув ишлари бўйича проректорнинг буйруғида белгиланган кунларда ўтказилади.

5. Семестр давомида ўтказилмаган такрорий имтиҳонлар кредитлаш ҳафтасида, қайта топшириш еса сессия такрорланадиган кунларда ўтказилади. Қайта қабул қилиш кунлари курс декани томонидан белгиланади.

6. Сессияга кириш барча ўрганилган фанлардан кредитлар олгандан кейин мумкин.

7. Якуний давлат аттестациясига қабул қилишда барча фанлардан академик қарздорлик, шу жумладан бошқа фанлардан имтиҳонларни қайта топшириш билан бартараф етиш керак.

8. Ўқув йилининг охирига қадар ўқув дастурларининг келишмовчиликлари учун академик қарзини тўламаган академик таътилдан университетга тикланган ёки бошқа тиббиёт олий ўқув юртлиридан кўчирилган талабалар қўйилмайди.

Олий тиббий маълумот дипломини олганидан сўнг, университет битирувчиси икки йўлга эга - тиббий амалиётни участка шифокори / педиатри сифатида бошлаш (аккредитациядан ўтганидан кейин) ёки яшаш жойида бебаҳо тажриба тўплаш ва тор профилли мутахассис (гастроентеролог, гинеколог ва бошқалар) бўлиш.

РЕЗИДЕНТУРА (ОРДИНАТУРА)

Тиббиёт билим юртлирини маълум бир мутахассислик бўйича тажриба орттириш ва чуқурроқ билим олишни истаган битирувчилари резидентурага киришади. Аҳолини касалхонага ёки клиникага тайинлашади, у ерда улар ёрдамчи вазифасини бажарадилар. Ёш мутахассиснинг ишини амалиётчи шифокор назорат қилади ва у унга ишининг турли қирраларини кўрсатиб беради. Аммо кўпинча талаба беморнинг ёзувларини тўлдириш, сменалар ва бошқа кўп нарсаларни ўз ичига олган жуда қийин ишларни бажариши керак. Касалхонадаги иши билан бир қаторда резидент университетдаги маърузаларда қатнашади ва имтиҳон топширади. Таълим муддати резидент эгаллашни истаган мутахассисликка боғлиқ ва 2 йилдан 6 йилгача ўзгариб туради. Резидентлик тугагандан сўнг талаба якуний имтиҳонларни топширади, ундан сўнг у тор профилли ихтисослик бўйича тўлиқ тиббий амалиётни бошлашга имкон берадиган сертификат олади.

Резидентурага кириш учун тиббиёт олий ўқув юрти битирувчиси тест синовлари шаклида кириш имтиҳонини топшириши керак. Умуман олганда, муружаат етувчига 60 дақиқада 60 та топшириқни бажариш таклиф етилади. Имтиҳон натижалари 1 календар йил давомида амал қилади.

АСПИРАНТУРА

Ўзининг илмий салоҳиятини ривожлантиришдан манфаатдор бўлган чет эллик талаба мутахассисликдан сўнг дарҳол амалиётни четлаб, аспирантурага ўқишга кириши мумкин. Магистратура талабаси бўлиш учун у кириш

тестларини топшириши ва мутахассис дипломига эга бўлган университет Илмий Кэнгашининг тавсияларига эга бўлиши керак. Ҳам бюджет, ҳам шартнома учун мурожаат қилишингиз мумкин. Штат ишчилари учун катта плюс - бу ойлик стипендия тўловларининг мавжудлиги.

Аспирантурани узлуксиз таълим билан таққослаш мумкин, аспирант тиббиётда маълум бир йўналишни чуқур ўрганади, шу асосда у илмий диссертация ёзади. Аспирантнинг муваффақияти ва илмий иш ёзишда еришган ютуқлари куратор томонидан назорат қилинади, шунингдек у ўзи учун диссертация ёзиш вақтини белгилайдиган индивидуал иш режасини тузади. Шуниси еътиборлики, агар ушбу режа бажарилмаса, аспирант четлаштирилиши мумкин.

Аспирантнинг вазифаларига илмий ишларини ёзишдан ташқари қўшимча дарсларга қатнашиш, шунингдек, ўзи бириктирилган бўлим ишларида фаол қатнашиш киради. Кўпинча аспирантлар кичик ўқувчилар учун маърузалар ёки амалий машғулотлар ўтказадилар. Диссертацияни ҳимоя қилгандан сўнг, аспирантга фан номзоди илмий даражаси берилади, бу унга ўз она юртида ёки бошқа бирон бир университетда ўқитувчилик фаолиятини бошлаши ёки илм-фан билан узоқлашиши учун имкон беради. Тиббий мутахассислик бўйича аспирантурада ўқиш муддати 3 йил (кундузги) ёки 4 йил (сиртки).

ДОКТОРАНТУРА

Докторантура тиббиёт университети битирувчиси учун илмий соҳада карерасини давом еттириш учун ажойиб имкониятдир. Тиббиёт университетида докторант бўлиш учун сиз фан номзоди унвонига, мутахассислик бўйича иш стажига, шунингдек камида 3 йиллик илмий иш тажрибангизга эга бўлишингиз керак. Бундан ташқари, докторант илмий ишларини нашр еттирган бўлиши керак. Докторантурада ўқиш учун уч йиллик муддат давомида докторант жиддий илмий тадқиқот ишларини бажариши керак: илмий диссертация режасини тайёрлаш ва тайёр ишни кафедрага топшириш. Докторантга ёрдам бериш учун университет докторлик даражасига эга бўлган илмий маслаҳатчи тайинлайди ва агар керак бўлса, бошқа таълим

муассасаларининг мутахассислари маслаҳатчи сифатида таклиф қилинади. Диссертацияни ҳимоя қилгандан сўнг докторантга илмий даража берилади, у тегишли ҳужжатлар - докторлик дипломлари билан тасдиқланади. Муҳим жиҳат: докторантурада ўқитиш фақат кундузги шаклда амалга оширилади.

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5847-сон фармонинг асосий мазмуни?

2. Жанубий Кореяда Олий таълим структураси қандай тузилган?

3. Россия Федерациясида Олий таълим структураси қандай тузилган?

4. Жанубий Кореяда тиббиёт университетларида ўқиш давомийлиги неччи йил ва қандай босқичлардан иборат.

5. Жаҳон таълими тизимлари билан бизнинг мутахассисларни таништириш мақсадида Ўзбекистонда фаолият юритаётган қандай ташкилотлар иштирок этмоқда?

2-МАЪРУЗА. ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ПЕДАГОГНИНГ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИ ВА КОМПЕТЕНТЛИГИ АСОСИЙ ОМИЛ СИФАТИДА (2 СОАТ).

Режа:

1. Таълим самарадорлигини оширишда педагогнинг педагогик маҳоратининг ва компетентлигининг муҳимлиги;

2. Педагогнинг касбий фаолиятига қўйиладиган талаблар.

Маҳорат (араб. “моҳирлик”, “усталик”, “эпчиллик”) – 1) бирор иш, касб учун зарур ёки шу соҳада орттирилган усталик, санъат, моҳирлик; 2) бир иш ёки фаолиятни юксак даражада, ҳеч бир қийинчиликсиз, ўта моҳирлик билан бажариш; 3) муайян иш, хатти-ҳаракат ёки касбий фаолиятнинг усталик, моҳирлик билан, санъаткорона ташкил этилишига имкон берадиган билим, кўникма ва малакалар мажмуи.

Педагогик маҳорат - ўқитувчининг шахсий-касбий фаолияти натижаси умумлашмаси бўлиб, муайян билим, кўникма, малакаларийғиндисидан иборат.

Педагогик маҳорат:

- 1) касбий кўникмаларнинг юксак даражада ривожланиши;
- 2) шахснинг касбий сифатлари, лаёқат қобилиятлари мажмуи;
- 3) санъат даражасидаги маҳорат;
- 4) педагогик моҳирлик, санъат ва билимдонликни ифодаловчи атама.

Педагогик маҳорат куйидаги муайян шаклларнинг йўналишларига эга:

1. Ўқув педагогик фаолият йўналиши. Бунда ўқитувчи ўзи дарс бераётган ўқув предмети, педагогика, психология, методика фанларини илмий техникавий тараққиёт ва давр талаблари даражасида билиши зарурлигини назарда тутди.

2. Шахсий фаолият йўналиши. Бу йўналишда ўқитувчи ўзи, ўз иши, ҳамкасблари, ўқувчилари, уларнинг ота-оналарига бўлган муносабатини ифодалайди. Бу ўқитувчининг ўз мавқеини тушуниши, ўз-ўзига баҳо бериши, ўз-ўзини англаши, мустақил билим олишга интилиши, касбий ривожланиши, ўз касбий фаолиятини ривожлайтириши, бунёдкорлик, ижодкорлик, тадбиркорлик лаёқати, янгиликка мунтазам интилишида намоён бўлади.

3. Ижтимоий педагогик фаолият йўналиши. У ўқитувчиларнинг таълим олувчилар жамоасини ҳис эта олиши, уларнинг туйғуларини англаши, қизиқиш ва эҳтиёжлари, дуч келадиган қийинчиликларини билиб олиши;

- ҳар бир таълим олувчининг индивидуал психологик хусусиятларини илғай олиши;

- дарсда ва дарсдан ташқари тарбиявий тадбирларни ташкил қилиш буйича билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланиши;

- турли ижтимоий фойдали ишларга ўқувчиларни жалб эта олиши;

- фан. ҳаёт, санъат, ижтимоий фойдали меҳнатга қизиқиш уйғота олишини ифодалайди.

4. Ахборот-коммуникатив фаолият йўналиши. Ўқитувчининг маълумот ахборотга эга эканлиги; воқелик, педагогик жараёндаги воқеа-ҳодисалар

туғрисидаги маълумотлар билан қуроллаганлиги, ахборот ва коммуникатив техникадан маълумотлар ола билиши, улар устида қайта фикрлаши, хамкасблари ва ўқувчиларга етказа олиш қобилиятига эга эканлигини кўрсатади.

Қайд этиб ўтилган ҳамда тавсифланган педагогик маҳоратни эгаллашнинг мазкур йуналишлари ўқитувчи фаолиятининг асосини ташкил килади.

Педагогик маҳорат яхлит тизим сифатида қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- педагог шахсининг инсонпарварлик йўналишига эга бўлиши, унинг қизиқишлари, қадрият йўналишларининг олий мақсадга-баркамол авлод тарбиялаб етиштиришга йўналтирилганлиги;

- мутахассислик фанлари, ўқитиш методикаси, педагогика ва психологиядан профессионал билимларга эга бўлиши;

- педагогик қобилиятга эга бўлиши (мулоқотга мойиллик, ишчанлик, келажакни тасаввур қила олиш, касбий мустақиллик, сенсор ахборотларни тезлик билан англаш);

- педагогик техникани эгаллаши, яъни ўз-ўзини бошқара олиши, ўзаро таъсир этиш ва ҳамкорликда ишлашни уддалаши.

Педагог шахсининг инсонпарварлик йўналишга эга бўлиши-таълим олувчи шахсини ҳурмат қилиши, айрим масалаларни ўзини таълим олувчи ўрнида сезиб ҳал этиши, адолатли бўлиши, педагогик фаолиятни пировард мақсадга – баркамол авлод тарбиялашга йўналтиришда ифодаланади. Буюк мутафаккиримиз Ибн Сино ҳам ўқитувчи шахсида ҳалоллик, адолат, поклик, меҳнатсеварлик, фидойийлик, одамгарчилик каби хислатларни қадрлаган.

Инсонпарвар бўлиш маҳоратли педагог фаолиятининг бирча жиҳатларини қамраб олади ва унинг аниқ вазифаларини ҳам белгилаб беради. Инсонпарварлик деганимизда, таълим олувчиларнинг дини, ирқи, миллати, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, уларнинг барчасига бир хил муносабатда бўлишни тушунамиз. Ҳар бир таълим олувчига инсонпарварлик нуқтаи назаридан ёндошишимиз даркор. Болаларни сева олиш, уларга ўз ота-

оналаридек меҳрибонлик кўрсата билиш моҳир педагогнинг муҳим инсонпарварлик фазилатларидан биридир. Педагог ҳар доим, ҳамма вақт таълим олувчиларга меҳрибонлик кўрсата олиши лозим. Ўз таълим олувчиси тўғрисида шошма-шошарлик билан хулоса чиқармаслик, улар ҳақида салбий ёки ижобий фикрга келмаслик керак. Таълим олувчилар орасида унинг “севимли” ёки “ёмон” кўрадиган тарбияланувчиларни бўлиши таълим олувчида педагогга бўлган ҳурматни сўндиради. Ҳар қандай бўш ва паст ўзлаштирадиган, “тарбияси қийин” таълим олувчи билан ишлаганда педагогнинг вазифаси шундан иборатки, таълим олувчидаги ана шу билинар билинмас лекин энг муҳим ижобий фазилатни топа олиш ва шу фазилатга таяниб таълим олувчи мулкидаги, ўтмишидаги салбий хусусиятларни тугатишга интиломоғи лозим. Педагог шахсий фазилатлари тизимида педагоглик фаолиятга бўлган эҳтиёж номли муҳим касбий йўналиш мавжудки, у педагогик маҳоратни эгаллаш учун катта роль ўйнайди.

Таълим берувчининг компетенцияси

Меҳнат бозорининг ўзгариб бориши, тараққиёт жадаллашуви, ахборот муҳити глобаллашиши таъсирида мактаб битирувчисига қўйилаётган талаблар мураккаблашиб бораверади. Шу нуқтаи назардан, замонавий мактаб ўз фаолиятини ташкил этишда нафақат бугунги давр талабларини инобатга олиши, балки таълим олувчиларни эртанги кун талабларига ҳам тайёрлаши зарур. Албатта, XXI асрнинг иккинчи ярмида ҳаёт қандай кечиши, қандай билимлар керак бўлишини шиддат билан ривожланиб, ўзгариб бораётган замонда аниқ прогноз қилиш қийин. Шу боис мактаб таълим олувчиларига билим бериш билан бирга, уларда мустақиллик, ташаббускорлик, ҳамкорлик, вазиятни реал баҳолай олиш, мантиқий фикрлаш, ахборотни саралаш ва ундан оқилона фойдаланиш, тез киришувчанлик хусусиятларини шакллантириб, ҳар қандай ўзгаришларга конструктив мослаша олиш қобилиятини ривожлантириб бориш лозим.

Олдимизда турган бу долзарб вазифа мустақил ҳаётини позиция, ижтимоий фаоллик, юксак ақлий ва маънавий салоҳиятни шакллантиришга қаратилган

шахсга йўналтирилган таълимни ҳаётга янада кенгроқ татбиқ этишни тақозо этади.

Бунинг учун таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ҳар бир педагогнинг компетенцияга эга бўлиши муҳимдир.

“Компетенция” тушунчаси латинча *competere* деган сўздан олинган бўлиб, “лойиқ”, “мос келмоқ” маъносини беради.

Компетенция – олинган назарий билим, амалий кўникма, малака ва шахсий фазилатлар мажмуасини амалиётга қўллай олиш қобилияти ва лаёқати.

Компетентлилик деганда, аниқ вазиятда компетенцияни намоён қилиш тушунилади.

Компетентлилик – шахснинг билим, кўникма ва тажрибаларининг ижтимоий-профессионал мавқеи ва ўзига тегишли вазифаларни бажариш, муаммоларни ҳал қилишга қодирлиги ҳамда ҳақиқий мослик даражаси тушунилади. Демак, компетенциявий ёндашув билим, кўникма ва малакани инкор этмаган ҳолда, эгалланган билимларни амалда қўллай олиш қобилиятини ривожлантиришга катта эътибор қаратади.

Бозор муносабатлари шароитида меҳнат бозорида устувор ўрин эгаллаган кучли рақобатга бардошли бўлиш ҳар бир мутахассисдан касбий компетентликка эга бўлиш, уни изчил равишда ошириб боришни тақозо этмоқда. Хўш, компетентлик нима? Касбий компетентлик негизида қандай сифатлар акс этади? Педагог ўзида қандай компетентлик сифатларини ёрита олиши зарур? Айни ўринда шу ва шунга ёндош ғоялар юзасидан сўз юритилади.

“Компетентлик” тушунчаси таълим соҳасига психологик илмий изланишлар натижасида кириб келган. Психологик нуқтаи назардан компетентлик “ноанъанавий вазиятлар, қутилмаган ҳолларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб боровчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгалик”ни англатади.

“Компетентлик” (ингл. “competence” – “қобилият”) – фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий кўникма, малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш

Касбий компетентлик – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олинishi

Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутди. Шунингдек, компетенция мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади. Касбий компетентлик қуйидаги ҳолатларда яққол намоён бўлади:

- мураккаб жараёнларда;
- ноаниқ вазифаларни бажаришда;
- бир-бирига зид маълумотлардан фойдаланишда;
- кутилмаган вазиятда ҳаракат режасига эга бўла олишда

Касбий компетенцияга эга мутахассис:

- ўз билимларини изчил бойитиб боради;
- янги ахборотларни ўзлаштиради; - давр талабларини чуқур англайди;
- янги билимларни излаб топади;
- уларни қайта ишлайди ва ўз амалий фаолиятида самарали қўллайди

Касбий компетентлик сифатлари. Қуйида касбий компетентлик негизида акс этувчи сифатларнинг моҳияти қисқача ёритилади.

1. Ижтимоий компетентлик – ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўникма, малакаларига эгалик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга кириша олиш.

2. Махсус компетентлик – касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш, касбий-педагогик вазифаларни оқилона ҳал қилиш, фаолияти

натижаларини реал баҳолаш, билим, кўникма ва малакани изчил ривожлантириб бориш бўлиб, ушбу компетентлик негизида психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ва коммуникатив компетентлик кўзга ташланади.

Улар ўзида қуйидаги мазмунни ифодалайди:

а) психологик компетентлик – педагогик жараёнда соғлом психологик муҳитни ярата олиш, талабалар ва таълим жараёнининг бошқа иштирокчилари билан ижобий мулоқотни ташкил этиш, турли салбий психологик зиддиятларни ўз вақтида англай олиш ва бартараф эта олиш;

б) методик компетентлик – педагогик жараёни методик жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шакллари тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадга мувофиқ танлай олиш, методларни самарали қўллаш олиш, воситаларни муваффақиятли қўллаш;

с) информацион компетентлик – ахборот муҳитида зарур, муҳим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ва улардан мақсадли, ўринли, самарали фойдаланиш;

д) креатив компетентлик – педагогик фаолиятга нисбатан танқидий ва ижодий ёндошиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эгаллигини намойиш эта олиш;

е) инновацион компетентлик – педагогик жараёни такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга доир янги ғояларни илгари суриш, уларни амалиётга муваффақиятли татбиқ этиш;

ф) коммуникатив компетентлик – таълим жараёнининг барча иштирокчилари, жумладан, талабалар билан самимий мулоқотда бўлиш, уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш.

3) Шахсий компетентлик – изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш.

4) Технологик компетентлик – касбий-педагогик билим, кўникма ва малакани бойтадиган илғор технологияларни ўзлаштириш, замонавий восита, техника ва технологиялардан фойдалана олиш.

5) Экстремал компетентлик – фавқулотда вазиятлар (табiiй офатлар, технологик жараён ишдан чиққан)да, педагогик низолар юзага келганда оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгаллик.

Мутахассис модели

Касбий шаклланиш жараёнида ўқитувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ўрганиш, ўзлаштириш жараёнини ташкил этиш ҳамда унинг натижаларини баҳолаш муҳимдир. Ўқув фаолиятининг зарур тарбиявий натижасини аниқлашга хизмат қилувчи маҳоратлар алоҳида тизимни ташкил этади. Маънавий дунёқараш ва унинг моҳияти ҳамда умумий маданиятлилик даражасига қўйилувчи талабларни ўз ичига олади.

Тузилиши нуқтаи назаридан мутахассис модели уни ўзгартириш ва тузатиш имконини берувчи, фаолият самарадорлигига таъсир кўрсатувчи ва осон ташҳис (диагностика) қилинадиган таркибий қисмларни ўз ичига олиши зарур. Икки қисмли тузилмага эга бўлган мутахассис модели энг кўп тарқалган модел ҳисобланади.

Мутахассис модели – бу ишлаб чиқариш соҳасида юзага келадиган муаммоли вазиятларни муваффақиятли ҳал этилишини таъминловчи, маълум сифатларни таърифловчи ҳамда касб эгасининг мустақил билим олиши ва ўзини ривожлантиришини акс эттирувчи андоза ҳисобланади.

Ушбу моделни яратишда касбий фаолиятнинг маълум тури учун мувофиқ келадиган шахсий сифатлар тўплами тартибга солинади. Мутахассис моделининг турларидан бири малакавий тавсифнома ҳисобланади. Унинг мазмунида қуйидаги ҳолатлар акс этади: турли лавозим ва турли иш жойлари учун хос бўлган касбий фаолият турлари, вазифа ва мажбуриятлар, шахсий сифатлар, билим ва кўникмалар. Бундай моделлар кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларни аттестациядан ўтказиш, шунингдек, мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурларини тузишда муҳим аҳамият касб этади.

Малакавий тавсифнома меъёрий модел деб ҳам аталади. Бу мутахассис фаолияти ва шахсига қўйиладиган умумий талабларни акс эттирувчи махсус паспортдир.

Малакавий тавсифнома борасидаги яхлит ва амалий аҳамиятга эга маълумотлар Е.М.Борисова томонидан аниқланган. Муаллиф фикрича, малакавий тавсифноманинг тузилмаси қуйидагилардан иборат:

1. Шахсий хусусиятлар.
2. Фаолиятнинг асосий соҳа ва турлари.
3. Улар фаолият олиб боровчи ташкилотларнинг турлари.
4. Улар эгаллаши мумкин бўлган лавозимлар.
5. Шахсий сифатларга нисбатан қўйилувчи талаблар.
6. Касбий маҳорат қўйилувчи талаблар.
7. Лавозим бўйича амалга оширилувчи вазифаларнинг тартиби.
8. Касбий билим даражасига қўйиладиган талаблар.

Ўқитувчининг малакавий тавсифномасида қуйидагилар ўз ифодасини топади:

I. Фаолиятнинг асосий соҳаси ва турлари:

- а) фаолият соҳаси: 1) таълим; 2) бошқарув ва бошқалар.
- б) фаолият турлари: 1) ўқув; 2) методик; 3) тарбиявий; 4) ташкилий; 5) илмий (раҳбарлик); 6) кадрлар билан ишлаш; 7) тадбиркорлик; 8) экспертлик ва бошқалар.

II. Улар фаолият олиб боровчи ташкилотлар: 1) *олий таълим муассасалари;* 2) *олий таълимдан кейинги таълим муассасалари (малака ошириш курслари ва кадрларни қайта тайёрлаш марказлари);* 3) *таълимни бошқариш органлари;*

III. Шахсий сифатларга талаблар: 1) психологик; 2) мулоҳазали; 3) ахлоқий; 4) фаолиятни ташкил этиш маҳорати ва усулларига қўйилувчи талаблар.

Касбий тавсифнома маълум соҳа бўйича фаолият юритувчи мутахассиснинг муваффақиятли равишда умумлаштирилган намунавий модели саналади. Бироқ айрим ҳолатларда профессиограммада «ўрта» даражадаги

касбий фаолиятни бажариш вариантлари ҳам инобатга олинади. Профессиограмманингмазмуни ва тузилишига нисбатан турли ёндашувлар мавжуд.

Намунавий касбий тавсифнома қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади:

- 1) мутахассислик таълим йўналиши, билим соҳаси ва ихтисослик номи;
- 2) касбий таълим (таълим шакллари, ўқишга кириш шартлари, таълимнинг давомийлиги, эгалланадиган малака даражаси, касбий жиҳатдан ўсиш имкониятлари), ўқишни давом эттириш;
- 3) касбий фаолияти (вазифаси) хусусиятлари, фаолиятнинг устувор жиҳатлари, малакавий талаб ҳамда эгалланиши зарур бўлган асосий малакалар;
- 4) психограмма касбий – йўналтирилган талаблар, ижтимоий маданий сифатлар, мутахассисликка хос бўлган сифатлар (касбий йўналганлик, билимдонлиги, касбий лаёқат);
- 5) меҳнатнинг санитария-гигиеник шароитлари (иш тартиби, сенсомоторли ва перцептив доирадаги тиббий кўрсатмалар).

Меҳнат фаолиятининг умумий (ижтимоий, технологик, иқтисодий, санитария-гигиеник) хусусиятлари энг оммалашган касбий тавсифномада касбий фаолиятнинг мақсади, предмети, усули, натижаларни баҳолаш мезони, зарур малакавий хусусиятлари, воситаси, шарти, ташкил этилиши, меҳнат кооперацияси, меҳнат омилкорлиги, хавф-хатар турлари ва уларнинг ишчи ҳаёти ва фаолиятига бўлган салбий таъсири ёки фаолият натижаси учун фойдаси каби ҳолатлар ўз аксини топади.

Сўнги пайтларда таклиф этилаётган таҳлилий касбий тавсифномада «касбий фаолият ва шахсининг касбий аҳамиятли сифатлари, унинг алоҳида жиҳатлари эмас, касб (ёки касбий фаолият)нинг психологик тузилмасини умумлаштирувчи меъёрий ва морфологик кўрсаткичлар» ёритилади.

Таҳлилий касбий тавсифномада қуйидаги икки блокнинг алоҳида қайд этишининг зарурлиги таъкидланади: 1) маълум шахсга боғлиқ бўлмаган ва ижтимоий тажрибаларга асосланувчи касбий фаолиятнинг объектив

хусусиятларини тавсифлаш; 2) объектив фаолиятга симметрик, бироқ у билан мос келмайдиган психологик мазмунга эга фаолият ва унинг сифатларини тавсифлаш. Бошқача қилиб айтганда, аналитик профессиограммада касбий фаолият меъёри, психологик тузилмаси ҳамда ишчининг психологик сифатлари алоҳида қайд этилади.

Анча мураккаб турдаги профессиограмманинг таркибий тузилмаси, касбий фаолиятнинг моҳияти, шунингдек, мутахассис шахсини тавсифлаш (трудограмма ва психограмма) имкониятини берувчи тузилма билан танишамиз.

«Касбий фаолият тавсифи» нинг мазмунида қуйидагилар акс этади:

1. Касбнинг йўналганлиги, вазифаси, унинг жамиятдаги ўрни ва роли (моддий маҳсулот ёки ғоялар ишлаб чиқариш, турли ижтимоий соҳаларда хизмат кўрсатиш, ахборотларни тўплаш, сақлаш ва тарқатиш)нинг инсонга йўналтирилганлиги.

2. Касбнинг кенг тарқалганлиги (ушбу касб бўйича фаолият олиб борувчи ташкилотлар).

3. Касбнинг меҳнат предмети – инсон учун меҳнатни ташкил этиш жараёнида таъсир кўрсатувчи ижтимоий омиллар (моддий буюмлар, ижтимоий-ғоявий предметлар – маданият, ахборот, маълум шахс ёки омманинг ижтимоий онги, нотабий буюмлар).

4. Касбий билимлар муайян йўналишда фаолиятни ташкил этишнинг турли жиҳатлари борасидаги маълумотлар тўплами сифатида.

5. Самарали натижага эришиш учун фаолият жараёнида қўлланилувчи техника, технология, ҳаракат, усул, маҳорат ва иш методлари, фаолиятлар ҳамда уларнинг кўлами, умумлаштирилган ва автоматлаштирилганлиги.

6. Меҳнат воситалари – зарур меҳнат маҳсулотини олиш йўлида хусусий мақсадни амалга ошириш, меҳнат предметиға таъсир кўрсатиш мақсадида инсон томонидан фойдаланадиган ижтимоий (моддий ва маънавий) омиллар. Меҳнат воситалари сирасига иш қуроллари, асбоб-ускуналар, компьютерлар

ҳамда мантиқий фикрлаш, ахлоқий ва эстетик баҳолаш тизим ва кўрсаткичлари киради.

7. Меҳнат шароитлари: меҳнат ва дам олиш тартиби, уларни ўзгартириш имкониятлари; ижтимоий муҳит хусусиятлари; меҳнатнинг санитария-гигиеник омиллари; иш жойи, меҳнат суръати, жадаллиги ва ишнинг давомийлиги.

8. Меҳнатни ташкил этиш ва бу борада ҳамкорликка эришиш: ушбу касб учун характерли бўлган индивидуал, ҳамкорликка асосланувчи ва гуруҳли фаолият турлари: касбий муносабатлар турлари ва унда унинг иштирокчилари тутган ўрин, улар ўртасида меҳнат воситалари ва маҳсулотларнинг алмашиши; ишни бажариш меъёрлари ва муддати; лавозимлар ёки лавозимлар тартиби бўйича бўйсунуш, касб доирасидаги ижтимоий мавқе ва мансаб.

9. Меҳнат маҳсулоти (ёки унинг натижаси): инсон томонидан меҳнат жараёнида содир этилувчи сифат ва миқдор ўзгаришлари, меҳнат натижаларини баҳолаш кўрсаткичлари, меҳнат натижасининг муайян даражаси (меҳнатни касб тақозоси учунгина бажарилишидан ижодий хусусият касб этишига эришилиши), қатъий тартибларнинг белгилаб қўйилиши.

10. Касбий маҳоратнинг мавжуд даражалари ва малакавий разрядлар, уларга ҳақ тўлаш тартиби.

11. Мутахассиснинг хулқи: психологик ва ижтимоий хавфсизлик, касбий фаолиятида қулай микромуҳитнинг мавжудлиги; ижтимоий кафолатлар, меҳнат ва дам олишга ҳақ тўлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш; меҳнат фаолиятини бажаришнинг индивидуал методини танлаш ва операцияларни индивидуал тарзда ўзгартириш ҳуқуқининг мавжудлиги, малакани ошириш, турдош касблар бўйича қайта тайёрлаш борасидаги имтиёзлар, лавозим бўйича «ўсиб бориш» тартиби ва мутахассиснинг касбий жиҳатдан ўсишининг рағбатлантирилиши.

12. Мутахассиснинг мажбуриятлари: касбий малакани эгаллаш, касбий хулқ-одоб қоидаларининг мажбурийлигини билиш (касбдошлари билан муносабатда самимий, ахлоқли бўлиш); иш жараёнида касбий ва хизмат сирларини сақлаш қоидаларига амал қилиш, ҳужжатларни тўғри юритиш;

муайян чекланишлар (яъни, ушбу фаолият жараёнида маълум хатти-ҳаракатларни содир этишнинг таъқиқланганлиги); лавозим бўйича вазифалар ва мажбуриятлар (у ёки бу ташкилотда муайян лавозимга кўра мутахассиснинг қандай вазифаларни қай тарзида бажариши).

13. Касбнинг инсон хулқ-атвори ва яшаш тарзига кўрсатувчи таъсири.

14. Ўз-ўзини шакллантириш, физиологик-психологик ривожланиш йўналишлари, биопсихологик ўзгаришлар, касб воситасида қарор топувчи индивидуаллик, унинг шахсни ривожлантириш борасидаги имкониятлари, касбий жиҳатдан таркиб топган муайян жамоа ҳамда ижтимоий гуруҳга мансублик.

15. Касбий фаолиятнинг салбий жиҳатлари: қийинчиликлар, касбий фаолият жараёнида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолар, уларнинг турлари ва кўлами, рўй бериш эҳтимоли бўлган моддий ҳамда маънавий йўқотишлар, мураккаб вазиятларнинг мавжудлиги, вазиятнинг ўзгарувчанлиги ёки тўхталишларнинг содир бўлиши, монотонлик, вақтнинг чегараланганлиги, ахборот етишмовчилиги ёки уларнинг кўплиги; авария ҳолатларининг содир этилиш эҳтимоли, касбий касалликларни келтириб чиқарувчи ва бошқа психологик ҳолатлар; касбий жиҳатдан юқори лавозимларга кўтарилишнинг мумкин эмаслиги, паст даражадаги меҳнат самарадорлиги, мавжуд қоидаларни бузганлик учун белгиланувчи маъмурий жазо (жарималар) турлари.

Психологик тавсифнома (психограмма - мутахассиснинг маънавий-ахлоқий ва руҳий қиёфаси). Касбий фаолиятни самарали ташкил этишда ижтимоий-касбий муносабатлар, касбий жиҳатдан ўсиш, шунингдек, содир бўлиш эҳтимоли бўлган фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун талаб этилувчи психологик сифатлари муҳим аҳамият касб этади, уларнинг сирасига қуйидагилар киради:

1) шахсий эҳтиёжлар, ҳаётий мақсад, вазифалар, талаблар, қизиқишлар, шахс иштирокида ташкил этилувчи муносабатлар мазмуни, қадриятли йўналишлар, психологик позиция;

- 2) касбий интилишлари, талаблари, касбий жиҳатдан ўзини баҳолаш, ўзини мутахассис сифатида англаш;
- 3) психик ҳолат ва ҳиссий (эмоционал) қиёфа;
- 4) меҳнат, уни ташкил этиш жараёни ва натижалардан қониқиш (мутахассиснинг операционал хусусиятлари);
- 5) меҳнат ва касб борасидаги психологик билимлар;
- 6) психотехнологиялар, психологик ҳаракатлар, усуллар, методлар, маҳорат ва техникаси (уларнинг, шахснинг ўзи ва бошқаларга таъсири);
- 7) касбий қобилият, касбий салоҳият, касбий жиҳатдан ўсиш имкониятлари;
- 8) касбга хос, шу жумладан, ижодий фикрлаш, касбий тажрибани бойитиш имкониятлари;
- 9) касбий жиҳатдан ўсишни режалаштириш ва ривожланиш;
- 10) психологик зиддиятлар (касбий фаолиятга мутлақо ёки муайян даражада мос келмайдиган психик сифатлар, бу ўринда касбга хос операционал зиддиятларни аниқлаб олиш мақсадга мувофиқдир);
- 11) касбий жиҳатдан ўсиш йўналишлари.

Бизнинг назаримизда касбий тавсифнома мазмунида, яна шунингдек, касбий жиҳатдан тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, алоҳида психологик сифатларини машқ қилдириш, ўзгартириш, ўрнини тўлдириш, касбий малакани ошириш ва турдош касбга йўналтириш (шахснинг индивидуал хусусиятларини инобатга олиш асосида) масалаларининг ёритилиши мақсадга мувофиқдир.

Мутахассис шахси ва фаолиятини моделлаштиришга нисбатан ёндашувларнинг турлича бўлишига қарамай, илмий тадқиқотларда касбий педагогик тайёргарлик тизимида мутахассиснинг касбий ва шахсий камолоти, шунингдек, мутахассисни касбий тайёрлаш жараёнининг моделини яратиш муаммоси тадқиқ этилмаган.

Буюк Британиялик олим М.Розенберг ўқитувчи фаолиятининг тўққиз йўналиши ва уларга нисбатан қўйилувчи қуйидаги касбий талабларни ишлаб чиқди:

- ўқувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини билиш;
- фаолият самарадорлигини баҳолай олиш;
- ўқув дастурларини ишлаб чиқа олиш лаёқатига эгаллик;
- касбий маҳоратга эга бўлиш;
- маслаҳатчи бўла олиш;
- коммуникабеллик лаёқатига эга бўлиш;
- илмий тадқиқот ишларини олиб бориш қобилиятига эгаллик;
- доимий равишда касбий маҳоратни такомиллаштириб боришга эришиш;
- шахсини маданий жиҳатдан такомиллашувига эришиш.

Назорат саволлари:

1. Олий таълим тизими педагоги “Мутахассис модели” тушунчаси моҳиятини нималар ташкил этади?
2. Олий маълумотли мутахассислар томонидан ташкил этилувчи фаолият турларига кўра барча талабларни қандай учта гуруҳга бирлаштириш мумкин?
3. Психологик тавсифнома (психограмма) нима?
4. “Педагогик маҳорат” тушунчасига таъриф беринг.
5. Педагогнинг коммуникатив компетентлиги нима?

3-МАЪРУЗА. ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ЎҚУВ ВА ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ИШЛАРИДА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ЮКСАЛТИРИШ. (2 СОАТ).

Режа:

1. Профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режаси таркибий қисмлари;

2. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув-услубий ишларини белгилаш.

Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари таркиби меҳнатини нормалаштириш ҳар ўқув йили учун профессор-ўқитувчилар ва кафедра мудири томонидан тузиладиган ҳамда проректорлар билан келишилган ҳолда

ўқув ишлари бўйича проректор (факультет декани) томонидан тасдиқланадиган ўқув йили бўйича шахсий иш режаларига асосланади.

Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режаси таркибига ўқув юклариси ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишларининг турлари киритилади. Иш турлари профессор-ўқитувчиларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режаларида тўлиқ ва аниқ акс эттирилиши керак. Жорий ўқув йили якунида фақат мазкур ўқув йили давомида амалга оширилган ишлар ҳисобга олинади.

Ўқув йили давомида бажарилган қўшимча иш турлари профессор-ўқитувчиларнинг йиллик шахсий иш режаларига киритиб борилиши мумкин.

Профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режаси таркибига киритиладиган ўқув юклариси ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишлари:

- тўлиқ штатда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар учун профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида;

- тўлиқ штатда бўлмаган ва ўриндош сифатида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар учун уларнинг ставкаларига мувофиқ тарзда профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида;

шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлашнинг соатбай шартлари асосида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юклариси ушбу Қоидаларга мувофиқ шакллантирилади.

Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режасининг бажарилиши мунтазам равишда кафедра мудири, ҳар семестр якунида факультет декани, декан ўринбосарлари, факультет тузилмаси бўлмаган олий таълим муассасаларида ўқув бўлими ва тегишли йўналишлар бўйича проректорлар томонидан назорат қилиб борилади.

Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкларини ҳисоблаш

Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режасига киритилган, унинг асосий қисми бўлган ўқув юкларининг соатлардаги ҳажми 1-жадвал назарда тутилган Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ўқув юкларини ҳисоблашнинг вақт меъёрларида белгиланган иш турларидан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида ҳисобланади.

Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ўқув юкларини ҳисоблашнинг вақт меъёрлари

Т/р	Иш турлари	Иш турлари учун ажратилган вақт меъёри	Иш турларининг бажарилганлигини аниқлаш
1.	Ўқув (маъруза, амалий, семинар, яқка ва лаборатория) машғулотларини ўтказиш.	бир академик соат учун — 1 соат	Ўқув машғулотлари ўқув режага мувофиқ бир академик соатдан (45 минут) ёки танаффуссиз икки академик соатдан (80 минут) ўтказилади. Бунда: амалий ва семинар машғулотлари талабалар сони, одатда, 25 нафаргача талаба бўлган академик гуруҳларда; маъруза машғулотлари, одатда, 100 нафардан ошмаган бирлашган академик гуруҳларда (поток), тиббиёт олий таълим муассасаларида клиник кафедраларда циклга келган гуруҳларда (поток); лаборатория машғулотлари ва чет (рус) тилини ўқитиш, чизма геометрия ва муҳандислик графикаси фанидан амалий машғулотлар, тиббиёт олий таълим муассасаларида тиббий-биологик, клиникагача бўлган ва гигиеник фанлар (тиббиёт олий таълим муассасалари учун) ўқитиш, нофилологик йўналишларда фанни чет тилида ўқитиш, одатда, 12 — 15 нафаргача талаба бўлган кичик гуруҳларда; маданият, санъат ва спорт йўналишларида яқка тартибдаги машғулотлар, одатда, 1 — 10 нафаргача, ансамбль

			<p>машғулотларида 2 — 12 нафаргача талаба бўлган кичик гуруҳларда;</p> <p>тиббиёт олий таълим муассасаларида клиник фанларни ўқитиш, одатда, 5 — 10 нафаргача талаба бўлган кичик гуруҳларда ўтказилади.</p> <p>Ўқув машғулотларининг ўтказилганлиги гуруҳ журналида қайд этилади.</p> <p>Тиббиёт олий таълим муассасалари учун ўқув машғулотларининг ўтказилганлиги ўқув журналида қайд этилади.</p>
2.	Якуний давлат аттестацияси белгиланган фанлардан умумлашган маърузалар ва маслаҳатлар ўтказиш	битта фанга (битта поток учун) — 6 соат	Умумлашган маърузалар ва маслаҳатларнинг ўтказилиши якуний давлат аттестациясини ўтказиш жадвалида қайд этилади.
3.	Курс ишлари ва курс лойиҳаларига раҳбарлик қилиш, улар бўйича маслаҳатлар бериш.	бир курс иши учун — 2 соат; бир курс лойиҳаси учун — 3 соат.	Бир профессор-ўқитувчи бир семестр давомида, одатда, 50 нафаргача талабага (кўпи билан 1-2 та академ гуруҳ талабаларига) курс иши (лойиҳаси) бериши мумкин. Тиббиёт олий таълим муассасалари учун ўқув режада кўрсатилган фанлар бўйича ўтказилади.
4.	Курс иши (курс лойиҳаси) химоясини ўтказиш.	бир курс иши химояси учун — 0,4 соат; бир курс лойиҳаси химояси учун — 0,6 соат. Бунда профессор-ўқитувчининг бир кунлик иш соати ҳажми 8 соатдан ошмаслиги лозим.	Курс иши (лойиҳаси) химоясида камида 2 нафар профессор-ўқитувчи иштирок этади. Жами соатлар химояда иштирок этган профессор-ўқитувчилар сонига бўлинади ва улар ўртасида тенг тақсимланади. Профессор-ўқитувчининг курс иши (лойиҳаси) химоясини ўтказишда иштирок этиши тегишли қайдномаларда акс эттирилади.
5.	Якуний давлат аттестациясини ўтказиш.	ёзма иш шаклида бир академ гуруҳ учун — 3 соат; оғзаки шаклда битта талаба учун — 0,2 соат, ижодий ишларда битта талаба учун — 0,3 соат; ёзма иш (ижодий иш)ни	Бир поток (академ гуруҳ)да ёзма иш ўтказиш жараёнида иштирок этган комиссиянинг ҳар бир аъзоси (кузатувчи профессор-ўқитувчи)га 3 соатдан берилади. Оғзаки шаклда ўтказилган якуний давлат аттестацияси синовлари жами соати унда иштирок этган

		<p>текшириш учун ҳар бир ишга — 0,2 соат; тест шаклида битта академ гуруҳ учун — 1 соат. Тиббиёт олий таълим муассасаларида клиникагача бўлган интеграллашган имтиҳон ва беморда ўтказилган клиник имтиҳон бўйича бир нафар талаба учун — 0,5 соат (интеграллашган аттестация учун). Яқуний давлат аттестация комиссияси раисига комиссиянинг битта аъзоси учун бериладиган жами соатга қўшимча равишда 20% қўшилади. Комиссия аъзоларига бериладиган бир кунлик ўқув юкмаси ҳажми 8 соатдан ошмаслиги лозим.</p>	<p>комиссиянинг ҳар бир аъзосига берилади. Ёзма иш шаклида ўтказилган яқуний давлат аттестацияси синовларининг жами соати ёзма ишни текширишда иштирок этган комиссия аъзолари умумий сонига бўлинади ҳамда комиссия аъзоларига тенг тақсимланади. Тест шаклида ўтказилган яқуний давлат аттестацияси синовлари жами соати унда иштирок этган комиссиянинг ҳар бир аъзосига берилади. Тиббиёт олий таълим муассасаларида клиникагача бўлган интеграллашган имтиҳон ва беморда ўтказилган клиник имтиҳонда жами соатлар имтиҳон олишда иштирок этганлар орасида тенг тақсимланади. Яқуний давлат аттестациясида иштирок этиш тегишли буйруқ ва қайдномаларда акс эттирилади. Яқуний давлат аттестацияси комиссияси таркибини олдиндан аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, комиссия аъзолари (кузатувчи профессор-ўқитувчи)га комиссия ўз ишини тугатгандан сўнг, соатбай ҳақ тўланади. Бунда ушбу соатбай иш тури профессор-ўқитувчининг йиллик шахсий иш режасига киритилмайди.</p>
6.	<p>Намунавий ўқув дастурларида кўзда тутилган назорат, ҳисоблаш ва ҳисоб-график ишларини текшириш, маслаҳатлар бериш, тақриз ёзиш ва қабул қилиш. Тиббиёт олий таълим муассасаларида клиник фанларни ўқитишда ишчи ўқув дастурларида кўзда тутилган касаллик тарихлари ва экспертиза баённомаларини</p>	<p>битта топшириқ учун 0,3 соат, бирок битта фанга кўпи билан — 1 соат. Битта касаллик тарихи ва экспертиза баённомаси учун — 0,5 соат</p>	<p>Бир профессор-ўқитувчига кафедра қарорига асосан кўпи билан 3 тагача академик гуруҳ талабалари бириктирилади. Тиббиёт олий таълим муассасаларида касаллик тарихи тегишли кафедрада бир йил давомида сақланади. Мазкур ишларнинг бажарилиши талабаларни баҳолаш журналларида акс эттирилади.</p>

	текшириш, маслаҳатлар бериш ва қабул қилиш.		
7.	Оралик ва якуний баҳолашларни ўтказиш, шунингдек талабанинг қолдирган (ўзлаштирмаган) дарсларини қайта топширишини қабул қилиш.	фан бўйича оралик баҳолашларда жами ҳар бир талаба учун — 0,2 соат; якуний баҳолашда ҳар бир талаба учун — 0,3 соат. Қолдирилган (ўзлаштирилмаган) дарсларни қайта топширишни қабул қилишда ҳар бир талаба учун — 0,3 соат. Бунда бир ўқув семестри давомида бир профессор-ўқитувчига кўпи билан 20 соат берилади.	Семестр давомида битта фандан кўпи билан 2 тагача оралик баҳолаш ўтказилади. Бунда модуль тизимида ўқитилмаётган ва ҳажми (умумий аудитория соати) семестр давомида ҳафтасига тўлиқ 2 академик соатдан (тиббиёт олий таълим муассасаларида 4 академик соатдан) кам бўлган фанлардан оралик баҳолаш ўтказилмайди. Оралик ва якуний баҳолашлар ўтказилиши тегишли жадвалларда акс эттирилади. Ўзма ишлар натижалари эълон қилингандан сўнг 6 ой давомида сақланади. Баҳолашлар жадвали (графики) семестр бошланган муддатда талабаларга профессор-ўқитувчи томонидан эълон қилинади. Дарсларни қайта топшириш тегишли журнал ёки қайдномаларда акс эттирилади.
8.	Бакалавриат таълим йўналиши талабалари амалиётга раҳбарлик қилиш, уларнинг ҳисоботларини текшириш ва баҳолаш.	Малакавий амалиёт ўтаётган ҳар бир талаба учун бир иш кунига — 0,5 соат. Бунда: ўқув амалиётга раҳбарлик қилиш 1 академик гуруҳ учун бир иш кунига — 6 соат; ишлаб чиқариш ва педагогик амалиётга раҳбарлик қилиш: агар ишлаб чиқариш ва педагогик амалиёт ўталаётган ташкилот олий таълим муассасаси жойлашган ҳудуд доирасида бўлса, бир иш кунига 1 академик гуруҳ учун — 3 соат; агар ишлаб чиқариш ва педагогик амалиёт ўталаётган ташкилот олий таълим муассасаси жойлашган ҳудуд доирасида бўлмаса,	Мазкур иш тури бўйича профессор-ўқитувчининг соатлари ҳажми ўқув ишлари юкламасининг 20% идан ошмаслиги лозим. Мазкур ишларнинг бажарилганлиги амалиёт ўташ бўйича олий таълим муассасаси буйруғи, талабанинг амалиёт кундалиги ва амалиёт учун баҳо қўйилган тегишли қайдномалар асосида аниқланади.

		амалиётга раҳбарлик қилиш бир иш кунига — 6 соат. Индивидуал ҳолда ўтказиладиган амалиётларда бутун амалиёт даврига бир талаба учун — 2 соат.	
9.	Бакалавриат таълим йўналиши талабаларининг битирув малакавий ишига (диплом лойиҳаси, диплом иши) раҳбарлик қилиш, хулосалар ёзиш.	бир ўқув йилига ҳар бир талаба учун — 25 соат, техник йўналишларда ҳар бир талаба учун – 30 соат	Бир ўқув йилида битта профессор-ўқитувчига 7 нафаргача талаба бириктирилади. Профессор-ўқитувчининг битирув малакавий ишига (диплом лойиҳаси, диплом иши) раҳбарлик қилганлиги, хулосалар ёзганлиги олий таълим муассасаси буйруғи, ёзилган хулоса ва ишнинг ҳимояга тақдим этилганлиги асосида аниқланади.
10.	Талабаларнинг битирув малакавий иши (диплом лойиҳаси, диплом иши, магистрлик диссертацияси) ҳимояси бўйича якуний давлат аттестацияси комиссиясида иштирок этиш.	бир битирув малакавий иши (диплом лойиҳаси, диплом иши) учун — 0,4 соат; бир магистрлик диссертацияси учун — 0,8 соат. Профессор-ўқитувчига бериладиган бир кунлик ўқув ишлари юкломаси ҳажми, одатда, 8 соатдан ошмаслиги лозим.	Аъзоларнинг якуний давлат аттестацияси комиссиясидаги иштироки олий таълим муассасаси буйруғи ҳамда ҳимоя натижалари тўғрисидаги қайдномалар асосида аниқланади. Жами соат якуний давлат аттестацияси комиссиясида иштирок этган ҳар бир аъзога берилади. Бир ЯДАК йиғилишида 4 тагача магистрлик диссертацияси, 8 тагача БМИ ҳимоясига рухсат берилади. Якуний давлат аттестацияси комиссияси таркибини олдиндан аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, комиссия аъзоларига комиссия ўз ишини тугатгандан сўнг, соатбай ҳақ тўланади. Соатбай иш тури профессор-ўқитувчининг йиллик шахсий иш режасига киритилмайди.
11.	Магистратура талабаларининг илмий педагогик фаолияти ва амалиётга раҳбарлик қилиш. Тиббиёт олий таълим муассасалари учун клиник ординаторларнинг ўқув ва клиник	бир ўқув йилига битта талаба учун — 50 соат. Бир ўқув йилига битта клиник ординатор учун — 50 соат.	Профессор ёки фан доктори 5 нафаргача, доцент, фан номзоди ва мутахассис 3 нафаргача талабанинг илмий педагогик фаолияти ва амалиётга раҳбарликни амалга ошириши мумкин. Профессор, фан доктори, доцент, фан номзоди ва мутахассис 4 нафаргача клиник

	амалиётга раҳбарлик қилиш.		ординаторнинг ўқув ва клиник амалиётга раҳбарликни амалга ошириши мумкин. Талабанинг илмий педагогик фаолиятига раҳбарлик қилганлик талабанинг календарь иш режасидаги топшириқларни бажариши билан аниқланади. Амалиётга раҳбарлик қилганлик олий таълим муассасасининг амалиёт ўташ бўйича буйруғи, талабанинг амалиёт кундалиги ва амалиёт учун баҳо қўйилган тегишли қайдномалар асосида аниқланади.
12.	Магистратура талабасининг магистрлик диссертацияси ва илмий-тадқиқот ишига раҳбарлик (илмий маслаҳатчилик) қилиш.	бир ўқув йилига битта талаба учун — 50 соат.	Профессор ёки фан доктори 5 нафаргача, доцент, фан номзоди ва мутахассис 3 нафаргача талабанинг магистрлик диссертацияси ва стажировкаси (илмий маслаҳатчилик) раҳбарликни амалга ошириши мумкин. Мазкур иш турининг бажарилганлиги олий таълим муассасаси буйруғи, талабанинг календарь иш режаси ва магистрлик диссертациясининг ҳимояга тақдим этилгани асосида аниқланади.
13.	Бакалавриат таълим йўналишлари бўйича касбий (ижодий) имтиҳонларни, шунингдек магистратура ва клиник ординатура мутахассисликлари қабули жараёнида кириш синовларини ўтказиш комиссиясида, таянч докторант (PhD), докторант ва мустақил изланувчилар танлови комиссиясида ва малака имтиҳонида иштирок этиш.	ёзма иш шаклида ўтказилганда бир поток (абитуриентлар гуруҳи) учун — 3 соат; оғзаки шаклда ўтказилганда, битта абитуриент учун — 0,3 соат; тест шаклида ўтказилганда, бир поток (абитуриентлар гуруҳи) учун — 1 соат; ҳар бир ёзма иш (ижодий иш)ни текшириш учун — 0,3 соат. Профессор-ўқитувчига бериладиган бир кунлик ўқув ишлари юкломаси ҳажми 8 соатдан ошмаслиги лозим.	Бир поток (абитуриентлар гуруҳи)да ёзма ишни ўтказиш жараёнида иштирок этган ҳар бир профессор-ўқитувчига 3 соатдан берилади. Ёзма иш шаклида ўтказилган имтиҳон ва синовларнинг жами соати ёзма ишни текширишда иштирок этган комиссия аъзолари сонига тенг бўлинади ҳамда улар ўртасида тенг тақсимланади. Оғзаки (тест) шаклида ўтказилган имтиҳон ва синовларнинг жами соати унда иштирок этган комиссиянинг ҳар бир аъзосига берилади. Қабул имтиҳонлари ва синовларида иштирок этганлик олий таълим муассасасининг тегишли буйруғи ва тегишли қайдномалар асосида аниқланади. Комиссия аъзолари таркибини

			олдиндан аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, комиссия аъзоларига комиссия ўз ишини тугатгандан сўнг, соатбай ҳақ тўланади. Соатбай иш тури профессор-ўқитувчининг йиллик шахсий иш режасига киритилмайди.
14.	Олий таълим муассасасидаги докторант ва мустақил изланувчига илмий маслаҳатчилик қилиш.	бир нафар докторант учун бир ўқув йилида — 100 соат; бир нафар мустақил изланувчи учун бир ўқув йилида — 50 соат.	Фан доктори, профессор ва фан номзоди, доцент ўзи ишлаётган олий таълим муассасасида 3 нафаргача докторант ва мустақил изланувчига илмий маслаҳатчилик қилиши мумкин. Илмий маслаҳатчи бўлганлик олий таълим муассасасининг тегишли буйруғи, докторант ва мустақил изланувчининг яқка тартибдаги иш режаси бажарилиши асосида аниқланади.
15.	Очиқ, муаммоли, интеграциялашган маърузалар ва мастер-классларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш.	бир академик соат очик лекция ва мастер-класс учун — 5 соат; очик, муаммоли, интеграциялашган маъруза учун бир ўқув йилида кўпи билан — 30 соат. Мастер-класс: олий таълим муассасаси миқёсида ўтказилганда, бир ўқув йилида кўпи билан 30 соат; республика миқёсида ўтказилганда, бир ўқув йилида кўпи билан 40 соат; халқаро миқёсда ўтказилганда, бир ўқув йилида кўпи билан 60 соат.	Олий таълим муассасаларида ўтказилган очик, муаммоли, интеграциялашган маъруза ва мастер-класслар тегишли режалар ва уларнинг ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида аниқланади.
16.	Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш.	қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиганлик учун — ҳафтасига 36 соатдан.	Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиганлигини тасдиқловчи ҳужжат асосида аниқланади.
17.	Сиртқи бўлим талабаларининг назорат ишларига тақриз ёзиш.	1 назорат ишига 0,75 соат; назорат иши бўйича суҳбатга 0,25 соат, бир фанга бир семестрга 1,5 соат;	Назорат ишлари (графиги) семестр бошланган муддатда талабаларга профессор-ўқитувчи томонидан эълон қилинади.

Профессор-ўқитувчиларнинг эгаллаб турган лавозимлари бўйича ўқув юкламаси ҳажми факультет декани (кафедра мудири)нинг таклифига мувофиқ олий таълим муассасасининг Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Ўқув юкламаси бўйича ҳисобланган соатлар ҳажми олий таълим муассасасининг штат бирликлари сонини ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маошларини белгилаш учун асос бўлмайди.

Штат бирликлари профессор-ўқитувчиларнинг талабалар сонига нисбати бўйича, ойлик маоши эса харажатлар сметаси бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган Ижодий таътиллار бериш тартиби ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган нормаларга мувофиқ олиб борилаётган илмий-методик ва илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш мақсадида профессор-ўқитувчиларнинг ўқув ишлари юкламаси ҳажми кафедра йиғилишининг таклифига асосан олий таълим муассасаси кенгашининг қарори билан ўзгартирилиши мумкин. Бунда профессор-ўқитувчиларнинг тегишли ўқув юкламасининг муайян қисми кафедранинг бошқа профессор-ўқитувчиларининг ўқув юкламасига қўшимча равишда тақсимланади.

Маъруза машғулотлари илмий унвон ва илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчилар томонидан ўтказилади. Зарур ҳолларда (маъруза машғулотлари ҳажми кўп бўлганда ёки профессор, доцент ва катта ўқитувчилар етарли бўлмаганда) олий таълим муассасаси Кенгашининг қарорига асосан камида 3 йиллик илмий-педагогик иш стажига эга бўлган, бироқ илмий унвон ва илмий даражаси бўлмаган ўқитувчиларга бир ўқув йилида 250 соатгача ҳажмда маъруза машғулотларини ўтишга рухсат берилади.

Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув (маъруза, амалий (якка), семинар ва лаборатория) соатлари ҳажми 400 соатдан кам бўлмаслиги тавсия этилади. Кафедрага соҳанинг етакчи мутахассислари (академиклар ва профессорлар)

жалб этилганда, ушбу ўқув соатлари ҳажмига олий таълим муассасаси Кенгаши қарорига мувофиқ ўзгартириш киритиш мумкин.

Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув-услубий ишларини белгилаш

Профессор-ўқитувчилар фаолиятининг ўқув-услубий ишлари бўйича соатлар ҳажми ҳисобланмайдиган иш турлари 2-жадвалда назарда тутилган Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишлари турларидан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида белгиланади.

Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ўқув-услубий ишларини турлари

Т/р	Иш турлари	Иш турларини амалга ошириш механизми (профессор-ўқитувчининг шахсий иш режасида қайд этиладиган тадбирлар)	Иш турларининг бажарилганлигини аниқлаш
Ўқув-услубий ишлар			
1.	Янги маъруза матнлари, машқ (масалалар) тўплами, лаборатория, ижодий ишлари бўйича услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш, ёзиш ва нашр этиш.	Янги маъруза матнлари, машқ (масалалар) тўплами, лаборатория, ижодий ишлар бўйича услубий қўлланмалар яратиш	Олий таълим муассасаси (факультет) Ўқув-услубий (илмий) кенгаши қарори билан нашр этишга тавсия этилган ишланмалар асосида аниқланади.
2.	Тарқатма ўқув материаллари, электрон ўқув дастурлар ва видео машғулотлар (фан доирасида), шунингдек тегишли компьютер дастурларидан фойдаланган ҳолда тақдимот слайдлари, ўқитиш дастурларини тайёрлаш (яратиш).	Янги таҳрирдаги тарқатма ўқув материалларини тайёрлаш; фан бўйича компьютер дастурларидан фойдаланган ҳолда тақдимот слайдлари, ўқитиш дастурларини тайёрлаш; электрон ўқув дастурлар ва видео машғулотлар фан доирасида яратиш.	Олий таълим муассасасида жорий ўқув йилида қўлланилган материаллар (дастурлар) асосида аниқланади.
3.	Дарслик, ўқув қўлланмалар ёзиш	Дарслик ва ўқув қўлланмаларни ёзиш ва	Олий таълим муассасаси (факультет) Ўқув-услубий

	ва нашр этишга тайёрлаш.	нашрга тайёрлаш.	(илмий) кенгаши қарори билан нашр этишга тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланма асосида аниқланади.
4.	Дарслик, ўқув қўлланмаларни тўлдирилган ва ўзгартирилган ҳолда қайта нашр этиш.	Дарслик ва ўқув қўлланмаларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва нашрга тайёрлаш.	Олий таълим муассасаси (факультет) Ўқув-услугий (илмий) кенгаши қарори билан нашр этишга тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланма асосида аниқланади.
5.	Услугий қўлланма (кўрсатма, рисола)лартайёрлаш ва нашр этиш.	Таълимга тегишли бўлган Услугий қўлланма (кўрсатма, рисола)лар тайёрлаш ва нашр этиш.	Олий таълим муассасаси (факультет) Ўқув-услугий (илмий) кенгаши қарори билан нашр этишга тавсия этилган услубий қўлланма (кўрсатма, рисола) асосида аниқланади.
6.	Фаннинг ўқув-услугий мажмуасини ишлаб чиқиш ва фаннинг электрон модуль папкасини яратиш.	Фаннинг ўқув-услугий мажмуасини яратиш.	Ўқув жараёнида қўлланилган ишлар асосида аниқланади.
7.	Мавжуд лаборатория ишини янгилаш.	Мавжуд лаборатория ишини янгилаш.	Кафедра йиғилиши баённомаси ва лаборатория иши бўйича жорий ўқув йилида тайёрланган янги услубий кўрсатмалар асосида аниқланади.
8.	Янги лаборатория ишини тайёрлаш ва жорий этиш, шунингдек виртуал лаборатория ишини тайёрлаш ва жорий этиш.	Янги лаборатория ишини тайёрлаш ва жорий этиш.	Кафедра йиғилиши баённомаси ва лаборатория иши бўйича жорий ўқув йилида тайёрланган янги услубий кўрсатмалар асосида аниқланади.
9.	Бакалавриат таълим йўналиши (магистратура, клиник ординатура мутахассислиги) бўйича малака талаби, намунавий ўқув режа, янги фан учун намунавий ўқув дастурларини ишлаб чиқиш.	Малака талаби, ўқув режа, ва ўқув дастурини ишлаб чиқиш.	Жорий ўқув йили учун тасдиқланган малака талаби, намунавий ўқув режа ва дастурлар асосида аниқланади.
10.	Ишчи ўқув режа, фан бўйича ишчи ўқув дастурини ишлаб чиқиш	Ишчи ўқув режа ва фан бўйича ишчи ўқув дастурини ишлаб чиқиш	Кафедра йиғилиши баённомаси ва кафедрада мавжуд бўлган, жорий ўқув йилида тайёрланган ишчи ўқув режа ва дастурлар асосида аниқланади.
11.	Дарслик, ўқув	Дарслик, ўқув қўлланма ва	Олий таълим муассасасининг

	қўлланмалар ва бошқа материалларни таржима қилиш.	фан доирасида бошқа материалларни таржима қилиш.	тегишли буйруғи, Ўқув-услугий (илмий) кенгаш қарори билан жорий ўқув йилида тайёрланган таржима материаллари асосида аниқланади.
12.	Фанлар бўйича назорат саволлари (тест, масалалар ва бошқа), оралик ва якуний баҳолашлар учун топшириқларни ишлаб чиқиш.	Оралик ва якуний баҳолашлар учун назорат саволлари (тест, масалалар ва бошқа), топшириқлар ишлаб чиқиш.	Ишлаб чиқилган ҳамда кафедра баённомаси билан жорий этилган топшириқлар тўплами асосида аниқланади.

Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув-услугий ишлари ҳажми мазкур иш турларини бажариш заруриятидан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида факультет декани (кафедра мудирининг таклифига мувофиқ олий таълим муассасаси Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик, ижодий маҳоратини узлуксиз ошириб бориш, талабаларда чуқур назарий билим, амалий ва касбий кўникмаларни шакллантириш, илм-фанга бўлган қизиқишни уйғотиш, уларга миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириш, ҳар томонлама етук мутахассис тайёрлашни назарда тутган ҳолда кафедра мудирининг ўқитишни илғор педагогик ва компьютер технологиялари, янги авлод ўқув адабиётлари асосида ташкил этиш ҳамда ўқув-услугий, илмий-тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишлар бўйича аниқ топшириқларни белгилайди.

Назорат саволлари:

1. Профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режаси нечта таркибий қисмлардан иборат?

2. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режасига киритилган, унинг асосий қисми бўлган ўқув юкламасининг соатлардаги ҳажми нималарга қараб белгиланади?

3. Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ўқув юкламаси ҳажмини ҳисоблашнинг вақт меъёрларида қандай иш турлари ассистентлар учун белгиланган?

4. “Бакалаврият таълим йўналиши талабалари амалиётига раҳбарлик қилиш, уларнинг ҳисоботларини текшириш ва баҳолаш” иш турининг бажарилганлиги қандай аниқланади?

5. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режасига киритилган “Очиқ, муаммоли, интеграциялашган маърузалар ва мастер-классларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш” иш турига неччи соат ажратилиши мумкин ва у қандай исботланади?

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАР

1-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРДА (ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИ) ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ЯНГИ ПЕДАГОГИК УСУЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШ (4 СОАТ).

Режа:

1. Виртуал лабораториянинг таълим соҳасидаги аҳамияти;

2. Талабаларда касбий-амалий кўникмаларни шакллантиришда симуляцияга асосланган тиббий таълим ўрни.

Ўқув виртуал лаборатория - бу яқунланган дастурли маҳсулот бўлиб, унинг ўзига хос хусусияти автоматлаштирилган ҳамда лойиҳалаштириш самарадорлигини оширишга йўналтирилган катта дастурли тизимларни лойиҳалаштиришнинг замонавий концепсияларидан фойдаланиш ҳисобланади. Методологик жиҳатдан виртуал лабораторияларни сунъий интеллект тизимларида қабул қилинган жараён, декларатив ва гибрид тизимлари турларига асосланган билим бериш, тасаввур моделларидан келиб чиқиб, гуруҳлаш мумкин. Виртуал ўқув лабораториядаги амалий жараён асосини амалий дастурлар ўқув пакети ёки уларнинг саноат аналоглари ташкил этади. Уларни яратишда асосий эътибор одатда математик моделлаш, ўрганилаётган жараён ёки объектлар оптималлаштириш ва ҳисоб ишларига қаратилади. Амалий дастурлар пакети билан ўқув ишларида талабалар махсус мутахассислик малакаларига эга бўлишлари керак, кўпчилик ҳолларда улар ҳали малакаларга эга бўлмайдилар. Бунда қуйидаги тамойилларга асосланган махсус дидактик интерфейс, сценарийли схемалар ёрдам бериши мумкин:

- ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш учун мусобақалаштириш вазиятларини яратиш;
- талабаларнинг билиш фаолиятини сиклик, ёпиқ бошқаришни ташкил этиш;
- қизиқарли намунавий ёки ўргатувчи масала ёки масалалар

тўпламини танлаш.

Бу тамойилларни амалга ошириш тажрибаси уларнинг юқори дидактик самарасини кўрсатади.

Виртуал лабораториянинг аҳамияти.

Техник маълумотга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашда техник объектлар лойиҳасини ўрганиш бўйича лаборатория ишлари катта аҳамиятга эга. Шу мақсадда махсус ўқув хоналари яратилипти. Аммо уларни яратиш узок вақтни, жиҳозлаш ва таркиби эса - катта моддий ресурсларни талаб қилади. Таълим жараёнида виртуал хоналардан фойдаланиш ҳақиқий ўқув хоналаридан фойдаланишни бутунлай четлаштирмайди. Лекин, бундай машғулотларнинг электрон кўриниши қуйидагиларга имкон беради:

- талабаларнинг ўқув ишларида фаолликлари ва мустақилликларини оширади;
- ўқув материалнинг мултимедиа кўринишидалиги билан уни қабул қилишни осонлаштиради;
- ҳар бир талабанинг материални ўзлаштириши бўйича тўлиқ назоратни таъминлайди;
- имтиҳон ва рейтинг назоратлари тайёрланишда такрорлаш ва тренинг жараёнини осонлаштиради;


Виртуал лабораторияда билиш босқичлари.

Виртуал лаборатория ўқув мултимедиа мажмуаларидан фойдаланиш яхши самара беради. Билиш фаолиятининг асосий босқичларига қуйидагилар:

- Танишув, қабул қилиш: методик тавсиялар, босма қўлланмалар.
- Англаш, мустаҳкамлаш ва билимларни текшириш: электрон ўқув қўлланмалар, тест тизимлари, виртуал ўқув хоналари.
- Касбий йўналган кўникма ва малакаларни шакллантириш, интуицияни ривожлантириш: математик ёки иммитацион моделлаш, тренажерлар ва бошқа ўқув тизимлари.
- Лойиҳа-тадқиқотчилик ўқув фаолияти: ўқув ёки ишлаб чиқариш

кўшимча дастур пакетлари киради.

Узлуксиз таълимда биокимё фани бўйича виртуал лабораториянинг ишлари учун намуналар.



Лабораторная работа 2.4. Свойства солей
 Опыт 1: Разложение солей при нагревании

Наблюдайте за изменениями, происходящими с исследуемой солью и с веществами в поглощительных приборах.

Лабораторная работа 3.3. Ароматические углеводороды
 Опыт 1: Бромирование бензола

В капельную воронку прилейте бром.

"Виртуал лаборатория" тушунчасининг моҳияти таркибий қисм бўлган виртуал асбоб ёрдамида (оддий электрон асбоб билан ишлагандек) компьютерда ишлаш имкониятини берадиган, оддий компьютерга қўшимча қилинган аппаратли ва дацурли воситалар тўпламини ифодалашдан иборатдир. Виртуал асбоб ва виртуал лабораториянинг муҳим қисми - фойдаланувчининг самарали график интерфейси (яъни, фойдаланувчининг компьютер билан ўзаро алоқаларининг қулай, интерфаол режимини таъминловчи), оддий предметли соҳада кўргазмали график намуналар кўринишида график меню тизими билан дацурли асбоб ҳисобланади.

Ушбу битирув малакавий иш мавзуси асосий мақсади талаба ёшларнинг биокимёдан оладиган назарий билимларини виртуал лабораториялар асосида мустаҳкамлаш ва тажриба йўли билан синаб кўришдан иборат. Лаборатория машғулотларини маъруза билан паралел равишда ўтказилиши машғулотларнинг унумли ва фойдали бўлишига ёрдам беради. Ўтилган материал юзасидан тажриба ўтказилиб, унда баён этилган фикрларнинг тўғрилигига амалда ишонганидан кейингина талаба маъруза материални пухта эгаллайди.

Бугунги кунда компьютер технологияларининг шиддат билан ривожланиши барча соҳалар каби таълим соҳасида ҳам янги талабларни қўймоқда. Таълимнинг масофий ўқитиш усули ҳозирги кунда ўзининг долзарблигини кўрсатмоқда. Бир қатор ОЎЮлари қошида масофий таълим муассасалари очилмоқда. Демакки, ўз-ўзидан электрон дарсликка бўлган эҳтиёж келиб чиқмоқда.

Шундай экан электрон дарслик ва уларни яратиш, уни олий ўқув юртларида, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, институтларда қўллаш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Ҳозирги кунда электрон дарсликни қўллаш учун ҳар бир олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида техник базалар мавжуд. Ривожланган

мамлакатларда бундай дарсликлардан кенг фйдаланиляпти ва самарали натижаларга эришиляпти.

Таълимда биокимё фанини ўқитиш йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Чунки халқ хўжалигининг бирор соҳаси йўқ-ки, биокимё билан боғлиқ бўлмаган. Шунинг учун ҳам биокимё фани чуқур назарий асослар билан назарий жиҳатдан мустаҳкамланиб, биокимё лабораториялари янги замонавий жиҳозлар билан бойитилмоқда. Таълим жараёни мураккаб бўлган фанлар сирасига кирувчи биокимё фанини ўқитиш биргина жиҳозларнинг замонавийлашишинигина таълаб этмасдан балки, таълим соҳасида ҳам муҳим ўзгаришларни талаб этади. Шунга кўра ушбу битирув малакавий ишида таълимни ахборотлаштириш бўйича - биокимё фанида виртуал лабораторияни жорий қилиш асосий долзарб масала сифатида ўртага ташланган.

Таълимни ахборотлаштиришда, бўлажак кадрларнинг ахборот ва коммуникацион технологияларни ўзлаштиришлари билан бир қаторда, аниқ фан соҳасида кадрлар тайёрлашни ахборот ва коммуникацион технологияларни коммуникацион технологиялари воситалари ёрдамида жадаллаштириш лозим. Кейинги вақтларда, таълимда ахборот ва коммуникацион технологияларидан фойдаланиш соҳасида янги атама "Виртуал ўқув лаборатория" пайдо бўлди. Виртуал ўқув лаборатория очик ва масофавий ўқитиш ғоясига мувофиқ бўлиб, таълим жараёнидаги моддий-техник таъминот борасидаги муаммоларни оз бўлсада долзарблигини камайтиради.

Виртуал ўқув лаборатория бўйича илмий-методик ишларнинг мавжудлари ҳам асосан виртуал асбоб ва уларни лаборатория машғулотларида қўллашнинг ёритилиши билан чекланган, бироқ, бизнинг фикримизча, виртуал ўқув лабораториясида фақатгина виртуал асбоблар эмас, балки виртуал ўқув хоналари техник объектлар лойиҳаси, математик ва имитацион моделлаш тизимлари, амалий дастурлар ўқув ва ишлаб чиқариш пакетларини ўз ичига олади. Виртуал ўқув лабораториянинг ўзи эса фақатгина лаборатория машғулотларида эмас, балки талабаларнинг курс ва диплом лойиҳаларида, ўқув-тадқиқот ишларида қўлланилиши мумкин.

Симуляцияга асосланган тиббий таълим

Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, шунингдек олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш ҳозирги кун долзарб йўналишлардан биридир.

Дунё бўйича тиббиёт соҳаси жадал ривожланиб бормоқда. Йилдан йилга янги диагностика ва даволаш усуллари амалиётга тадбиқ этилмоқда. Бу эса тиббиёт олий таълим муассасалари олдида давр билан ҳамоҳанг ривожланишни ва амалиётга тадбиқ этилаётган янгиликлардан боҳабар бўлишни тақозо этади.



Шу билан бирга бемор ҳуқуқлари ва тиббий соҳадаги юридик муносабатлар ҳам йилдан йилга такомиллашиб, нозиклашиб бормоқда. Бу эса бўлажак шифокорлардан улар қайси соҳада фаолият кўрсатишидан қатъий назар ўз касбига сидқидилдан ёндашув ва клиник кўникмаларни мукамал даражада ўзлаштиришни талаб этмоқда. Юқоридагилар инобатга олинандиган бўлса, ҳозирги замон талабидан келиб чиққан ҳолда “Симуляцияга асосланган тиббий таълим”ни ривожлантириш жуда муҳимдир.

Симуляцияга асосланган тиббий таълим тарихига назар ташласак, расмий хабарларга кўра XVIII асрда биринчи фантомлар пайдо бўлган. 1712-1789

йилларда яшаган франциялик доя Анжелика де Кюдрэ ўз даври учун ноёб бўлган фантомни яратган. Бу фантом туғуруқ жараёнини симуляция қилувчи фантом бўлиб, 1758 йили Франция Хирурглар Академияси томонидан ўқув қўлланма сифатида фойдаланиш учун тасдиқланган ва рухсат берилган.



Франциялик доя Анжелика де Кюдрэ яратилган биринчи фантом

XX асрда электроника ва полимерлар ривожланиши натижасида 1957 йили АҚШлик Питер Сафар “ABC of Resuscitation” (юррак-ўпка реанимацияси) номли китобини чоп эттирди. Бу қўлланма асосида 1960 йили Норвегиялик врач Бьорн Линд ва тадбиркор Асмунд Лаэрдал ҳамкорликда сунъий нафас бериш мумкин бўлган манекен яратишди. Бу манекен ҳам бир неча йиллар давомида шошилиш ёрдам кўрсатувчи врачлар учун қўлланилди. Компьютерлар ривожланиб борар экан симуляцион роботларнинг янги ва янги турлари яратила бошланди (CASE – ўргатувчи анестезиологик симуляцион мухит, GAS – анестезиологик симулятор). Кейинчалик эса нафақат робот ёки фантом, балки бутун бир операцион, реанимацион ёки туғуруқ хоналари симуляцион марказлари яратилиб амалиётга тадбиқ этила бошланди.



CASE – ўргатувчи анестезиологик симуляцион муҳит

Симуляцияга асосланган тиббий таълим бир қатор ривожланган давлатларда фаол қўлланилиб келмоқда. Масалан, АҚШдаги Гарвард университети тиббиёт колледжи, Канададаги Торонто университети тиббиёт факультети ва Исроилдаги тиббиёт олийгоҳида замон талаблари ва стандартларига тўла мос келадиган симуляция марказлари фойда кўрсатиб келмоқда. Бу марказларда мульти-дициплинар дастурлар орқали бакалавриатура ва магистратура дастурлари бўйича симуляцияга асосланган тиббий таълим олиб борилмоқда. Шунингдек, шифокорлар, хамширалар, фельдшерлар, оддий фуқаролар учун турли даражадаги таълим ва замонавий тиббий машғулотлар амалга оширилмоқда.

Тиббий таълимнинг ислохот вазифаларидан келиб чиққан ҳолда таълим жараёнида замонавий ўқув-техник воситалари, биринчи навбатда компьютер технологияларининг энг сўнгги ютуқлари, тиббий ёрдам кўрсатишда симуляцион роботлар, компьютер тизимлари ва симуляция дастурлари, масалан, “Стандартлаштирилган бемор” симуляцион тизимининг ўқув жараёнига киритилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Ўқитиш жараёнида симуляция технологияларини қўллаш талабалар ақлий салоҳиятининг ривожланишига, биринчи ёрдам кўрсатиш кўникмаларининг шаклланишига, аниқ вазиятларда аниқ ҳаракатлар ва реал вазиятларда тезкор қарорлар қабул қилишни ўргатишга катта ёрдам беради.

Тиббий таълимда “Симуляцияга асосланган тиббий таълим”ни ривожлантириш, замонавий роботлар ва симуляцион тизимларни ўқув жараёнига босқичма-босқич тадбиқ этиб бориш тиббиёт соҳасининг ривожланишига ва тиббий хизмат сифатини оширишга улкан ҳисса қўшади.


Жанубий Кореянинг Корея Университети тиббиёт Колледжида ҳам симуляцион марказ бўлиб, ушбу марказ ҳам энг охири авлод муляжлари билан жихозланган. Бу муляжлар компьютерлаштирилган бўлиб, талабалар амалий кўникмалар ўзлаштиришда жуда муҳимдир.



Корё Университети Тиббиёт колледжи

Бу симуляцион марказда муляжлар турли туман бўлиб, талабалар бу муляжларда энг оддий амалий кўникмалардан тортиб (пальпацияси ва перкуссия техникаси, аускультация ва бошқ.), мураккаб амалий кўникмаларни (ЭКГ ўтказиш, интубацион трубка қўйиш, физиологик туғурукни амалга ошириш ва бошқ.) ҳам ўрганадилар.

КОРЕЯ УНИВЕРСИТЕТИДАГИ СИМУЛЯЦИОН МАРКАЗ




Симуляцион марказ умумий кўриниши



Бирламчи амалий кўникмаларни ўзлаштириш учун муляжлар



Тезкор ҳолатларда ёрдам бериш кўникмаларини ўрганувчи манекенлар



Интубацион трубка қўйиш учун муляж



Реанимацион муолажаларни амалга ошир учун симулятор-робот



Туғурук жараёнини ўргатувчи симулятор робот

Олий тиббий таълимда симуляцион марказларни ривожлантириш, бу марказларда симуляцияга асосланган таълимни кенг жорий этиш, замонавий роботлар ва симуляцион тизимларни ўқув жараёнига босқичма-босқич тадбиқ этиб бориш тиббиёт соҳасининг ривожланишига ва тиббий хизмат сифатини оширишга улкан ҳисса қўшади. Ўқитиш жараёнида симуляция технологияларини қўллаш эса талабалар ақлий салоҳиятининг ривожланишига,

биринчи ёрдам кўрсатиш кўникмаларининг шаклланишига, аниқ вазиятларда аниқ ҳаракатлар ва реал вазиятларда тезкор қарорлар қабул қилишни ўргатишга катта ёрдам беради.

Тиббиёт университетида қўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнида талабаларни фанга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида янги инновацион таълим технологиялари ва усулларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.


“Лойиҳалаш” усули. Албатта олий таълимнинг иккинчи босқичи бўлмиш магистратура мутахассислик йўналишларига ўқишга кирган талабалар илмий иш билан шуғулланадилар ва магистрлик диссертациясини ҳимоя қиладилар. Афсуски, магистратурага кирган талабаларнинг ҳаммасида ҳам илмга нисбатан қизиқиш йўқ. Шу мақсадда бакалавриатура талабаларида илмий изланишга бўлган қизиқишни ҳосил қилиш, илм билан шуғулланиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида “Лойиҳалаш” усули ўқув жараёнида қўлланилиши муҳим аҳамият касб этади.

“Лойиҳалаш” усулининг мақсади қуйидагилардир: талабаларни муаммони ечишда мақсад ва вазифаларни шакллантиришга ўргатиш, маълумотлар билан ишлаш, йиғилган маълумотларни таҳлил қилиш, статистик ишлов бериш, тиббий ҳужжатлар билан ишлаш, муаммо ечимини излаш кўникмаларини шакллантириш ва илмий иш ёзишга бўлган қизиқишни пайдо қилишдир.

“Лойиҳалаш” усули талабаларда илмий изланувчанлик қобилиятини (вазиятни баҳолай олиш, муаммони ажратиб олиш, зарур маълумотларни танлаб олиш, хулосалар қабул қилишни), гуруҳда ишлаш қобилиятини (бир мақсад йўлида гуруҳдош талабалар билан ишлашни), мулоқотга киришиш қобилиятини (ўз фикрини баён қила олиш, бошқаларни тинглай олиш, тўғри

танқид қила олиш, альтернатив ечимлар таклиф қила олиш) шаклланишига ёрдам беради.

“Лойиҳалаш” усулини амалга ошириш учун қуйидаги шарт-шароитлар талаб этилади:



“Лойиҳалаш” усулини амалга ошириш босқичлари. “Лойиҳалаш” усулининг қуйидаги босқичлари бор: изланиш босқичи, аналитик босқичи, амалий босқичи ва хулосалаш босқичлари.

Изланиш босқичида – мавжуд муаммо аниқланади ва таҳлил этилади; лойиҳа мавзуси (лойиҳа мақсади) танланади; лойиҳанинг босқичлари ва вазифалари режалаштирилади; лойиҳа мавзуси бўйича маълумотлар йиғилади, ўрганилади ва таҳлил қилинади.

Аналитик босқичда – вазифаларнинг оптимал ечими изланади; альтернатив ечимлар ҳам кўриб чиқилади; мақсадга эришиш оптимал йўли танланади ва ҳаракатлар алгоритми тузилади; манбалар таҳлили ўтказилади; лойиҳани амалиётга тадбиқ этиш режаси тузилади.

Амалий босқичда – барча режалаштирилган босқичлар амалга оширилади; лойиҳани амалга ошириш сифати текширилади; зарурий ҳолларда керакли ўзгартиришлар киритилади.

Хулосалаш босқичида – лойиҳа натижалари расмийлаштирилади, лойиҳа тақдимоти ўтказилади; педагог томонидан лойиҳанинг бажарилиш сифати баҳоланади; натижалар таҳлил этилади; лойиҳа натижаларини амалиётга тадбиқ этиш имкониятлари кўриб чиқилади.

“Лойиҳалаш” усулини амалга оширишда педагоглар таълим олаётган талабалар лойиҳани амалга оширишида ташкилотчилик вазифасини ҳам бажаради. Педагоглар оддий ўқитувчи сифатида эмас балки, илмий раҳбар сифатида талабаларга маслаҳатлар берадилар. Лойиҳани амалга ошириш босқичида педагоглар муаммонинг ечимини осонлаштириш мақсадида семинар ташкил этиб, муаммо ечимини жамоавий бўлиб излашга талабаларни йўналтиради.

Педагог иш жараёнида қуйидаги вазифаларни бажаради: 1. Лойиҳа мақсад ва вазифаларини шакллантиришга ёрдам беради. 2. Маълумотлар манбаларини излашга кўрсатмалар беради. 3. Талабаларни лойиҳа босқичлари давомида қўллаб-қувватлайди. 4. Мунтазам равишда қайта боғланиб, талабаларда пайдо бўлаётган муаммоларни ўрганади ва уларни бартараф этишга кўрсатмалар беради. 5. Лойиҳани амалга ошираётганларга маслаҳатлар беради.

“Лойиҳалаш” усулини бакалавриатура таълим босқичида амалий машғулотлар вақтида (УАШ терапия, УАШ жарроҳлик, УАШ педиатрия, УАШ гинекология циклларида), талабалар илмий жамияти конференциясига

тайёргарлик вақтида, кафедраларда ташкил этилган фан бўйича талабалар тўғаракларида, магистратура таълим босқичида семинар машғулотларида ва клиник ординатура таълим йўналишларида қўллаш мумкин.

“**SWOT таҳлили**” усули. “SWOT таҳлили” – назарий билимлар ва амалий тажрибаларни ўрганиш, ғоя, жараён, тажриба ҳамда иш натижаларини таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларини топиш, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолаш, танқидий фикрлаш, аналитик тафаккурни ривожлантиришга хизмат қилади.

Бу усулни биринчи бўлиб 1963 йили Гарвардда бўлиб ўтган илмий конференцияда бизнес-сиёсатшунос профессор Кеннет Эндрюс таклиф этган ва асосан иқтисодиёт соҳасида бизнес лойиҳаларни стратегик режалаш ва баҳолаш учун қўлланилган. Кейинчалик бу усул бошқа соҳаларда ҳам қўлланила бошланди. Тиббиётда эса “SWOT таҳлили” усулини диагностика ва даволаш усуллари, профилактик чора-тадбирларнинг таҳлилида қўлаш мумкин.



“SWOT” қисқартмаси қуйидаги инглизча сўзларнинг бош ҳарфидан олинган:

- S – Strengths (объект ёки усулнинг кучли томонлари);
- W – Weaknesses (объект ёки усулнинг заиф томонлари);
- O – Opportunities (объект ёки усулнинг имкониятлари);
- T – Threats (объект ёки усулга нисбатан хавф ёки тўсиқлар).

Бундай таҳлил орқали талабалар бирор бир усулнинг кучли томонлари билан бирга унинг заиф томонларини ҳам ўрганадилар, бу усул имкониятлари билан унга нисбатан тўсиқлар ва хавфларни таҳлил қиладилар.

“SWOT таҳлили” усулини ўтказишда 4 та катакли жадвалдан фойдаланилади:

	Ижобий таъсир	Салбий таъсир
Ички омиллар	Strengths (таҳлил этилаётган объект ёки усулнинг кучли томони)	Weaknesses (таҳлил этилаётган объект ёки усулнинг заиф томонлари)
Ташқи омиллар	Opportunities (таҳлил этилаётган объект ёки усулнинг имкониятлари)	Threats (таҳлил этилаётган объект ёки усулга салбий таъсир этувчи ташқи таъсирлар)

Юқоридаги иккита катакда таҳлил этилаётган усулнинг ёки объектнинг кучли ва кучсиз томонлари ифодаланади ва улар ички омиллар ҳисобланади. Пастдаги иккита катакда таҳлил этилаётган объектнинг имкониятлари ва унга нисбатан мумкин бўлган тўсиқ ва хавфлар ифодаланади ва улар ташқи омиллар ҳисобланади.

“SWOT таҳлили” усулини ўтказишда вазифалар гуруҳли тарзда ёки талабаларга якка тартибда берилиши мумкин. Бу усул талабаларда аналитик фикрлаш, билимларни мустаҳкамлаш, ўтилганларни такрорлаш, танқидий мулоҳаза юритиш ва тафаккурни ривожлантиришга ёрдам беради. Ўрганилаётган объект, яъни диагностика ва даволаш усулини 4 томонлама таҳлил этадилар. “SWOT таҳлили” усулини бошқа фанларнинг амалий машғулотларида ҳам шу тарзда ўтказиш мумкин.

Юқорида таърифланган иккита янги педагогик усулларни амалий машғулотларда қўллаш орқали таълим олувчиларда дарснинг назарий қисмида

ўтилган мавзуни мустахкамлашга эришиш мумкин. “SWOT таҳлили” ўтилаётган фан мавзуларидаги диагностика ва даволаш усулларини, профилактика чора-тадбирларини аналитик таҳлил этиш имкониятини беради. Бу орқали эса талабаларда аналитик фикрлаш ривожланади. “Лойиҳалаш” усулини қўллаш эса таълим олувчиларда илмий изланишга нисбатан қизиқишни оширади. Албатта, бундай усулларнинг таълим жараёнида қўлланилиши фаннинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда танланади.

СИНКВЕЙН

Методнинг мақсади: “Синквейн” сўзи французча сўздан олинган бўлиб, “беш мисрадан иборат шеър” таржимасини беради. Амалиётда “Синквейн”: мураккаб ахборотларни синтезлаш қуроли ва тушунчалар заҳирасини баҳолаш воситаси; ижодий ифодалилиқвоситаси сифатида жуда фойдалидир. “Синквейн” таянч касбий тушунчалар ва ахборотларни рефлексиялаш, синтезлаш ва умумлаштиришда тезкор восита ҳисобланади.

“Синквейн” тузиш қондаси қуйидагича:

- биринчи қаторда бир сўз билан мавзу ёзилади - одатда от туркумидаги оид сўз билан;
- иккинчи қаторда мавзу икки сўз билан таъсвирланади - сифат туркумига оид икки сўз билан;
- учинчи қаторда ушбу мавзу бўйича хатти-ҳаракатлар уч сўз билан таъсвирланади;
- тўртинчи қаторда мавзуга алоқадорликни кўрсатувчи тўртта сўздан иборат гап ёзилади;
- бешинчи қатор мавзу моҳиятини такрорловчи бир сўздан иборат синоним шакллантирилади.

• Ўқиш
• Қизикарли янгилик
• Фикрлаш қобилиятини ривожлантиради
• Маънавий тарбиялашга ёрдам беради
• Мутоала

PRES ёки ФСМУ усули

Усулнинг мақсади: Мазкур усул иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустақамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган яқуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

-

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

Муаммога асосланган ўқитиш ёки Problem-based Learning


Муаммога асосланган ўқитиш ёки PBL (Problem-based Learning) – бу шундай ўқитиш йўналишики, бунда талабаларни ўқитиш мақсадида реал муаммолар қўлланилади. Бу муаммоларни таҳлил этиш ва ечиш орқали талабалар янги билимлар олади ва уларда реал ҳаётда учрайдиган муаммоларни ечиш кўникмаларини шакллантиради.



Муаммога асосланган ўқитишда гуруҳдаги талабалар муаммоли вазиятни ўрганиб, бу муаммо бўйича ўз фикрларини билдириб, муаммони ечимини

кичик гуруҳларда ва индивидуал тарзда излашлари керак бўлади. Муҳокама сўнгида эса фикрлар жамланиб, бир тўхтамга келинади. Бу жараён қуйидаги диаграммада келтирилган.

Муаммони ечиш босқичлари



Амалий кўникмаларни ўзлаштиришнинг 4 поғона усули

Бу усулда амалий кўникмаларни ўзлаштириш жараёни 4 поғона доирасида кечади. Бу поғоналарнинг номи: «Тушунтириш», «Нима қилиш кераклигини кўрсатиб бериш», «Кўрсатилган тарзда қайтариш», «Машқ қилиш». Яъни амалиёт ўқитувчиси талабаларга аввал кичикроқ бир иш босқичини тушунтириб беради, кейин нима қилиш кераклигини қилиб кўрсатади. Сўнг талаба шу иш босқичини кўрсатилган тарзда қайтариши (имитация қилиши) керак. Талаба қайтариб қилаётган пайтида амалиёт ўқитувчиси хатоларини тўғрилаб туради (мақтайди ёки танқид қилади). Ундан кейин эса шу иш босқичи машқ тарзида талаба уни мукамал ўзлаштиргунича кўп маротаба қайтарилади.

4 поғона усули доирасидаги ҳаракатлар

1-поғона: Тушунтириш-қизиқтириш (мотивация). Амалиёт ўқитувчиси нима қилиш кераклигини тушунтиради. У талабаларга маълум бир иш босқичи ёки бир кўникмани қўллаш учун керакли барча маълумотларни беради. Амалиёт ўқитувчиси иш босқичларини уларнинг кетма-кетлигида тушунтиради. Талабалар эса амалиёт ўқитувчиси оғзаки тушунтиришларини тинглашади ёки ёзиб олишади.


2-поғона: Нима қилишни кўрсатиб бериш - демонстрация (намойиш). Амалиёт ўқитувчиси тушунтирилган иш босқичи қандай қилиниши кераклигини қилиб кўрсатади, талабалар эса қараб туришади. Одатда амалиёт ўқитувчиси нима қилаётгани ҳақида талабаларга изоҳлар бериб боради. Яъни бу ерда намойиш этиш тушунчаси ҳам ишлатилиши мумкин. Бирор кўникмани 3 марта намойиш қилиниши тавсия этилади. Амалиёт ўқитувчиси намойиш вақтида амалий кўникмани икки хил тезликда намойиш этиши мақсадга мувофиқдир:

1-намойиш: атайин секин тезликда ўтказилади. Ҳар бир босқични алоҳида ва хусусиятларни яхшироқ кўрсатиш ҳамда меҳнат хавфсизлиги қоидаларини тушунтириш учун.

2-намойиш: оддий тезликда ўтказилади. Кўникмани яна бир марта тўла равишда кўрсатиш ва ўқувчиларда «ички суръат» (яъни аниқ тасаввур) пайдо бўлиши учун. Намойиш қилаётган пайтда амалиёт ўқитувчиси ҳар бир қадамни изоҳлаб боради. Сўнг бевосита инструктаж қисми тугайди.

3-поғона: Кўрсатилган тарзда қайтариш - тақлид (имитация). Талабалар амалиёт ўқитувчиси кўрсатиб берган иш босқичини кўрсатилган тарзда қайтардилар. Талабалар ишлаётган пайтда амалиёт ўқитувчиси ўз фикрини билдиради, яхши ишни мақтаб ёмон ишни танқид қилади ва нима қилишни яна бир марта кўрсатади.

4-поғона: Машқ қилиш. Ҳар бир талаба иш босқичини кўрсатилган тарзда қайтариб, кўрганидан ва иш босқичини тўғри бажариш бўйича амалиёт ўқитувчисининг изоҳларни тушунганидан кейин, бу иш босқичи кўп мартаба машқ қилинади ва кераклигича яъни мақбул натижага эришилмагунча такрорланади.



Бу 4 поғона усулининг асосий белгилари

- амалиёт ўқитувчиси томонидан бошқарилган назарий ва амалий маълумот бериш даврлари (фазалари) энг бошида туради сўнг эса талабаларнинг ҳаракатлари билан алмашинади;
- талабаларнинг ҳаракатлари амалиёт ўқитувчиси кўрсатиб берган ҳаракатлар доираси билан чекланган;
- талабалар индивидуал ўрганишга (ўзлаштиришга) йўналтириладилар;
- ишни ташкиллаштиришда (иш тартиби) одатда ҳечқандай қўшимча материаллар талаб қилинмайди (амалий кўникма жихозларидан ташқари).

Амалий кўникмаларни ўргатишда бу усул ўзини жуда ҳам яхши оқлади. Шунинг учун бу усул тиббиёт олий ўқув юрталарида бакалавриатура ва магистратура талабалар шунингдек клиник ординаторларга амалиётда керакли бўладиган амалий кўникмаларни ўргатишда муҳим ўрин тутади.

Назорат саволлари:

1. Ўқув виртуал лабораториялари нима ва бундай лабораторияларни қайси фанларда қўллаш мумкин?
2. Ўқув виртуал лабораториянинг аҳамияти, авзалликлари ва камчиликлари нимада?
3. Симуляцияга асосланган тиббий таълим ўзига хос хусусиятларини кўрсатинг?
4. Симуляцияга асосланган тиббий таълим авзалликлари ва камчиликлари?
5. Реалликка яқинлиги бўйича симуляцион жихоз ва мухитларнинг таснифи?

2-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАРДА (МАЪРУЗАЛАРДА) ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ЯНГИ ПЕДАГОГИК УСУЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШ. (4 СОАТ).

Маъруза – бирор бир мавзуни (муаммони) тизимли кетма-кетликда ва аниқ баён этилишидир. Умумий айтганда, жонли ва тушунарли нутқ ёрдамида танланган мавзу (муаммо) тингловчиларга тизимли, тушунарли ва мантиқан кетма-кетликда ёритилишидир.

Маъруза (арабча, лекция (лотинча - “lectio”) - ўқиш) – ўқув материаллари, бирор масала, мавзу кабиларнинг изчил, маълум бир тизимига солинган баёнидир. Ўзбек тилига араб тилидан кириб ўзлаштирилган маъруза сўзи қўлланилади. Маъруза ўқитишни ташкил этишнинг етакчи шакли ҳисобланиб, қуйидаги вазифаларни амалга оширишга имкон беради:

- Йўналтирувчилик – талабаларни ўқув материалнинг асосий ҳолатларига, уни келгуси иш фаолиятидаги ўрни ва аҳамиятига диққат қилишларига имкон беради;
- Ахборотлилик – ўқитувчи маъруза вақтида ҳолат, асосий илмий далиллар ва хулосалар моҳиятини очиб беради;
- Методологик – маъруза вақтида ўқитиш усуллари таққосланади, илмий изланишнинг асосийлари намоён этилади;

- Тарбияловчилик – маъруза ўқув материалига хиссий-баҳолаш муносабатида бўлишни уйғотиш;
- Ривожлантирувчилик – билим олиш қизиқишларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Хозирги вақтда маърузаларни фаоллаштиришдан мақсад нима? Нима учун классик маърузалар ўз долзарблигини йўқотмоқда? Сабаби авваламбор кундан-кунга илм-фан, техника, ахборот-коммуникация воситалари ривожланиб бормоқда. Шунингдек таълим олувчиларда информацияга бўлган ташналик ортмоқда. Замонавий таълим технологияларини қўллаб маърузаларнинг салмоғи, қиммати янада ортади.



Маъруза ўқув жараёнининг асосий бўғини, олий ўқув юртида дарс беришнинг асосий шакллари билан бирдир. У талабаларнинг дунёқарашини шакллантиришда катта рол ўйнайди.

Маърузада мавзунинг асосий саволлари кетма-кетлик асосида юритилади. Маъруза илмий характерга эга бўлиши, турли назарий йўналишлар, илмий мактабларнинг асосий ғояларини талабалар онгига етказиши ва олган билимини ишончга айлантириши керак. Ҳар қандай маърузанинг энг зарур шarti тингловчилар билан қизғин алоқага киришишдир. Маърузани кўтаринки

руҳ билан ўқиш керак. Маъруза ўқиш энг аввало, унга тайёрланишдан бошланади. Шунинг учун биринчи навбатда маъруза мавзуси бўйича адабиётлар танлаш, ҳамда улар билан танишиб чиқиш керак.

Маърузаларга қўйилаётган асосий талаблар:

- Илмийлик, долзарб бўлиши, тушунарли бўлиши, маъруза таркиби ва шакли бир хил бўлиши, маъруза ўқишда эмоционаллик;
- Мисоллар ва аниқ далиллар, статистик маълумотлар билан бойитилган бўлиши;
- Таълимнинг бошқа турдаги шакллари (амалий машғулотлар, семинарлар) билан боғлиқ бўлиши.
- Маърузада муаммо кўтарилган бўлса, уни ечиш йўллари келтирилиши;
- Маърузадан сўнг талабаларни ушбу муаммо устида ўйлашига мажбур қилиши;
- Талабаларни мустақил қўшимча маълумотлар билан ишлашга ундаши;
- Сўнги ва янги маълумотлар келтирилиши;
- Кўргазмали бўлиши, яъни диаграммалар, схемалар, аудио-, видео-, фотовизуализациядан ва жадваллардан фойдаланиш;
- Хар бир янги терминларни тушунтирилиши;
- Тушунарли ва равон нутқ ёрдамида ўқилиши;
- Аудиторияга мослаштирилган бўлиши.

Маърузада талабалар ўтилатган фаннинг дастури асосида мавзуга оид билимлар ва унга доир охирги эришилган ютуқлар билан биринчи марта таништирилади, ечимини топган ва ечимини кутаётган муаммолар ҳақида тушунчалар берилади. Маъруза – билимлар мажмуасини беришнинг энг рационал усулидир.



Маъруза талабалар билан мулоқотда бўлишнинг алоҳида шакли бўлиб, уни бошқа ҳеч қандай ўқув шакли билан алмаштириб бўлмайди. Маърузанинг олдида қўйиладиган мақсад ҳар хил бўлиб, бу мақсад максимал даражада амалга ошиши учун унинг функцияларига аҳамият бериш керак.

Маърузанинг функциялари:

- профессионал таълим бериш ва дунёқарашни шакллантириш.
- талабаларга тарбиявий таъсир кўрсатиш. Уларни ахлоқий, маънавий жиҳатдан баркамол бўлиши, меҳнатга муносабати, социал-психологик ҳислатларини шакллантириш.
- билим бериш, ўрганаётган фани бўйича ахборот олиш, олган ахбороти асосида тадқиқот ўтказиб, хулоса чиқаришга ўргатиш.

Маърузага қўйиладиган талаблар.

Маъруза маълум бир йўналишга: Ёш авлоднинг дунёқарашини шакллантириш, ҳаёт кечириш тарзини танлашнинг тарбиявий аҳамиятини ошириши лозим.

Маърузада асосий мақсадга етиш учун талабаларда фанларни ўрганишга барқарор қизиқиш уйғотиш керак. Маърузани шундай тузиш керакки, талабада фанни чуқур ўрганиш учун мустақил равишда адабиётларни топиш, уларнинг устида ишлаш, тушунишга хоҳиш-истак туғилсин. Шунинг учун зарур

материал, китоблар, журнал ва бошқа маълумотлар танлаш принципиал аҳамиятга эга.

Шу билан бирга талабаларга дуч келинадиган қийинчиликларни, уларни объектив ва субъектив томонларини ҳам тушунтириш керак.

Тажриба кўрсатадики, талабага деклорация, шиорлар эмас, балки ишончли далиллар, чуқур таҳлил кўпроқ таъсир қилади. Ҳар қандай фанларни ўқитиш ҳам ишончли далиллар, маълумотлар, назарий ва амалий хулосаларга таянади.

Маърузанинг илмийлиги материални баён қилишнинг изчиллиги, саволларни аниқ, тушунарли қўйилишини назарда тутди. Маърузага тайёрланиш жараёнида ўқитувчи мавзу бўйича саволларни қандай баён қилишни, қандай услублар қўллашини кўз ўнгига келтириши керак. Мавзу бўйича адабиётларни, зарур маълумотларни ана шундагина тўғри танлаши мумкин. Яна шуни ҳам ҳисобга олиши зарурки, агар ўқитувчи зарур далиллар, маълумотларга эга бўлсада, уларни ишонарли, асосланган ҳолда баён қилмаслиги, фандаги долзарб саволларга жавоб беришдан четлаб ўтиши ёки четга чиқиши мумкин. Бу талабаларда маърузадан қониқмасликка олиб келади.

Маъруза шаклида таълим беришнинг ўзига хос хусусиятлари

Маъруза шакллари	Ўзига хос хусусиятлари
Кириш маърузаси	Маърузанинг энг анъанавий тури. <i>Педагогик вазифалар:</i> ўқув маълумотини баён қилиш ва тушунтириш
Умумлаштирувчи қисқа маълумотли маъруза	Курсни ёки унинг битта бўлимларини баён этилган назорат ҳолатлари негизини аввало илмий-тушунчавий ва концептуал асос ташкил этади. <i>Педагогик вазифалар:</i> Илмий билимларни тизимлаштиришни амалга ошириш. Ички ва фанлараро алоқани ёритиб бериш.
Муаммоли	Янги билимлар савол, вазифа, вазиятларни

<p>маъруза</p>	<p>муаммолиги орқали амалга оширилади. Бунда талабалар билими ўқитувчи билан ҳамкорликда ва суҳбатда тадқиқотчилик фаолиятига олиб келинади.</p> <p><i>Педагогик вазифалар:</i> янги ўқув маълумотини ёритиб бериш; муаммони аниқлаш уни ечиш, жамлаш ва анъанавий ва замонавий нуқтаи назарни таҳлил қилишни ташкиллаштириш.</p>
<p>Кўргазмали ёки визуал маъруза</p>	<p>Бундай маърузани олиб борилиши кўрилатган материалларни очиқ ҳолда ва қисқа шарҳлашга олиб келинади.</p> <p><i>Педагогик вазифалар:</i> маълумот мазмунини таълимнинг техникавий воситалари ёки аудио техникалар ёрдамида ёритиб бериш.</p>
<p>Бинар ёки икки кишилиқ маъруза</p>	<p>Бундай маърузани олиб борилиши икки ўқитувчи, 2-мактаб вакиллари, олим ва амалиётчилар, ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги суҳбатни намоён қилади.</p> <p><i>Педагогик вазифалар:</i> янги ўқув маълумотларини икки томон нуқтаи назарларини таққослаш орқали ёритиб бериш</p>
<p>Олдиндан режалаштирилган хатоликлар билан ўқиладиган маъруза</p>	<p>Ўқитувчи онгли равишда йўл қўйган мазмунли, методологик хатоларни: талабалар томонидан топишга қаратилган. Маъруза якунида талабаларнинг ташҳиси ва қўйилган хатоликлари таҳлили олиб борилади.</p> <p><i>Педагогик вазифалар:</i> янги материал мазмунини ёритиб бериш; талабаларни таклиф этилаётган маълумотни доимо назорат қилишларига қизиқтириш.</p>
<p>Анжуман ёки пресс-конференция маърузаси</p>	<p>Ўқитувчи томонидан тайёрланган дастур миқёсида, олдиндан белгиланган муаммо ва маъруза тизими билан илмий-амалий машғулот олиб борилади.</p> <p><i>Педагогик вазифалар:</i> янги ўқув маълумотини излаш ва тизимлаштиришга ҳаракат қилдириш</p>

<p>Маслаҳатли маъруза</p>	<p>Турли йўл билан ўтказилиши мумкин.</p> <p>1. “Савол-жавоб”. Ўқитувчи маъруза давомида бутун курс ёки бўлим бўйича талабаларнинг саволларига жавоб беради.</p> <p>2. “Савол-жавоб-мунозара”. Янги маълумотни нафақат баён этади, балки қўйилган саволларга жавоб излаб топишни ташкиллаштиради.</p> <p><i>Педагогик вазифалар:</i> талабалар билимини мустаҳкамлаш, ривожлантириш, уларни янги маълумотлар билан тўлдириш</p>
---------------------------	--

Албатта маърузачи маъруза ўқишидан олдин аудиторияга эътибор бериши керак, яъни кимларга маъруза ўқимоқчи, талабаларгами, магистратура талабаларигами ёки врачларга. Шунга кўра тайёрланадиган маъруза мураккаблиги ва маъруза тури танланади. Масалан, муаммоли маърузани талабалар билан ўтказиш бир мунча мушкулдир. Сабаби, улар айни муаммони хали дарсда ўтмаган ва тушунмаган бўлишлари мумкин. Одатда муаммоли маърузалар магистратура талабаларига ва клиник ординатурада тахсил олаётган талабаларга мос келади.

Визуал маъруза эса талабаларга жуда мосдир ва улар учун қизиқарлидир. Визуал эффектлардан фото, турли иллюстрациялар, видеоролик, аудиоёзув, диаграммалар, жадваллар ва мантиқий суръатлар сифатида фойдаланиши мумкин. Бундай маърузалар анатомия, гистология, топографик анатомия, патологик анатомия, нормал ва патологик физиология фанларини уқитишдакупрок самара беради.

Маъруза – конференция типигаги маъруза – таълим тарбиявий ҳарактерга эга булиши лозим – яъни таълим оркали талабаларда дунёкарашни тарбиялаш, ҳаётий муаммоларни хал этишга тайёр булиш руҳида тарбиялаш, ишлаб чиқаришга, педагогик фаолиятга тайёрлаш керак. Маърузалар жараёнида талабалар умумий хирургиядан назарий билим, кўникма ва малакаларни эгаллайдилар. Бу жараён ўқитувчи ва талабанинг фаолияти ҳамкорликда

булсагина муваффакиятли амалга ошади, улардан бирининг сусткашлиги эса мувафаккиятсизликка олиб келади. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тугрисида»ги Конунига асосан таълимни шундай ташкил этиш вазифаси куйилмоқдаки у ўқувчиларнинг аклий тараккиётини максимал даражада таъминлайдиган, ўқувчи (талаба) шахсини ҳар томонлама маънавий – маърифий ахлокий жихатдан етук баркамол таркиб топтирувчи булмоги лозим. Шунинг учун хозирги даврда маърузаларни ташкил этишда конференция типда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Масалан умумий хирургия фанидан 9 та мавзу ўтилиши режалаштирилган бўлса улардан 2 ёки 3 тасини шу типда ташкил этиш мумкин. Бу типдаги маърузаларни ташкил этишда гуруҳдаги барча талабаларга тайёр маъруза матни аввалдан берилади, улар хаммалари тайёрланадилар (кўшимча адабиётлар ҳам тавсия этилади ва уларни талабалар мустакил ўрганадилар албатта). Улардан бир нечаларини маърузачи килиб тайинланади, мавзудаги саволларни улар навбати билан очиб берадилар, гуруҳдошларини фаол, мустакил, ижодий фикрлашга чакирадилар ва куйилган муаммоларни биргаликда ҳал этадилар. Ўқитувчи раҳбарлик килиб, баъзан саволларни йуналтириб, керак пайтда ҳулоса чиқариб, дарсни яқунлайди. Фаол иштирок этган талабалар рағбатлантирилиб борилади, фаол булмаган – пассив талабаларга ҳам эътибор бериб бориш зарур, - уларнинг у ёки бу масаладаги фикрларини сураш, баъзан уртоклари фикрини кайтаришни илтимос килиш, огохлантириш ва бошка усуллар орқали.

Маърузачи – педагог маъруза жараёнининг асосий ташкилотчисидир. У узининг фикрлари, сўз ва иборалари, шахсий намунаси, талабаларга булган муомала муносабати, ақл-идроқи, иродаси, дунёкараши ҳамда эътиқоди билан таъсир килади. У уз фанини яхши билиши билан бирга одоб-ақлоқда ҳам намуна булиши керак, маънавий-маърифий жихатдан етук – баркамол булмоги, аввало уз Ватанини, миллий тили, урф-одати, кадриятларни эъзозлаши, таълим мазмунини жаҳон мезонлари даражасига кутаришга интилноги керак.



У энг аввало педагогик касбига хос хислатларга - педагогик психологик билим, кўникма ва малакаларни эгаллаган булмоги лозим, касб сифатларини эгалламаган педагог талабаларга назарий билимларни бера олади, лекин уларнинг рухиятига, шахсига мақсадга мувофиқ педагогикпсихологик таъсир кўрсата олмайди, уз фанига кизиктира олмайди. Бундай сифатларга – инсонпарварлик, адолатли булиш, тугрисузлик, талабчанлик узгалар урнига узини куя билиш, ёшларга меҳр-мухаббатли бўлиш, уз касбини севиш, педагогик одоб ва маданият кабиларидир.

Педагогик касбининг энг нозик ижтимоий кирраси – талаба билан мулоқотда унда инсонпарварлик гоясини, миллий ғурур, мустакиллик гоясини сингдириб бориши, маъруза давомида уларнинг маънавиятини, рухий дунёсини, ички кечинмаларини билиб бориши ва кизикиши зарур.

Маърузачи – педагогнинг диккати ва кузатувчанлик кобилияти хам маърузанинг муваффақиятли олиб борилишида мухим ахамиятга эга. Ўқитувчи изчил ва кузатувчан булиши керак, дарсни тушунтириётганда, сураётганида, доскага ёзаётганида талабалар мавзуни кандай идрок килаётганликларини кузатиб бориши керак, (дарсдан чалгиган талабаларга караб куяди, овозини баландлайди ёки сузга ургу беради ва х.к.) булмаса интизом издан чикади.

Педагог нутқининг хусусиятлари – талабалар маърузада билимни аввало ўқитувчининг нутки оркали оладилар. Шунинг учун маърузачининг нутки изчил, асосли, талаффузи равон булиши, уз фикрини маълум тизимга солиб баён этиши, нотаниш сузлар ибора ва атамаларни доскага ёзиб, уларни изохлаб бериши керак. Мавзуларни ёритишда янгиликлар, янги маълумотлар ва фактлардан фойдаланиб бориши керак. Чунки тезкор замонда талабалар информациялар – маълумотлар оқимига кумилгандирлар – радио, телевидения, матбуот, хатто интернетдан фойдаланадиганлар ҳам бор. Шахримиздаги бир катор ўқув юртларидаги компьютерлар интернет тармоғига уланган.

Маърузани жуда тез ҳам, ўта секин ҳам гапирмаслик керак. Жуда тез маъруза ўқилса, талабалар фикрларни идрок қилиб, ёзиб боришга улгурмайдилар, секин олиб борилса, талабалар зерикади, диққатлари чалғийди. Баланд овозда гапириш ҳам тингловчиларнинг асабига тегади, толиктиради.

Илмий доклад презентациясини тайёрлаш қоидалари

Презентацияда ранглар

- Презентация фони матн яхши кўринадиган рангда бўлиши керак:
 - **Оқ;**
 - **Оч-яшил;**
 - **Оч хаворанг;**
 - **Оч сариқ.**
- Матн ранги эса икки хилдан ошмаслиги керак (аудитория фикрини қаратмоқчи бўлган сўзларни ёрқин ранглар билан ажратиш керак) – асосан қора, қизил ва тўқ кўк ранглар тавсия этилади.



Презентация стили

- Презентация стили бир хил бўлиши керак;
- Презентация майдонини квадрат рамкага олиш тингловчилар эътиборини қаратади;
- Презентация тепа ва пастки қисмларига лойиҳа номи ёки презентация муаллифлари фамилияси ёзилиши мумкин.

Презентация шрифти

- Шрифт ўлчамлари: сарлавҳа 24–54 ўлчамда, оддий матн 18–36 ўлчамда;
- Ёзув тури: матн ёзишда Arial, Tahoma, Verdana ёзув редакторларидан фойдаланиш керак (чунки ўқилиши осон);
- Курсив, тагига чизилган, тўқ бўялган (жирный) ёзувлар, катта харфларда ёзилган сўзлар фақат махсус ишлатилади.

- Касалликнинг асосий клиник белгилари
 - Касалликнинг асосий клиник белгилари
- Arial (28)
-
- Касалликнинг асосий клиник белгилари
 - Касалликнинг асосий клиник белгилари
- Tahoma (28)
-
- Касалликнинг асосий клиник белгилари
 - Касалликнинг асосий клиник белгилари
- Verdana (28)

График маълумотлар

- - Расмлар, фото лавҳалар, диаграммалар асосий матнни тўлдириш ва бойитиш учун ишлатилади;
- - Презентацияга мантқан таалукли бўлмаган расмлар қўйилиши керак эмас;
- - График маълумотлар ранги умумий рангдан ажралиб туриши тавсия этилади;
- - Иллюстрациялар иложи борича қисқача таърифи билан берилиши керак;
- - Агар расм фон сифатида қўлланилаётган бўлса, ундаги матн осон ўқиладиган бўлиши керак.

Қайси фон матнга мос келган?



Тадкикотнинг максади:

- Ўзбекистон Республикаси худудидаги HCV инфекцияли беморларда углевод ва липид алмашинувининг клиник ва лаборатор хусусиятларини урганиш;
- Диагностикани яхшилаш ва даволаш самарадорлигини ошириш учун HCV инфекцияли беморларда стеатоз шаклланиши, инсулинга толерантлик ва фиброз ривожланиш тезлиги механизмларини аниклаш.



Тадкикотнинг максади:

- Ўзбекистон Республикаси худудидаги HCV инфекцияли беморларда углевод ва липид алмашинувининг клиник ва лаборатор хусусиятларини урганиш;
- Диагностикани яхшилаш ва даволаш самарадорлигини ошириш учун HCV инфекцияли беморларда стеатоз шаклланиши, инсулинга толерантлик ва фиброз ривожланиш тезлиги механизмларини аниклаш.

Слайдлар сони

- Слайдлар сони нимани тақдимот кўринишида тайёрлашингизга боғлиқ;
- Химояда презентациялар 20 тадан ошмаслиги;
- Конференцияда докладларда 14-16 тадан ошмаслиги;
- Ўқув жараёнидаги марузалар тақдимоти берилаётган мавзуга қараб.

Матн қатори

- Одатда тингловчи томонидан маълумот яхши қабул қилиниши учун матн 12-14 қатордан ошмаслиги керак;
- Матн слайд майдонини 3/2 қисмини қоплаши керак;
- Асосий урғу берилган матн слайднинг марказида бўлиши керак;
- Формулалар, тенгламалар ва шунга ўхшаш матнлар ажратилиши тавсия этилади.

Жадваллар

- Презентацияда жадваллар тушунарли ва яхши ўқиладиган бўлиши керак;
- Жадвалларни тушунтиришда фақат асосий ўзгаришлар бор пунктлар тушунтирилади;
- Жадвалларда устунлар сони кўпи билан 5 та, қаторлар сони кўпи билан 5 та бўлиши лозим;
- Жадвалда берилаётган сонларнинг ўлчов бирлиги албатта кўрсатилиши керак.

Презентацияни тақдим этиш

- **Кийиниш одобига** риоя қилинади;
- Турли **жестларни** ишлатмаслик тавсия этилади;
- Сўзлаш **монотон оҳангда** бўлиши керак эмас;
- Презентацияни **ўқиб берилмайди**;
- Аудитория эътиборини жалб қилиш учун муҳим жойларда овозни **бир оз кўтариш** мумкин;
- Ёш ходимларга (магистр, талабалар) аудиторияда **юриши тавсия** этилмайди.

Маърузанинг 3 та қисми мавжуд:

- Кириш;
- Асосий қисм;
- Хулоса.

КИРИШ

- Маъруза мавзуси, режаси ва мақсади берилади;
- Ундан ташқари мавзунинг долзарблиги аниқ далилар ва статистик кўрсаткичлар билан баён этилади;
- Кириш қисқа ва аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиши керак;
- Маърузанинг «Кириш» қисмининг мақсади тингловчини маърузага қизиқишини пайдо қилишдир.

Асосий қисм

- Маърузанинг бу қисмида тингловчига мавзунинг асосий назарий қисми етказилади, асосий саволлар ва муаммо тўлиқ ёритилади, бу муаммолар ва саволларни ечими келтирилади;
- Маъруза давомида аниқ ва ишонарли аргументлар ва далиллар келтирилади;

Хулоса

- Маърузада баён этилган асосий саволларнинг жавоблари қисқача берилади ва мантиқан маъруза тугалланади;
- Бу қисмда мавзу бўйича қўшимча маълумот учун манбаалар (адабиётлар, интернет сайтлар ва бошқ.) берилади;

Назорат саволлари:

1. Маъруза қандай таркибий қисмлардан таркиб топган?
2. Ҳозирги кунда маърузаларга қўйилаётган асосий талаблар?
3. Илмий маърузаларнинг техник талабларида қандай жиҳатларга эътибор бериш керак?
4. Илмий маърузаларда график маълумотлар кўрсатишда қандай талабалар мавжуд?
5. Ҳозирги кунда олий таълим тизимида қандай маъруза турларидан фойдаланиш тавсия этилади?

3-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ. ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ЎҚУВ, ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ВА МАЪНАВИЯТ-МАЪРИФАТ ИШЛАРИДА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ЮКСАЛТИРИШ. (2 СОАТ).

Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари таркиби меҳнатини нормалаштириш ҳар ўқув йили учун профессор-ўқитувчилар ва кафедра мудирини томонидан тузиладиган ҳамда проректорлар билан келишилган ҳолда ўқув ишлари бўйича проректор (факультет декани) томонидан тасдиқланадиган ўқув йили бўйича шахсий иш режаларига асосланади.

Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режаси таркибига ўқув юкмаси ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишларининг турлари киритилади. Иш турлари профессор-ўқитувчиларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режаларида тўлиқ ва аниқ акс эттирилиши керак. Жорий ўқув йили якунида фақат мазкур ўқув йили давомида амалга оширилган ишлар ҳисобга олинади.

Ўқув йили давомида бажарилган қўшимча иш турлари профессор-ўқитувчиларнинг йиллик шахсий иш режаларига киритиб борилиши мумкин.

Профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режаси таркибига киритиладиган ўқув юкмаси ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишлари:

- тўлиқ штатда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар учун профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида;
- тўлиқ штатда бўлмаган ва ўриндош сифатида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар учун уларнинг ставкаларига мувофиқ тарзда профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида;

шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлашнинг соатбай шартлари асосида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкларига мувофиқ Қоидаларга мувофиқ шакллантирилади.

Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режасининг бажарилиши мунтазам равишда кафедра мудирини, ҳар семестр якунида факультет декани, декан ўринбосарлари, факультет тузилмаси бўлмаган олий таълим муассасаларида ўқув бўлими ва тегишли йўналишлар бўйича проректорлар томонидан назорат қилиб борилади.

Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкларини ҳисоблаш

Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режасига киритилган, унинг асосий қисми бўлган ўқув юкларининг соатлардаги ҳажми мазкур Қоидаларнинг 1-жадвал назарда тутилган Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ўқув юкларига ҳажмини ҳисоблашнинг вақт меъёрларида белгиланган иш турларидан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида ҳисобланади.

Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ўқув юкларига ҳажмини ҳисоблашнинг вақт меъёрлари

Т/р	Иш турлари	Иш турлари учун ажратилган вақт меъёри	Иш турларининг бажарилганлигини аниқлаш
1.	Ўқув (маъруза, амалий, семинар, яққа ва лаборатория) машғулотларини ўтказиш.	бир академик соат учун — 1 соат	Ўқув машғулотлари ўқув режага мувофиқ бир академик соатдан (45 минут) ёки танаффуссиз икки академик соатдан (80 минут) ўтказилади. Бунда: амалий ва семинар машғулотлари

			<p>талабалар сони, одатда, 25 нафаргача талаба бўлган академик гуруҳларда; маъруза машғулоти, одатда, 100 нафардан ошмаган бирлашган академик гуруҳларда (поток), тиббиёт олий таълим муассасаларида клиник кафедраларда циклга келган гуруҳларда (поток); лаборатория машғулоти ва чет (рус) тилини ўқитиш, чизма геометрия ва муҳандислик графикаси фанидан амалий машғулоти, тиббиёт олий таълим муассасаларида тиббий-биологик, клиникагача бўлган ва гигиеник фанлар (тиббиёт олий таълим муассасалари учун) ўқитиш, нофилологик йўналишларда фанни чет тилида ўқитиш, одатда, 12 — 15 нафаргача талаба бўлган кичик гуруҳларда; маданият, санъат ва спорт йўналишларида яқка тартибдаги машғулоти, одатда, 1 — 10 нафаргача, ансамбль машғулотида 2 — 12 нафаргача талаба бўлган кичик гуруҳларда; тиббиёт олий таълим муассасаларида клиник фанларни ўқитиш, одатда, 5 — 10 нафаргача талаба бўлган кичик гуруҳларда ўтказилади. Ўқув машғулотларининг ўтказилганлиги гуруҳ журналида қайд этилади. Тиббиёт олий таълим муассасалари учун ўқув машғулотларининг ўтказилганлиги ўқув журналида қайд этилади.</p>
2.	Яқуний давлат аттестацияси белгиланган фанлардан умумлашган маърузалар ва маслаҳатлар ўтказиш	битта фанга (битта поток учун) — 6 соат	Умумлашган маърузалар ва маслаҳатларнинг ўтказилиши яқуний давлат аттестациясини ўтказиш жадвалида қайд этилади.
3.	Курс ишлари ва курс лойиҳаларига раҳбарлик	бир курс иши учун — 2 соат;	Бир профессор-ўқитувчи бир семестр давомида, одатда, 50

	қилиш, улар бўйича маслаҳатлар бериш.	бир курс лойиҳаси учун — 3 соат.	нафаргача талабага (кўпи билан 1-2 та академ гуруҳ талабаларига) курс иши (лойиҳаси) бериши мумкин. Тиббиёт олий таълим муассасалари учун ўқув режада кўрсатилган фанлар бўйича ўтказилади.
4.	Курс иши (курс лойиҳаси) ҳимоясини ўтказиш.	бир курс иши ҳимояси учун — 0,4 соат; бир курс лойиҳаси ҳимояси учун — 0,6 соат. Бунда профессор-ўқитувчининг бир кунлик иш соати ҳажми 8 соатдан ошмаслиги лозим.	Курс иши (лойиҳаси) ҳимоясида камида 2 нафар профессор-ўқитувчи иштирок этади. Жами соатлар ҳимояда иштирок этган профессор-ўқитувчилар сонига бўлинади ва улар ўртасида тенг тақсимланади. Профессор-ўқитувчининг курс иши (лойиҳаси) ҳимоясини ўтказишда иштирок этиши тегишли қайдномаларда акс эттирилади.
5.	Яқуний давлат аттестациясини ўтказиш.	ёзма иш шаклида бир академ гуруҳ учун — 3 соат; оғзаки шаклда битта талаба учун — 0,2 соат, ижодий ишларда битта талаба учун — 0,3 соат; ёзма иш (ижодий иш)ни текшириш учун ҳар бир ишга — 0,2 соат; тест шаклида битта академ гуруҳ учун — 1 соат. Тиббиёт олий таълим муассасаларида клиникагача бўлган интеграллашган имтиҳон ва беморда ўтказилган клиник имтиҳон бўйича бир нафар талаба учун — 0,5 соат (интеграллашган аттестация учун). Яқуний давлат аттестация комиссияси раисига комиссиянинг битта аъзоси учун бериладиган жами соатга қўшимча равишда 20% қўшилади. Комиссия аъзоларига бериладиган бир кунлик ўқув юкмаси ҳажми 8	Бир поток (академ гуруҳ)да ёзма иш ўтказиш жараёнида иштирок этган комиссиянинг ҳар бир аъзоси (кузатувчи профессор-ўқитувчи)га 3 соатдан берилади. Оғзаки шаклда ўтказилган яқуний давлат аттестацияси синовлари жами соати унда иштирок этган комиссиянинг ҳар бир аъзосига берилади. Ёзма иш шаклида ўтказилган яқуний давлат аттестацияси синовларининг жами соати ёзма ишни текширишда иштирок этган комиссия аъзолари умумий сонига бўлинади ҳамда комиссия аъзоларига тенг тақсимланади. Тест шаклида ўтказилган яқуний давлат аттестацияси синовлари жами соати унда иштирок этган комиссиянинг ҳар бир аъзосига берилади. Тиббиёт олий таълим муассасаларида клиникагача бўлган интеграллашган имтиҳон ва беморда ўтказилган клиник имтиҳонда жами соатлар имтиҳон олишда иштирок этганлар орасида тенг тақсимланади. Яқуний давлат аттестациясида иштирок этиш тегишли буйруқ ва

		соатдан ошмаслиги лозим.	қайдномаларда акс эттирилади. Якуний давлат аттестацияси комиссияси таркибини олдиндан аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, комиссия аъзолари (кузатувчи профессор-ўқитувчи)га комиссия ўз ишини тугатгандан сўнг, соатбай ҳақ тўланади. Бунда ушбу соатбай иш тури профессор-ўқитувчининг йиллик шахсий иш режасига киритилмайди.
6.	Намунавий ўқув дастурларида кўзда тутилган назорат, ҳисоблаш ва ҳисоб-график ишларини текшириш, маслаҳатлар бериш, тақриз ёзиш ва қабул қилиш. Тиббиёт олий таълим муассасаларида клиник фанларни ўқитишда ишчи ўқув дастурларида кўзда тутилган касаллик тарихлари ва экспертиза баённомаларини текшириш, маслаҳатлар бериш ва қабул қилиш.	битта топшириқ учун 0,3 соат, бирок битта фанга кўпи билан — 1 соат. Битта касаллик тарихи ва экспертиза баённомаси учун — 0,5 соат	Бир профессор-ўқитувчига кафедра қарорига асосан кўпи билан 3 тагача академик гуруҳ талабалари бириктирилади. Тиббиёт олий таълим муассасаларида касаллик тарихи тегишли кафедрада бир йил давомида сақланади. Мазкур ишларнинг бажарилиши талабаларни баҳолаш журналларида акс эттирилади.
7.	Оралик ва якуний баҳолашларни ўтказиш, шунингдек талабанинг қолдирган (ўзлаштирмаган) дарсларини қайта топширишини қабул қилиш.	фан бўйича оралик баҳолашларда жами ҳар бир талаба учун — 0,2 соат; якуний баҳолашда ҳар бир талаба учун — 0,3 соат. Қолдирилган (ўзлаштирилмаган) дарсларни қайта топширишни қабул қилишда ҳар бир талаба учун — 0,3 соат. Бунда бир ўқув семестри давомида бир профессор-ўқитувчига кўпи билан 20 соат берилади.	Семестр давомида битта фандан кўпи билан 2 тагача оралик баҳолаш ўтказилади. Бунда модуль тизимида ўқитилмаётган ва ҳажми (умумий аудитория соати) семестр давомида ҳафтасига тўлиқ 2 академик соатдан (тиббиёт олий таълим муассасаларида 4 академик соатдан) кам бўлган фанлардан оралик баҳолаш ўтказилмайди. Оралик ва якуний баҳолашлар ўтказилиши тегишли жадвалларда акс эттирилади. Ёзма ишлар натижалари эълон қилингандан сўнг 6 ой давомида сақланади. Баҳолашлар жадвали (графиги) семестр бошланган муддатда талабаларга профессор-ўқитувчи томонидан эълон қилинади.

			Дарсларни қайта топшириш тегишли журнал ёки қайдномаларда акс этирилади.
8.	Бакалавриат таълим йўналиши талабалари амалиётга раҳбарлик қилиш, уларнинг ҳисоботларини текшириш ва баҳолаш.	<p>Малакавий амалиёт ўтаётган ҳар бир талаба учун бир иш кунига — 0,5 соат. Бунда:</p> <p>ўқув амалиётга раҳбарлик қилиш 1 академ гуруҳ учун бир иш кунига — 6 соат; ишлаб чиқариш ва педагогик амалиётга раҳбарлик қилиш: агар ишлаб чиқариш ва педагогик амалиёт ўталаётган ташкилот олий таълим муассасаси жойлашган ҳудуд доирасида бўлса, бир иш кунига 1 академ гуруҳ учун — 3 соат; агар ишлаб чиқариш ва педагогик амалиёт ўталаётган ташкилот олий таълим муассасаси жойлашган ҳудуд доирасида бўлмаса, амалиётга раҳбарлик қилиш бир иш кунига — 6 соат.</p> <p>Индивидуал ҳолда ўтказиладиган амалиётларда бутун амалиёт даврига бир талаба учун — 2 соат.</p>	<p>Мазкур иш тури бўйича профессор-ўқитувчининг соатлари ҳажми ўқув ишлари юкламасининг 20% идан ошмаслиги лозим.</p> <p>Мазкур ишларнинг бажарилганлиги амалиёт ўташ бўйича олий таълим муассасаси буйруғи, талабанинг амалиёт кундалиги ва амалиёт учун баҳо қўйилган тегишли қайдномалар асосида аниқланади.</p>
9.	Бакалавриат таълим йўналиши талабаларининг битирув малакавий ишига (диплом лойиҳаси, диплом иши) раҳбарлик қилиш, хулосалар ёзиш.	бир ўқув йилига ҳар бир талаба учун — 25 соат, техник йўналишларда ҳар бир талаба учун — 30 соат	Бир ўқув йилида битта профессор-ўқитувчига 7 нафаргача талаба бириктирилади. Профессор-ўқитувчининг битирув малакавий ишига (диплом лойиҳаси, диплом иши) раҳбарлик қилганлиги, хулосалар ёзганлиги олий таълим муассасаси буйруғи, ёзилган хулоса ва ишнинг ҳимояга тақдим этилганлиги асосида аниқланади.
10.	Талабаларнинг битирув малакавий иши (диплом лойиҳаси, диплом иши, магистрлик	бир битирув малакавий иши (диплом лойиҳаси, диплом иши) учун — 0,4 соат;	Аъзоларнинг якуний давлат аттестацияси комиссиясидаги иштироки олий таълим муассасаси буйруғи ҳамда ҳимоя

	<p>диссертацияси) ҳимояси бўйича якуний давлат аттестацияси комиссиясида иштирок этиш.</p>	<p>бир магистрлик диссертацияси учун — 0,8 соат. Профессор-ўқитувчига бериладиган бир кунлик ўқув ишлари юкламаси ҳажми, одатда, 8 соатдан ошмаслиги лозим.</p>	<p>натижалари тўғрисидаги қайдномалар асосида аниқланади. Жами соат якуний давлат аттестацияси комиссиясида иштирок этган ҳар бир аъзога берилади. Бир ЯДАК йиғилишида 4 тагача магистрлик диссертацияси, 8 тагача БМИ ҳимоясига рухсат берилади. Якуний давлат аттестацияси комиссияси таркибини олдиндан аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, комиссия аъзоларига комиссия ўз ишини тугатгандан сўнг, соатбай ҳақ тўланади. Соатбай иш тури профессор-ўқитувчининг йиллик шахсий иш режасига киритилмайди.</p>
11.	<p>Магистратура талабаларининг илмий педагогик фаолияти ва амалиётига раҳбарлик қилиш. Тиббиёт олий таълим муассасалари учун клиник ординаторларнинг ўқув ва клиник амалиётига раҳбарлик қилиш.</p>	<p>бир ўқув йилига битта талаба учун — 50 соат. Бир ўқув йилига битта клиник ординатор учун — 50 соат.</p>	<p>Профессор ёки фан доктори 5 нафаргача, доцент, фан номзоди ва мутахассис 3 нафаргача талабанинг илмий педагогик фаолияти ва амалиётига раҳбарликни амалга ошириши мумкин. Профессор, фан доктори, доцент, фан номзоди ва мутахассис 4 нафаргача клиник ординаторнинг ўқув ва клиник амалиётига раҳбарликни амалга ошириши мумкин. Талабанинг илмий педагогик фаолиятига раҳбарлик қилганлик талабанинг календарь иш режасидаги топшириқларни бажариши билан аниқланади. Амалиётга раҳбарлик қилганлик олий таълим муассасасининг амалиёт ўташ бўйича буйруғи, талабанинг амалиёт кундалиги ва амалиёт учун баҳо қўйилган тегишли қайдномалар асосида аниқланади.</p>
12.	<p>Магистратура талабасининг магистрлик диссертацияси ва илмий-тадқиқот ишига раҳбарлик (илмий маслаҳатчилик) қилиш.</p>	<p>бир ўқув йилига битта талаба учун — 50 соат.</p>	<p>Профессор ёки фан доктори 5 нафаргача, доцент, фан номзоди ва мутахассис 3 нафаргача талабанинг магистрлик диссертацияси ва стажировкасига (илмий маслаҳатчилик) раҳбарликни амалга ошириши мумкин. Мазкур иш турининг</p>

			бажарилганлиги олий таълим муассасаси буйруғи, талабанинг календарь иш режаси ва магистрлик диссертациясининг ҳимояга тақдим этилгани асосида аниқланади.
13.	Бакалавриат таълим йўналишлари бўйича касбий (ижодий) имтиҳонларни, шунингдек магистратура ва клиник ординатура мутахассисликлари қабули жараёнида кириш синовларини ўтказиш комиссиясида, таянч докторант (PhD), докторант ва мустақил изланувчилар танлови комиссиясида ва малака имтиҳонида иштирок этиш.	ёзма иш шаклида ўтказилганда бир поток (абитуриентлар гуруҳи) учун — 3 соат; оғзаки шаклда ўтказилганда, битта абитуриент учун — 0,3 соат; тест шаклида ўтказилганда, бир поток (абитуриентлар гуруҳи) учун — 1 соат; ҳар бир ёзма иш (ижодий иш)ни текшириш учун — 0,3 соат. Профессор-ўқитувчига бериладиган бир кунлик ўқув ишлари юкломаси ҳажми 8 соатдан ошмаслиги лозим.	Бир поток (абитуриентлар гуруҳи)да ёзма ишни ўтказиш жараёнида иштирок этган ҳар бир профессор-ўқитувчига 3 соатдан берилади. Ёзма иш шаклида ўтказилган имтиҳон ва синовларнинг жами соати ёзма ишни текширишда иштирок этган комиссия аъзолари сонига тенг бўлинади ҳамда улар ўртасида тенг тақсимланади. Оғзаки (тест) шаклида ўтказилган имтиҳон ва синовларнинг жами соати унда иштирок этган комиссиянинг ҳар бир аъзосига берилади. Қабул имтиҳонлари ва синовларида иштирок этганлик олий таълим муассасасининг тегишли буйруғи ва тегишли қайдномалар асосида аниқланади. Комиссия аъзолари таркибини олдиндан аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, комиссия аъзоларига комиссия ўз ишини тугатгандан сўнг, соатбай ҳақ тўланади. Соатбай иш тури профессор-ўқитувчининг йиллик шахсий иш режасига киритилмайди.
14.	Олий таълим муассасасидаги докторант ва мустақил изланувчига илмий маслаҳатчилик қилиш.	бир нафар докторант учун бир ўқув йилида — 100 соат; бир нафар мустақил изланувчи учун бир ўқув йилида — 50 соат.	Фан доктори, профессор ва фан номзоди, доцент ўзи ишлаётган олий таълим муассасасида 3 нафаргача докторант ва мустақил изланувчига илмий маслаҳатчилик қилиши мумкин. Илмий маслаҳатчи бўлганлик олий таълим муассасасининг тегишли буйруғи, докторант ва мустақил изланувчининг якка тартибдаги иш режаси бажарилиши асосида аниқланади.
15.	Очиқ, муаммоли, интеграциялашган маърузалар ва мастер-	бир академик соат очик лекция ва мастер-класс учун — 5 соат; очик,	Олий таълим муассасаларида ўтказилган очик, муаммоли, интеграциялашган маъруза ва

	классларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш.	муаммоли, интеграциялашган маъруза учун бир ўқув йилида кўпи билан — 30 соат. Мастер-класс: олий таълим муассасаси миқёсида ўтказилганда, бир ўқув йилида кўпи билан 30 соат; республика миқёсида ўтказилганда, бир ўқув йилида кўпи билан 40 соат; халқаро миқёсда ўтказилганда, бир ўқув йилида кўпи билан 60 соат.	мастер-класслар тегишли режалар ва уларнинг ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида аниқланади.
16.	Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш.	қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиганлик учун — ҳафтасига 36 соатдан.	Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиганлигини тасдиқловчи ҳужжат асосида аниқланади.
17.	Сиртқи бўлим талабаларининг назорат ишларига тақриз ёзиш.	1 назорат ишига 0,75 соат; назорат иши бўйича суҳбатга 0,25 соат, бир фанга бир семестрга 1,5 соат;	Назорат ишлари (графики) семестр бошланган муддатда талабаларга профессор-ўқитувчи томонидан эълон қилинади.

Профессор-ўқитувчиларнинг эгаллаб турган лавозимлари бўйича ўқув юкламаси ҳажми факультет декани (кафедра мудири)нинг таклифига мувофиқ олий таълим муассасасининг Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Ўқув юкламаси бўйича ҳисобланган соатлар ҳажми олий таълим муассасасининг штат birlikлари сонини ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маошларини белгилаш учун асос бўлмайди.

Штат birlikлари профессор-ўқитувчиларнинг талабалар сонига нисбати бўйича, ойлик маоши эса харажатлар сметаси бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган Ижодий таътилар бериш тартиби ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган

нормаларга мувофиқ олиб борилаётган илмий-методик ва илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш мақсадида профессор-ўқитувчиларнинг ўқув ишлари юкламаси ҳажми кафедра йиғилишининг таклифига асосан олий таълим муассасаси кенгашининг қарори билан ўзгартирилиши мумкин. Бунда профессор-ўқитувчиларнинг тегишли ўқув юкламасининг муайян қисми кафедранинг бошқа профессор-ўқитувчиларининг ўқув юкламасига қўшимча равишда тақсимланади.

Маъруза машғулотлари илмий унвон ва илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчилар томонидан ўтказилади. Зарур ҳолларда (маъруза машғулотлари ҳажми кўп бўлганда ёки профессор, доцент ва катта ўқитувчилар етарли бўлмаганда) олий таълим муассасаси Кенгашининг қарорига асосан камида 3 йиллик илмий-педагогик иш стажига эга бўлган, бироқ илмий унвон ва илмий даражаси бўлмаган ўқитувчиларга бир ўқув йилида 250 соатгача ҳажмда маъруза машғулотларини ўтишга рухсат берилади.

Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув (маъруза, амалий (якка), семинар ва лаборатория) соатлари ҳажми 400 соатдан кам бўлмаслиги тавсия этилади. Кафедрага соҳанинг етакчи мутахассислари (академиклар ва профессорлар) жалб этилганда, ушбу ўқув соатлари ҳажмига олий таълим муассасаси Кенгаши қарорига мувофиқ ўзгартириш киритиш мумкин.

Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув-услугий, илмий-тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишларини белгилаш

Профессор-ўқитувчилар фаолиятининг ўқув-услугий, илмий-тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишлари бўйича соатлар ҳажми ҳисобланмайдиган иш турлари жадвалда назарда тутилган Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ўқув-услугий, илмий-тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишлари турларидан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида белгиланади.

Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ўқув-услугий, илмий-тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишларини турлари

Т/р	Иш турлари	Иш турларини амалга ошириш механизми (профессор-ўқитувчининг шахсий иш режасида қайд этиладиган тадбирлар)	Иш турларининг бажарилганлигини аниқлаш
I. Ўқув-услубий ишлар			
1.	Янги маъруза матнлари, машқ (масалалар) тўплами, лаборатория, ижодий ишлари бўйича услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш, ёзиш ва нашр этиш.	Янги маъруза матнлари, машқ (масалалар) тўплами, лаборатория, ижодий ишлар бўйича услубий қўлланмалар яратиш	Олий таълим муассасаси (факультет) Ўқув-услубий (илмий) кенгаши қарори билан нашр этишга тавсия этилган ишланмалар асосида аниқланади.
2.	Тарқатма ўқув материаллари, электрон ўқув дастурлар ва видео машғулотлар (фан доирасида), шунингдек тегишли компьютер дастурларидан фойдаланган ҳолда тақдимот слайдлари, ўқитиш дастурларини тайёрлаш (яратиш).	Янги таҳрирдаги тарқатма ўқув материалларини тайёрлаш; фан бўйича компьютер дастурларидан фойдаланган ҳолда тақдимот слайдлари, ўқитиш дастурларини тайёрлаш; электрон ўқув дастурлар ва видео машғулотлар фан доирасида яратиш.	Олий таълим муассасасида жорий ўқув йилида қўлланилган материаллар (дастурлар) асосида аниқланади.
3.	Дарслик, ўқув қўлланмалар ёзиш ва нашр этишга тайёрлаш.	Дарслик ва ўқув қўлланмаларни ёзиш ва нашрга тайёрлаш.	Олий таълим муассасаси (факультет) Ўқув-услубий (илмий) кенгаши қарори билан нашр этишга тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланма асосида аниқланади.
4.	Дарслик, ўқув қўлланмаларни тўлдирилган ва ўзгартирилган ҳолда қайта нашр этиш.	Дарслик ва ўқув қўлланмаларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва нашрга тайёрлаш.	Олий таълим муассасаси (факультет) Ўқув-услубий (илмий) кенгаши қарори билан нашр этишга тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланма асосида аниқланади.
5.	Услубий қўлланма (кўрсатма, рисола)лар тайёрлаш ва нашр этиш.	Таълимга тегишли бўлган Услубий қўлланма (кўрсатма, рисола)лар тайёрлаш ва нашр этиш.	Олий таълим муассасаси (факультет) Ўқув-услубий (илмий) кенгаши қарори билан нашр этишга тавсия этилган услубий қўлланма (кўрсатма, рисола) асосида аниқланади.
6.	Фаннинг ўқув-услубий мажмуасини ишлаб	Фаннинг ўқув-услубий мажмуасини яратиш.	Ўқув жараёнида қўлланилган ишлар асосида аниқланади.

	чиқиш ва фаннинг электрон модуль папкасини яратиш.		
7.	Мавжуд лаборатория ишини янгилаш.	Мавжуд лаборатория ишини янгилаш.	Кафедра йиғилиши баённомаси ва лаборатория иши бўйича жорий ўқув йилида тайёрланган янги услубий кўрсатмалар асосида аниқланади.
8.	Янги лаборатория ишини тайёрлаш ва жорий этиш, шунингдек виртуал лаборатория ишини тайёрлаш ва жорий этиш.	Янги лаборатория ишини тайёрлаш ва жорий этиш.	Кафедра йиғилиши баённомаси ва лаборатория иши бўйича жорий ўқув йилида тайёрланган янги услубий кўрсатмалар асосида аниқланади.
9.	Бакалаврият таълим йўналиши (магистратура, клиник ординатура мутахассислиги) бўйича малака талаби, намунавий ўқув режа, янги фан учун намунавий ўқув дастурларини ишлаб чиқиш.	Малака талаби, ўқув режа, ва ўқув дастурини ишлаб чиқиш.	Жорий ўқув йили учун тасдиқланган малака талаби, намунавий ўқув режа ва дастурлар асосида аниқланади.
10.	Ишчи ўқув режа, фан бўйича ишчи ўқув дастурини ишлаб чиқиш	Ишчи ўқув режа ва фан бўйича ишчи ўқув дастурини ишлаб чиқиш	Кафедра йиғилиши баённомаси ва кафедрада мавжуд бўлган, жорий ўқув йилида тайёрланган ишчи ўқув режа ва дастурлар асосида аниқланади.
11.	Дарслик, ўқув қўлланмалар ва бошқа материалларни таржима қилиш.	Дарслик, ўқув қўлланма ва фан доирасида бошқа материалларни таржима қилиш.	Олий таълим муассасасининг тегишли буйруғи, Ўқув-услубий (илмий) кенгаш қарори билан жорий ўқув йилида тайёрланган таржима материаллари асосида аниқланади.
12.	Фанлар бўйича назорат саволлари (тест, масалалар ва бошқа), оралик ва якуний баҳолашлар учун топшириқларни ишлаб чиқиш.	Оралик ва якуний баҳолашлар учун назорат саволлари (тест, масалалар ва бошқа), топшириқлар ишлаб чиқиш.	Ишлаб чиқилган ҳамда кафедра баённомаси билан жорий этилган топшириқлар тўплами асосида аниқланади.
II. Илмий-тадқиқот ишлари			
13.	Илмий мақола, тезис тайёрлаш ва нашр этиш, ихтиро (патент), дастурий воситалар яратиш	Хорижий ва маҳаллий (ОАК рўйхатидаги) илмий журналларда илмий мақолалар чоп этиш, ихтиро (патент) олиш, тезислар нашр этиш.	Жорий ўқув йилида тайёрланган ва нашр этилган ишлар асосида аниқланади.

		Ҳар бир илмий мақола, ихтиро ва тезислари ҳисобга олинади.	
14.	Монография ва рисола нашр этиш, ахборот таҳлилий материаллар тайёрлаш, ижодий ишлар яратиш		Жорий ўқув йилида нашр этилган (тайёрланган) ишлар асосида аниқланади.
15.	Шахсий (тематик) ижодий асарлар каталогини нашр этиш, янги лойиҳалар яратиш	Шахсий (тематик) ижодий асарлар каталогини нашр этиш, янги лойиҳалар яратиш.	Жорий ўқув йилида нашр этилган (яратилган) ишлар асосида аниқланади.
16.	Дарслик, монография, рисола ва ўқув қўлланмаларига муҳаррирлик қилиш	Дарслик, ўқув қўлланма, монография ва рисолалар.	Дарслик, монография ва ўқув қўлланма ҳамда рисолаларнинг жорий ўқув йилида нашр этилганлиги асосида аниқланади.
17.	Олий таълим муассасаси кенгаши томонидан тасдиқланган мавзу бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариш.	Раҳбар ёки масъул ижрочи бўлганлиги ҳисобга олинади.	Ўқув йили давомида мавзу бўйича амалга оширилган тегишли илмий-тадқиқот ишлари асосида аниқланади. Хўжалик шартномалари доирасида тайёрланган ва давлат илмий-техник дастурларига мувофиқ бажарилаётган тадқиқот лойиҳалари бўйича бажарилган ишлар мазкур иш турига киритилмайди.
18.	Дарслик, ўқув қўлланма, монография, рисола, илмий мақола, диссертация, автореферат ва бошқа ишларга тақриз ёзиш.	Дарслик, ўқув қўлланма, монография, диссертация, автореферат ёки рисола, илмий мақола, ва бошқа ишлар.	Жорий ўқув йилида ёзилган тақризлар асосида аниқланади.
19.	Фалсафа доктори (PhD), фан доктори (DS) илмий даражасини олиш учун диссертация тайёрлаш ва ҳимоя қилиш.	Фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DS) диссертациясини тайёрлаганлиги. Тайёрлаш ва ҳимоя қилиш учун 3 ўқув йили давомида диссертация ёзиш мумкин.	Автореферат, илмий даража олиш учун диссертация ҳимоя қилганлик тўғрисидаги Илмий кенгаш баённомаси асосида аниқланади.
20.	Илмий журналлар таҳририятига аъзо бўлиш.	Ҳар бир илмий журналлар таҳририятига аъзо бўлиш.	Нашр этилган илмий журналлар ва бошқа ҳужжатлар асосида аниқланади.
21.	Талабаларнинг илмий-тадқиқот ва илмий-ижодий ишларига раҳбарлик	Талабаларнинг илмий-тадқиқот ва илмий-ижодий ишларига раҳбарлик.	Талабанинг илмий-тадқиқот ва илмий-ижодий ишлари (маъруза, мақола, тезис, шеърый тўплам ва бошқалар) нашр этганлиги асосида

	қилиш.		аниқланади.
22.	Талабаларнинг фан ва илмий тўғаракларига раҳбарлик қилиш.	Талабаларнинг фан ва илмий тўғаракларига раҳбарлик.	Тўғаракларга раҳбарлик қилганликни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида аниқланади.
23.	Илмий ёки услубий конференция ва семинарлар ташкил этиш.	Илмий ёки услубий конференция ва семинарлар ташкил этилганлиги.	Илмий ёки услубий конференция ва семинарларнинг ўтказилганлигини тасдиқловчи маълумотлар.
24.	Илмий ёки усулбий кенгашларда иштироки.	Илмий ёки усулбий кенгашларда аъзо бўлганлиги.	Илмий ёки усулбий кенгашларда аъзо бўлганлигини тасдиқловчи маълумотлар.
III. «Устоз-шогирд» ишлари			
25.	Талаба олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилинганда янги шароитга адаптация жараёнини ўташга ва олий таълим муассасасида бўлган чоғида вақтини тўғри тақсимлашга ёрдам бериш.	Талабалар олий таълим муассасасига қабул қилинганда улар билан танишиш ҳамда талабаларнинг шахсий ҳужжатлари йиғма жилдини шакллантириш ва янгилаб бориш. Ўқишга қабул қилинган талабаларни олий таълим муассасаси ва унда мавжуд шароитлар билан таништириш. Талабаларни бўш вақтларини мазмунли ўтказиш бўйича иш режасини ишлаб чиқиш ва доимий назоратга олиш.	Талабаларнинг шахсий ҳужжатлари йиғма жилдлари ва тасдиқловчи ҳужжатлар асосида аниқланади.
26.	Талабанинг шахсий ва академик ютуқларини ривожлантириш мақсадида учрашувлар ўтказиш	Етук фан арбоблари, академиклар, иқтидорли талабалар ҳамда иш берувчи ташкилотлар вакиллари билан талабаларнинг шахсий ва академик ютуқларини ривожлантиришга қаратилган учрашувларни ўтказиб бориш.	Учрашувларни тасдиқловчи ҳужжатлар (баёни, видео ёки фото лавҳалари) асосида аниқланади.
27.	Талабалар баҳолаш тизими қандай олиб борилишини қай даражада англаганини ва қаердан таълим ва академик соҳада ёрдам олиши мумкин эканлигини назорат қилиш	Талабаларга баҳолаш тизими бўйича маълумотлар бериш. Уларга қаердан таълим ва академик соҳада ёрдам олиши мумкин эканлигини тушунтириш ва амалий ёрдам бериш.	Талабаларни фанлардан ўзлаштириш даражаси орқали аниқланади.
28.	Ўқиш жараёнида шахсий ва академик муаммолар юзага келганда ва улар таълим олиш даражасига таъсир	Талабалар билан шахсий ва академик муаммолари бўйича яқка тартибдаги суҳбатлар олиб бориш ҳамда мавжуд муаммоларини ҳал қилиш чораларини кўриш.	Гуруҳдаги талабаларнинг фанлардан ўзлаштириши ва бошқа фаолиятлари анализи натижасида белгиланади.

	кўрсатса, уларни ҳал қилишда кўмаклашиш.	Талабаларнинг фанларда ўзлаштиришларини доимий назорат қилиш ва дарс берувчи профессор-ўқитувчи билан мазкур масалани муҳокама қилиб бориш.	
29.	Академик ёки касбий танлов қилишда тавсиялар бериш	Талабаларга академик ёки касбий йўлни танлаши учун кўмаклашиш ва уларга асосли маслаҳатлар бериб, уларни қизиқиш ва истаклари асосида тўғри йўналтирилишини таъминлаш.	Талабаларнинг олий таълим муассасасини битиргач соҳаси бўйича ишлаши мумкин бўлган корхона ва ташкилотлар ҳақида маълумотга эга бўлганлиги орқали аниқланади.
30.	Маъруза материалларни қайтариш ва мисолларни тақдим этган ҳолда уларни ёритиш.	Ўзлаштиришдан орқада қолган талабалар билан дарсдан бўш вақтларда график асосида ишлаш.	Ташкилий графикнинг мавжудлиги. Талабаларнинг ўзлаштириш даражаси орқали белгиланади.
31.	Талабаларнинг мутахассислик ва танлов фанларидан олган баҳолари ва ўзлаштирган билимлари уларнинг квалификацион даражаларига таъсирининг муҳимлиги ҳақида тушунчани шакллантириш.	Ўқув режасидаги фанларнинг муҳимлилик даражаси ҳамда малакали кадр бўлиб етишиши учун зарурлиги ҳақида тушунчалар бериш. Иш берувчи ташкилот ва корхоналар томонидан битирувчиларга қўйиладиган талаблар билан доимий таништириб бориш.	Битирувчиларнинг касбга тайёргарлик ҳолати.
32.	Бошқа талаба ва ўқитувчилардан ушбу талаба ҳақида маълумот олиши.	Талабанинг фаолиятини бошқа талаба ва ўқитувчилар орқали доимий билиб бориш ҳамда олинган маълумотлар асосида ушбу талаба билан ишлаш.	Талабани олий таълим муассасасидаги фаолияти бўйича маълумотларнинг мавжудлиги.
33.	Талабаларнинг ота-оналари билан ишлаш.	Ота-оналар билан мулоқатга киришиши, улар билан талабанинг фаолиятини муҳокама қилиш ҳамда ота-оналар истагига кўра уларни талабалар билан ишлашини таъминлаш.	Талабаларнинг фаолиятини ота-оналар билан муҳокама қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни мавжудлиги.
34.	Янги ғояларни таклиф қилиш, баҳс-мунозараларни давом эттириш, жумладан, ижтимоий баҳоларни муҳокама қилиш.	Факультет ва ОТМ кенгашларида ҳамда таълим жараёнига бағишланган семинарларда талабалар фаоллигини оширишга қаратилган таклифлар билан иштирок этганлиги.	Талабаларда янги ғояларни шакллانганлиги, улар ўртасида баҳс-мунозаралар асосида ўтказилган семинарлар ва давра суҳбатларини тасдиқловчи ҳужжатларни мавжудлиги.

35.	Талабаларни ахборот билан таъминлаш ва интервью бериш.	Талабаларга доимий ахборотлар бериб боради ҳамда ОАВларида чиқишлар қилади.	Талабаларнинг янгиликлардан хабардорлиги ва ОАВларида чиқишлар қилганлиги.
36.	Битирувчиларнинг ишини, шу жумладан, вақтни мониторинг қилиш ва музокараларни белгиланган режага мувофиқ амалга ошириш.	Битирувчиларни иш берувчи ташкилотлар билан доимий таништириб бориш, учрашувлар ташкил этиш ҳамда талабаларни корхона ва ташкилотларга ташрифини уюштириш.	Битирувчиларнинг ишга жойлашиш кўрсаткичлари орқали белгиланади.
37.	Олий таълим муассасаларига кириш учун ўқувчи-ёшлар ўртасида касбга йўналтириш ишларини олиб бориш.	Касбга йўналтириш ишларини олиб бориш режалаштирилган тадбирлар номи ва муддати.	Олий таълим муассасаси (факультет) кенгаши томонидан тасдиқлаган (режага киритилган) ишлар натижаси бўйича ҳисоботлар асосида аниқланади.
38.	Талабаларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларига, давлат стипендияларига, халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари, мусобақаларига тайёрлаш.	Тайёрлайдиган талаба (лар) Ф.И.О., гуруҳи ва курси.	Бир профессор-ўқитувчига кўпи билан 2 нафар талаба бириктирилади. Мазкур иш турининг бажарилиши жорий ўқув йилида талабанинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари, давлат стипендиялари, халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари, мусобақалари иштирокчиси бўлганлиги ҳамда унга профессор-ўқитувчининг бириктирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида аниқланади.
39.	Спорт, маданий-маърифий ва ижодий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш.	Ташкил этиш ва ўтказиш режалаштирилган тадбир номи ва муддати.	Олий таълим муассасасининг Маънавият ва маърифат бўлими томонидан ишлаб чиқилган режа ва бажарилган ишлар бўйича тақдим этилган ҳисобот асосида аниқланади.
40.	Талабаларнинг ижодий ишлари кўргазмаларида уларнинг ишланмалари ва иштирокига раҳбарлик қилиш	Раҳбарлик қилиш режалаштирилган талаба (лар) гуруҳи, сони ва муддати.	Талабаларнинг ижодий ишлари кўргазмаларида профессор-ўқитувчининг иштирокини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида аниқланади.
41.	Ташкилотларда маърузалар қилиш, оммавий ахборот воситаларида	Чиқиш (маъруза)лар қилиш режалаштириш тадбирлар номи ва муддати.	Олий таълим муассасасининг Маънавият ва маърифат бўлимига топширилган чиқишлар (маърузалар) қилинганлиги, шу

чиқишлар қилиш, шу жумладан ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга ошириш.		жумладан ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (маълумотлар, видео тасвирлар ва бошқалар) асосида аниқланади.
--	--	--

Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишлари ҳажми мазкур иш турларини бажариш заруриятидан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида факультет декани (кафедра мудирининг таклифига мувофиқ олий таълим муассасаси Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик, ижодий маҳоратини узлуксиз ошириб бориш, талабаларда чуқур назарий билим, амалий ва касбий кўникмаларни шакллантириш, илм-фанга бўлган қизиқишни уйғотиш, уларга миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириш, ҳар томонлама етук мутахассис тайёрлашни назарда тутган ҳолда кафедра мудирининг ўқитишни илғор педагогик ва компьютер технологиялари, янги авлод ўқув адабиётлари асосида ташкил этиш ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишлар бўйича аниқ топшириқларни белгилайди.

Назорат саволлари:

1. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режасининг бажарилиши кимлар томонидан ва қачон назорат қилиб борилади?
2. “Магистратура талабасининг магистрлик диссертацияси ва илмий-тадқиқот ишига раҳбарлик (илмий маслаҳатчилик) қилиш”. иш турига бир ўқув йилига неччи соат ажратилган ва унинг бажарилганлиги қандай аниқланади?
3. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режасига киритилган “Олий таълим муассасасидаги докторант ва мустақил изланувчига илмий маслаҳатчилик қилиш” иш тури қайси юкламага киритилган ва кимларга соат ажратилиши мумкин.
4. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режасига киритилган “Ўқув-услубий ишлар”ини қандай иш турлари ташкил этади?
5. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режасига киритилган “Илмий-тадқиқот ишлари”ини қандай иш турлари ташкил этади?

4-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ. ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИДА ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДА МАВЖУД БЎЛГАН ИНТЕРФАОЛ ПОРТАЛЛАР ВА ПЛАТФОРМАЛАРДА ИШЛАШ. (6 СОАТ).

Scopus, Web of Science, Cochrane Library ва PubMed электрон базалари

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 мартдаги «Халқаро ривожлантириш ассоциацияси иштирокидаги олий таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш лойиҳасини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Нидерландиянинг Elsevier компанияси билан ҳамкорликда «Илм-фан – 2020» миллий ривожланиш дастурини ишлаб чиқди.

«Илм-фан – 2020» дастури Ўзбекистондаги олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлигини ошириш, жаҳон таълим ресурслари, замонавий илмий адабиётларнинг электрон каталоглари ва маълумотлар базаларига кириш имкониятларини янада кенгайтиришга йўл очади.

Elsevier компанияси фан, таълим ва тиббиёт соҳасида инновацион ечимлар ва маҳсулотларни таклиф этувчи жаҳондаги энг йирик нашриётлардан бири ҳисобланади. Elsevier — дунёдаги йирик 4 та нашриёт уйларида бири ҳисобланади. Хар йили дунё бўйича чоп этиладиган мақолаларнинг 25% чоп этилади. 1880 йили Амстердамда асос солинган, Буюк Британия, Бразилия, АҚШ ва бошқа давлатларда филиаллари бор.

Миллий ривожланиш дастури доирасида юртимиздаги илмий журналларни Scopus ва ScienceDirect халқаро илмий маълумотлар базаси тизимига киритиш, ёш олим ҳамда докторантларга мақолалар тайёрлаш ва уларни нуфузли нашрларда чоп этишида кўмаклашиш кўзда тутилган.

Web of Science

- **Web of Science(WoS)** — «Илм-фан тўри».

- WoS— қидирув интернет-платформаси бўлиб, илмий журналларда чоп этилган мақолаларнинг рефератив маълумотлар базасини ўзида жамлаган.
- Web of Science – табиий, техника, гуманитар, санъат ва жамият соҳалари фанлари бўйича материалларни қамраб олган.
- Платформа библиографик маълумотларни қидириш, таҳлил қилиш ва бошқариш имкониятларига эга.

Scopus

- «Scopus» — бу библиографик ва рефератив маълумотлар базаси, шунингдек, илмий журналларда чоп этилган мақолаларга қилинган ҳаволаларни ҳисоблаш имконини берувчи платформадир;
- Техника, тиббиёт ва гуманитар соҳа фанлари бўйича 24000 та илмий нашрларни ўз ичига олади, бу нашрлар 5000 та нашриётларга тегишлидир.
- Маълумотлар базаси илмий журналлар, конференция материалларини ва айрим китобларни ҳам индексациядан ўтказди.
- Scopus яратувчиси ва эгаси Elsevier нашриёт корпорациясидир.
- <http://www.scopus.com>

Web of science ва Scopus фарқли жихатлари


Scopus

24000 журнал
5,000 нашриёт

WEB OF SCIENCE™

12 000 журнал
3300 нашриёт

Web of science va Scopus фарқли жихатлари



Scopus va Web of Science электрон базаларида рецензиядан ўтувчи илмий журналларга илмий мақола тайёрлаш ва чоп этиш қоидалари.

Халқаро илмий журналларнинг аксарияти экспериментал тадқиқот натижаларини тавсифловчи мақолага қуйидаги асосий қисмлардан иборат талабни белгилайди: Кириш, Усуллар, Натижалар ва Мунозара (**I**ntroduction, **M**ethods, **R**esults, and **D**iscussion - **IMRAD**).

Баъзан Аннотация (Abstract) маъносини англаторчи «А» ҳарфи **IMRAD** қисқартмасига қўшилади ва **AIMRAD**, деб ёзилиши ҳам мумкин. Илмий мақола бўлимларининг ички тузилиши батафсил тавсифи қуйидаги кўринишга эгадир.

Агар мақола назарий изланишларга бағишланган бўлса, унда «Methods» бўлими «Theoretical Basis»га (Назарий Асос) алмаштирилади. Мақоланинг Кириш, Методлар, Натижалар ва Мунозара бўлимлари – **мақоланинг асосий қисми** (Article Body), деб аталади. Муаллиф асосий эътиборни мақола асосий қисмига қаратиш керак!

Мақоланинг бўлимлари	
	Сарлавҳа
	Муаллифлар ва бошқа маълумот (<i>ФИИШ, ID-кодлар, ORCID, иш жойи, манзил, тадқиқот маскани, илмий унвон ва ҳ.к.</i>)
	Аннотация
	Калит сўзлар
Асосий қисм	Кириш бўлими
	Методлар бўлими
	Натижалар бўлими
	Мунозара бўлими ¹
	Қўлланилган манбалар рўйхати (библиографик маълумот)

Мақола асосий қисмига тегишли бўлимлари кетма-кетлигини ўзгартириш мумкин эмас! Қолган бўлимлар кетма-кетлиги ўзгариши журнал талаблари ва муаллиф томонидан белгиланади.

IMRAD форматидаги илмий нашрлар биринчи марта 20-аср охирида илмий журналлар саҳифаларида пайдо бўлди. Ҳозирги вақтда илмий мақолаларнинг ушбу формати халқаро журналлар томонидан ихтиёрий равишда қабул қилиниб, универсал стандартга айланди. Дастлабки тадқиқотлар натижаларининг илмий нашрлари таркибини бирлаштириш тенденцияси 1972 йилда, Америка Стандартлари Миллий Институти барча журналларда фойдаланиш учун **IMRAD** форматини маъқуллаган ва тавсия қилган пайтдан бошлаб кучайди. Замонавий рус, инглиз ва бошқа дунё тилларида илмий журналларининг аксарияти мақолалар учун деярли ягона талабни қўядилар.

IMRAD формати жуда оддий мантиққа асосланган. Мақоланинг бўлимлари табиий саволларга жавоб бериш керак:

1) Биринчи савол: тадқиқот қайси муаммога бағишланган? (Кириш бўлими)

2) Иккинчи савол: муаммо қандай ўрганилди? (Методлар бўлими)

3) Учинчи савол: Асосий (илмий) топилмалар ёки кашфиётлар қандай? (Натижалар бўлими).

4) Тўртинчи савол: Натижалар нимани англатади? (Мунозара бўлими)

Одатда ҳар қандай мақола сарлавҳа билан бошланади, ундан сўнг муаллифларнинг рўйхати, уларнинг иш жойи ва манзили, тақдим этилган тадқиқотни ўтказиш жойи келтирилади. Кейин мақола мазмуни ҳақида қисқача маълумот берадиган Аннотация келади ва мақола сўнгида калит сўзларни (keywords) топиш мумкин. Аннотациядан кейин мақоланинг асосий қисми келади. Адабиётлар рўйхати (Literature) одатда мақоланинг сўнгида келади.

Мақолалар тузулиши (таркиби)

- Титул варағи (Title)
- Аннотация (Abstract)
- Кириш қисми (Introduction)
- Материал ва усуллар (Material and methods)
- Натижалар (Results)
- Муҳокама (Discussion)
- Ташаккурнома (Acknowledgment)
- Қизиқишлар қарама-қаршилиги
- Фойдаланилган адабиётлар (References)

Титул варағи (Title)

• Мақоланинг номи ёзилади – тушунарли ва осон ўқиладиган бўлиши керак (иложи борича қисқартмаларни ишлатманг);

- Муаллифлар исм-шарифлари ва иш жойлари кўрсатилади;
- Масъул муаллифнинг мулоқат учун маълумотлари (электрон почта, телефон ва бошқ.);
- Мақола матнидаги ва аннотациядаги сўзлар сони;
- График тасвирлар ва жадваллар сони;

- Хар бир журнал талабидан келиб чиқиб бошқа малумотлар бўлиши мумкин.

Аннотация қисми (Abstract)

- Одатда аннотация 200 – 300 сўздан ошмайди;
- Аннотациянинг шаклини хар бир журнал ўзи белгилайди;
- Энг кенг қўлланиладиган кўриниш қуйидагича:
- Қисқача кириш – муаммо долзарблиги, мақсад;
- Материал ва усуллар – тадқиқот объекти ва тадқиқотда қўлланилган усуллар;
- Натижалар – асосий олинган натижалар;
- Хулоса – мухим ва янги бўлиши керак.
- Нима текширилди, нима аниқланди ва қандай хулоса келиб чиқди? Бу нима учун мухим?

Кириш қисми (Introduction)

- Мақсади: сизни тадқиқотингиз янги ва фойдали маълумот беришига ўқувчини ишонтириш.
- Муаммо мухимлигини, унинг кўламини ва хусусиятини ёритиб бериш;
- Қисқача ўрганилаётган муаммо тарихи ва айни вақтдаги ҳолати;
- Охирги гапда тадқиқот мақсади ёзилади;
- Илгари ўтқазилган тадқиқотларга хавола берилади;
- “Адабиётлар шарҳи” қилиш шарт эмас.
- Муаммо нимада? Ниму учун у мухим? Тадқиқотнинг мақсади нима?

Материал ва усуллар қисми (Material and Methods)

- Мақсад: маълумотларни йиғиш ва таҳлил этиш жараёни ёритилади.
- Тадқиқотда иштирок этувчиларни танлаш мезонлари, таркиби берилади (популяция);
- Қандай маълумотлар йиғилди?
- Тадқиқотда қўлланилган усуллар, жихозлар ва муолажалар ёритилади;
- Материал йиғилган жой, вақти албатта кўрсатилиши керак.

- Статистик ишлов беришда қандай дастурдан фойдаланилди ва қайси кўрсаткичлар аниқланди.

- Муаммони сиз қандай ўргандингиз? Нималардан фойдаландингиз ва қандай бажардингиз?

Натижаларқисми (Results)

- Мақсад: маълумотлар таҳлил натижаларини тавсифлаш.
- Тадқиқотга киритилган аҳоли характеристикаси;
- Мантиқий кетма-кетликда олинган натижалар ёритилади;
- Жадваллар ва график тасвирлар мақолани бойитади;
- Матн жадвал ва тасвирларингизни тўлдирсин (қайтарилмасин);
- Тасвирлардаги ва матндаги сонлар бир хил бўлиши керак;
- Сонли маълумотларни кўрсатиш учун жадваллар қулай;
- Жараёни, ортиш ёки камайиш кўрсаткичларини график тасвирларда бериш керак.

Асосий аҳамиятга эга натижаларга алоҳида урғу беринг!

Жадваллар

- Албатта жадвалнинг номи бўлиши керак (жуда қисқа ҳам, узун ҳам бўлмасин);
- Устунлар ва қаторларнинг бош каттаклари ҳам номланиши керак;
- Агар жадвалнинг бирор каттакчасида натижа йўқ бўлса “-” қўйинг;
- Жадвалларда натижаларнинг статистик ишонарлилигини “p” кўрсаткичини қўйиш керак;
- Одатда жадвал пастки қисмида изоҳ берилади * ёки ^ белги билан;
- Мақолада 2 ёки 3 та жадваллар бўлса уларнинг стили бир хил бўлиши керак.

Расмлар

- Юқори аниқликка эга, профессионал ва сифатли расмларни юборинг;
- Хар бир расм ва график тасвир номланиши керак;
- Диаграммалар тушунарли ва маълумот берувчи бўлиши керак;
- Диаграммадаги сонлар ва матн аниқ, кўринимли ёзилиши керак;

- Юборишдан олдин билиш зарур журнал рангли тасвир чиқарадими ёки оқ-қора тасвирми?

- Агар график тасвирда инсонлар юзи акс этган бўлса, улардан рухсат олиш керак ва уларнинг юзи махсус яширилиши керак.

Мухокама қисми (Discussion)

- Мақсад: олинган натижаларни интерпретация қилиш ва шархлаш;
- Аҳамиятга молик бўлган натижаларни ажратиб олинг;
- Бу натижаларнинг тадқиқот мақсади билан боғлиқлигини кўрсатинг;
- Олган натижаларингизни бошқа муаллифлар натижалари билан солиштиринг (ўхшаш ёки фарқли жиҳатларини);

- Олган натижаларингизни янгилик эканлиги ва муҳимлигини кўрсатинг;

- Тадқиқотингиздаги асосий чекловларни кўрсатинг;

- Хулосангизни аниқ ва тушунарли ёритинг.

Ташаккурнома(Acknowledgment)

- Сизни тадқиқотингизни қўллаб-қувватлаган инсонлар ва ташкилотларга ташаккур изхор этиш мумкин:

- Кафедра мудири ёки ташкилот раҳбари;

- Бирор жихоз, тест тўплами, дори воситасини олиб келишда ёрдам берган инсонлар;

- Маҳаллий ҳокимият вакиллари (вазирлик ва бошқ.);

- Клиника, илмий тадқиқот институти, лаборатория ёки бошқа муассасаларга.

Қизиқишларқарама-қаршилиги(Conflict of interests)

- Тадқиқотингизни молиялаштириш манбасини кўрсатинг;

- Муаллифларнинг мақоладаги улуши (вазифаси);

- Қарама-қаршилик борми ёки йўқми?

Илмий ўлчов бирликлари

ИМПАКТ-ФАКТОР

Импакт-фактор (IF)– бу илмий журнал муҳимлигининг сонли кўрсаткичи бўлиб, ҳисоблашда 3 йиллик маълумот инобатга олинади:

$$IF\ 2018 = \frac{Ц}{С}$$

Ц — 2016-2017 йилларда чоп этилган мақолаларни 2018 йилда хавола (цитирование) қилинган сони (Илмий маълумот институти, АҚШ) томонидан

С — ушбу журналда 2016-2017 йилларда чоп этилган мақолалар сони

CITE SCORE

CITE SCORE – бу илмий журнал сонли ўлчов кўрсаткичи бўлиб, ҳисоблашда 4 йиллик маълумот инобатга олинади:

$$CS2018 = \frac{Ц}{С}$$

Ц — 2015-2016-2017 йилларда чоп этилган мақолаларни 2018 йилда хавола (цитирование) қилинган сони томонидан

С — ушбу журналда 2015-2016-2017 йилларда чоп этилган мақолалар сони

ХИРШ ИНДЕКСИ

Хирш индекси (H-index) – олимнинг махсулот беришининг миқдорий характеристикаси, ҳисоблашда олимнинг мақолалар сони ва мақолаларининг хавола қилинган сони инобатга олинади:

h индексли олим h миқдорда мақола чоп этган, бу мақолаларнинг ҳар бирига h марта хавола қилинган

Science Direct ва SCImago Journal Rank илмий маълумотлар базалари билан ишлаш.

Science Direct тўлиқ матнли маълумотлар базаси бўлиб, олимлар, ўқитувчилар, талабалар, тиббиёт мутахассислари ва саноат корхоналарининг илмий-тадқиқот бўлимлари учун дунёдаги илмий нашрларнинг 25 фоизини ўз ичига олган етакчи Elsevier ахборот платформасидир. Science Direct кўп тармоқли платформаси илм-фаннинг барча соҳаларини кенг қамровли

ёритишни таъминлайди, 2500 та илмий журналлар ва 14000 дан ортиқ Elsevier китобларидан, шунингдек, нуфузли илмий жамоалар томонидан нашр етилган кўплаб журналлардан 14 миллиондан ортиқ нашрларга киришни таъминлайди.

Интуитив интерфейс тадқиқотчиларга PDF ва HTML даги тўлиқ матнларга киришни таъминлайди ва бошқа нашриёт платформаларида бир қатор илмий, техникавий ва тиббий мақолаларга ҳаволаларни беради. Science Direct 70 дан ортиқ мамлакатларда қўлланилади. Ундан оёига бир неча миллион мақола юкланади, платформанинг таркиби ҳар куни янгиланади. Science Direct - бу юқори сифатли илмий, техник ва тиббий маълумотларни топишга ва баҳолашга имкон берадиган енг самарали ва тўлиқ электрон интерфаол тизим.

Science Direct сайтида сиз қуйидагилар билан танишишингиз мумкин.

- журналлар тўпламлари
- архивланган журнал тўпламлари
- китоблар тўпламлари

Science Direct маълумотлар базалари, шунингдек ушбу тизимдан фойдаланиш имкониятлари жуда кенгдир.

Science Direct замонавий илмий маълумотлар платформасидан фойдаланган ҳолда, енг самарали ишлаш учун барча воситалар билан жиҳозланган тадқиқот, ўқитиш ёки ўқитиш сифатини оширинг.

Фан, технология ва тиббиётнинг 24 асосий йўналиши бўйича миллионлаб юқори сифатли, тегишли нашрлар учун ягона платформа (ўртача ситатация даражаси 25,3%).

Енг сўнгги таҳлил қилинган таркибга Матбуотдаги мақолалар орқали киринг



Шахсий билдиришнома созламалари (журналлар, китоблар, мавзулар ва қидирув сўровлари учун)

Маълумотлар базаларига ва муаллифлар томонидан тақдим етилган қўшимча маълумотларга ега бўлган ҳаволаларингиздан максимал даражада фойдаланинг.

Мавзу бўйича бошқа олимлар томонидан таркибдан фойдаланиш статистикаси бўйича танланган тегишли таркиб учун тавсиялар

Қуйидаги воситалар ёрдамида таркибнинг сифати ва аҳамиятини тезда баҳолаш имконияти:

- Метрик мақолалар (Scopus иқтибослари сони)
- Бошқа муаллифларнинг ҳаволалари ва иқтибослари
- Интерфаол графика, 3D моделлар, маълумотларни визуализация қилиш
- Рақамлар ва жадваллар
- ҳар бир муаллиф ҳақида маълумот
- Mendeley ёки бошқа ҳаволалар менежерлари билан мақолалар ёки бўлимларни сақланг ва баҳам кўринг
- Кўпгина мобил қурилмалар учун оптималлаштирилган қулай платформа
- Тўлиқ матнли нашрларни машҳур қидирув тизимлари орқали топиш осон
- Масофадан кириш
- 600 та очик журнал
- Бир вақтнинг ўзида 20 тагача ҳужжатларни юклаб олиш имконияти.



Масалан “ascariasis” калит сўзи



ScienceDirect

Journals & Books

Search for peer-reviewed journals, articles, book chapters and [open access](#) content.

ascariasis Author name Journal/book title Volume Issue Page 

 Discover more with ScienceDirect

 Receive personalized recommendations based on your recent signed-in activity

Шундан сўнг “қидирув” белгисини босинг




ScienceDirect

Journals & Books

Search for peer-reviewed journals, articles, book chapters and [open access](#) content.

ascariasis Author name Journal/book title Volume Issue Page 

Discover more with ScienceDirect

 Receive personalized recommendations based on your recent signed-in activity

Сўровингиз бўйича 3377 та мақола топилди



ScienceDirect

Journals & Books



Find articles with these terms
ascariasis



Advanced search

3,377 results

Set search alert

Refine by:


Years

2020 (20)

2019 (113)

2018 (118)

Show more



Research article

EUS of pancreatic **ascariasis**

Arab Journal of Gastroenterology, Volume 19, Issue 1, March 2018, Pages 47-48

Malay Sharma, Piyush Somani

Encyclopedia

Environmental Health Impacts on **Ascariasis** Infections by Indication of Afghanistan: A Review

Encyclopedia of Environmental Health (Second Edition), 2019, Pages 506-512

Sayed Hussain Mosawi, Zeinab Hossainy, Khanali Mohammadi

Юклуб олинадиган мақолани топинг (PDF)

Massive gastrointestinal bleeding in infants with **ascariasis**

Journal of Pediatric Surgery, Volume 38, Issue 11, November 2003, Pages 1696-1698

Surasak Sangkhathat, Sakda Patrapinyokul, Prasit Wudhisuthimethawee, Jerawan Chedphaopan, Winyou Mitamun

Research article Open access

Pancreatic **Ascariasis** Causing Acute Pancreatitis

Video Journal and Encyclopedia of GI Endoscopy, Volume 1, Issue 2, October 2013, Pages 571-572

M Sharma, P Rai

Download PDF



Short communication

Biliary **Ascariasis**: Percutaneous Transhepatic Management

Journal of Vascular and Interventional Radiology, Volume 14, Issue 3, March 2003, Pages 391-393

Nevzat Ozcan, Nuri Erdogan, Can Kucuk, Engin Ok

Short communication

CT findings in pediatric gastrointestinal **ascariasis**

Computerized Medical Imaging and Graphics, Volume 21, Issue 1, January-February 1997, Pages 47-49

A. Oscar Beitia, Jack O. Haller, Alan Kantor

Мақоладан бепул фойдаланинг

Pancreatic Ascariasis Causing Acute Pancreatitis



M Sharma and P Rai, Jaswant Rai Speciality Hospital, Meerut, Uttar Pradesh, India

© 2013 Elsevier GmbH. Open access under [CC BY-NC-ND license](#).

Received 13 July 2012; Revision submitted 13 July 2012; Accepted 10 September 2012

Abstract

Ascariasis is the most common helminthic infection in the world. Intestinal infestation of humans by *Ascaris lumbricoides* is endemic in India. *Ascaris*-induced pancreatitis is a rare but important cause of acute pancreatitis. Of all patients with pancreaticobiliary ascariasis, only approximately 5% have pancreatic disease. The authors demonstrate a patient with ascariasis-induced acute pancreatitis diagnosed by endoscopic ultrasound and managed by endoscopic removal. This article is part of an expert video encyclopedia.

Keywords

Acute pancreatitis; *Ascaris*; Endoscopic retrograde cholangiopancreatography; Endoscopic ultrasound; Video.

Video Related to this Article

Video available to view or download at doi:10.1016/S2212-0971(13)70246-2

for therapeutic rather than diagnostic use as papillotomy can lead to reentry of the worm into the common bile duct.¹ Computed tomography shows a 'bull's-eye' and magnetic resonance imaging shows an 'eye glass' appearance of ascariasis in the bile duct.⁴ Endoscopic ultrasonography is now

SCImago Journal Rank - SJR кўрсаткичи

SCImago Journal Rank (SJR кўрсаткичи) - бу илмий журналларнинг илмий таъсирини ўлчови, бу журнал томонидан олинган иқтибослар сони ва бундай иқтибослар келиб чиққан журналларнинг аҳамияти ёки нуфузини ҳисобга олади. Журналнинг SJR - бу рақамли журнал бўлиб, танланган йил давомида ушбу журналда охириги уч йил ичида нашр етилган бир хужжат учун олинган ўртача танланган иқтибосларнинг сонини билдиради. SJR-нинг юқори кўрсаткичлари журналнинг обрў-еътиборини ошириш учун мўлжалланган.

SJR индикатори тармоқ назариясида қўлланиладиган еигенвекторнинг марказлилигини ўлчаш вариантыдир. Бундай чора-тадбирлар тармоқдаги тугуннинг аҳамиятини юқори кўрсаткичли тугунларга уланиш тугуннинг балига кўпроқ ҳисса қўшишини таъминлайди. SJR кўрсаткичи жуда катта ва турли хил журнал журналларидан иқтибос келтирадиган тармоқларда фойдаланиш учун ишлаб чиқилган. Бу катталиққа боғлиқ бўлмаган кўрсаткичдир ва унинг қийматлари журналларни "ҳар бир мақола учун ўртача обрў-еътибор" бўйича буюртма қилади ва фанни баҳолаш жараёнларида журналларни таққослаш учун ишлатилиши мумкин. SJR индикатори ПагеРанк-га ўхшаш алгоритмдан фойдаланган ҳолда илҳомланган ва бепул журнал ўлчовидир.

SJR индикатори таъсир қилувчи омилга (ИФ) алтернативани ёки икки йиллик даврдаги ҳар бир хужжат учун ўртача иқтибосни тақдим этади, "Хужжатлар учун ситатлар (2й)" деб қисқартирилган.

Агар илмий таъсир мақола шаклида журнални тасдиқлашлар сонига боғлиқ деб ҳисобланса, унда обрў-еътиборни маъқуллашлар сони ва уларни нашр етадиган журналларнинг нуфузи ёки аҳамияти йиғиндиси сифатида тушуниш мумкин. SJR индикатори улар келган журналларнинг аҳамиятига қараб иқтибосларга турли хил қийматларни ажратади. Шундай қилиб, жуда муҳим журналлардан олинган иқтибослар янада қимматли бўлади ва шу сабабли уларни қабул қиладиган журналларда обрў-еътиборни оширади. SJR индикаторини ҳисоблаш Еигенфастор баллига жуда ўхшайди, биринчиси


Scopus маълумотлар базасига, иккинчиси esa Web оф Сиенсе маълумотлар базасига асосланади.

SJR индикаторини ҳисоблаш барқарор ечимга еришилгунга қадар журналлар орасида обрўли қийматларни тақсимлайдиган итератив алгоритм ёрдамида амалга оширилади. SJR алгоритми ҳар бир журнал учун бир хил миқдордаги обрў-ёштиборни белгилашдан бошланади, кейин такрорий процедура ёрдамида ушбу нуфуз журналларда еришилган обрў-ёштиборни иқтибослар орқали бир-бирларига ўтказадиган жараёнда қайта тақсимланади.


SCImago Journal Rank сайтидан фойдаланиш




Сайт бош саҳифаси куйидагича кўринишда. Бу саҳифадан илмий журналлар рейтинги тугмасини босинг.



Шундан сўнг менюда фан тармоғини белгилаш учун махсус тугмани босинг.




“Тиббиёт” йўналишини танланг



Шундан сўнг “фанни” танланг




Мисол учун “Юқумли касалликлар”



Шундан сўнг “Давлатни” белгиланг



Мисол усул “Россия Федерацияси”ни белгиланг



Бу амалларни бажарганингиздан сўнг сизни мониторингизда Scopus тизимида рўйхатдан ўтган Россия Федерациясида чоп этиладиган Юқумли касалликлар бўйича илмий журналлар рўйхати шакллантирилади.

Title	Type	↓ SJR	H index	Total Docs. (2018)	Total Docs. (3years)	Total Refs. (2018)	Total Cites (3years)	Citable Docs. (3years)	Cites / Doc. (2years)	Ref. / Doc. (2018)
1 HIV infection and Immunosuppressive Disorders	Journal	0.189 Q4	2	31	34	930	24	34	0.71	30.00
2 Voprosy Virusologii	Journal	0.169 Q4	13	31	143	600	37	143	0.24	19.35
3 Antibiotiki i Khimioterapiya	Journal	0.152 Q4	10	39	150	1319	35	150	0.15	33.82
4 Jurnal Infektologi	Journal	0.142 Q4	3	51	128	1212	19	128	0.15	23.76
5 Infektsionnye Bolezni	Journal	0.131 Q4	2	57	125	1319	17	125	0.15	23.14
6 Russian Journal of Infection and Immunity	Journal	0.125 Q4	2	56	46	1631	16	46	0.35	29.13

Уларни орасидан бирортасини танланг ва муаллиф учун қоидалар билан танишиб чиқинг, талаб асосида мақолангизни тайёрланг ва юборинг.

Jurnal Infektologii

Country: Russian Federation - **III** SIF Ranking of Russian Federation

Subject Area and Category: Medicine
Infectious Diseases

Publisher: Interregional public organization Association of infectious disease specialists of Saint-Petersburg and Leningrad region (IPO AIDSSPtR)

Publication type: Journals

ISSN: 24999865, 20726732

Coverage: 2016-ongoing

Scope: The purposes of the journal are to describe modern achievements in the study of infectious diseases, and in related sciences as well; to promote the exchange of clinical experience among the experts; to publish the results of clinical research of medical products and medical equipment; to give the information on medical congresses on infectious diseases as well as other significant events in the field of modern infectology in our country and abroad.

[Homepage](#)
[How to publish in this journal](#)
[Contact](#)

3
H Index

Назорат саволлари:

1. Scopus қандай платформа ҳисобланади?
2. Web of Science қандай платформа ҳисобланади?
3. Импакт-факторнима дегани?
4. CITE SCOREнима дегани?
5. Мақолалар тузулиши (таркиби) қандай қисмлардан иборат?
6. Web of science ва Scopus фарқли жихатлари?
7. Science Direct маълумотлар базаси қандай база?
8. Science Direct маълумотлар базасида қандай ишланади?
9. SCImago Journal Rank маълумотлар базасида изланаётган илмий журнал тўғрисида маълумот олса бўладими?

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Кейс – бу аниқ бир вазиятнинг баёнидир (“реал воқеанинг фото-лавҳаси”).

Кейс – бу яхлит ахборотли мажмуа.

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади.

Кейс – стади технологияси – ишбилармонлик ўйинларининг ўзига хос кўриниши бўлиб, аниқ вазиятларни таҳлил қилиш, ижодий фикрлаш ва тўғри қарор қабул қилиш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради.

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

1 – топширик

1-гурух.

Илмий тадқиқотларда муаммони аниқлаш ва унинг долзарблигини асослашда нималарга аҳамият берилади?

Ҳолат муаммоси ҳақида жадвал тўлдиринг

Муаммо тури	Ҳолат муаммаларини туғилиш сабаблари	Муаммони етиш йўллари

2- гурух

Мутахасислигингиз бўйича долзарб муаммони гуруҳингиз билан таҳлил қилинг

Ҳолат муаммоси ҳақида жадвал тўлдиринг

Муаммо тури	Ҳолат муаммаларини туғилиш сабаблари	Муаммони ечиш йўллари

2 - топширик

“Т-чизма” жадвал тўлдиринг

Педагогик маҳоратни юксалтиришда мавжуд муаммолар таҳлили

Асосий муаммолар	Бу муаммоларни бартараф этиш йўллари

Топширик №1.

66 ёшли бемор 50 метр юргандан сўнг ўнг болдир соҳасида оғриқлар пайдо бўлди, хатто ёз пайтида оёқ музлаб кичик юриш масофасида оғриқлар кузатилади. Кўриқда: ўнг оёқ кафти ва болдир пастки учлиги ўнг оёққа караганда оқарган ва пайпасланганда совуқроқ. Ўнг оёқда пульс фақат сон артериясида суст аниқланади. Ўнг ёнбош артериясида яққол систолик шовқин эшитилади. Бемор умумий аҳволи қониқарли, хотираси сустлашуви ва зўриқиш вақтида вақти-вақти билан юрак соҳасида оғриқ ҳис қилади.

Ташхиси. Текшириш. Тактикаси.

Топширик №2.

Бемор 69 ёшда, клиникага мурожат этишдан 2 кун илгари ўнг оёқда тўсатдан кучли оғриқ пайдо булган. Текширув натижасида беморда ЮИК, хилпилловчи аритмия, ўнг оёқда III-V даражали ишемиянинг клиник кўриниши аниқланади.

Сизнинг ташхисингиз, бу ҳолатда ангиография қилиш керакми? Беморга қандай даво чораси кўрсатилган?

Топширик №3

Бемор 68 ёшда клиникага эпигастрал ва киндикдан чапроқдаги оғриқларга шикоят қилиб тушди. Текширилганда қорин бўшлиғида ўрта линиядан бир оз чапроқда пульсацияловчи ҳосила аниқланади. Аускультация қилинганда: сон артерияларига узатилувчи аниқ систолик шовқин эшитилади. Юрак тонлари бўғиқлашган, аорта устида II-тон акценти эшитилади. АКБ 160/90, пульси 92.

Сизнинг ташхисингиз, текширув этаплари, даво тактикаси

Топширик №4

Бемор 26 ёшда клиникага бўйин соҳасида катталиги 1,5x 2 смли пульсацияланувчи ҳосила борлигига шикоят қилиб келди. Анамнезидан: 2 ой илгари бўйин соҳасидан ўк-отар қуролдан жароҳат олган ва шундан сўнг бўйин соҳасида шиш пайдо булган. Аускультация қилинганда: шиш устидан систолик шовқин эшитилади.

Сизнинг тахминий ташхисингиз, текширув режаси ва даво тактикаси

VI. ГЛОССАРИЙ

Тушунча	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Педагогик маҳорат -	Ўқитувчининг шахсий-касбий фаолияти натижаси умумлашмаси бўлиб, муайян билим, кўникма, малакалар йиғиндисидан иборат.	The result of the teacher's personal and professional activity is a generalization, consisting of a set of specific knowledge, skills, abilities.
Компетенция	Олинган назарий билим, амалий кўникма, малака ва шахсий фазилатлар мажмуасини амалиётга қўллай олиш қобилияти ва лаёқати.	Ability and ability to apply the acquired theoretical knowledge, practical skills, qualifications and a set of personal qualities in practice.
Касбий компетентлик	Мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиниши	Acquisition by a specialist of knowledge, skills and competencies necessary for the implementation of professional activities and their application in practice at a high level
Болония жараёни (Болония декларацияси)	Европа олий таълим тизимларини уйғунлаштириш тўғрисида қўшма декларация	Is a series of ministerial meetings and agreements between European countries to ensure comparability in the standards and quality of higher-education qualifications
Профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режалари	Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режаси таркибига ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услугий, илмий-тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишларининг турлари киритилади	The personal work plan of professors and teachers for the academic year includes the workload and types of teaching, research and "teacher-student" work
Тадқиқотчи	Тадқиқот олиб борадиган киши илмий тадқиқотлар	The person who conducts the research is engaged in

	билан шуғулланади.	scientific research.
Усул	Ўрганилаётган мавзу таркибидаги ички ўзини ўзи ҳаракатланиш шаклини англаш.	Awareness of the form of internal self-movement of the content of the studied subject.
Фан	Воқеликни объектив билишни ривожлантириш ва тизимлаштиришга қаратилган инсон фаолияти соҳаси.	The field of human activity aimed at the development and systematization of objective knowledge of reality.
Ўқув виртуал лаборатория	Бу яқунланган дастурли маҳсулот бўлиб, унинг ўзига хос хусусияти автоматлаштирилган ҳамда лойиҳалаштириш самарадорлигини оширишга йўналтирилган катта дастурли тизим	It is a complete software product, characterized by a large software system that is automated and aimed at increasing design efficiency
Муаммога асосланган ўқитиш ёки PBL (Problem-based Learning) –	Бу шундай ўқитиш йўналишики, бунда талабаларни ўқитиш мақсадида реал муаммолар қўлланилади.	Is a student-centered pedagogy in which students learn about a subject through the experience of solving an open-ended problem found in trigger material
Web of Science	Қидирув интернет-платформаси бўлиб, илмий журналларда чоп этилган мақолаларнинг рефератив маълумотлар базасини ўзида жамлаган.	is a website that provides subscription-based access to multiple databases that provide comprehensive citation data for many different academic disciplines
IMRAD	Халқаро илмий журналларнинг аксарияти экспериментал тадқиқот натижаларини тавсифловчи мақолага қуйидаги асосий қисмлардан иборат талабни	In scientific writing, (Introduction, Methods, Results, and Discussion)[1] is a common organizational structure (a document format). IMRaD is the most

	белгилайди: Кириш, Усуллар, Натижалар ва Мунозара (Introduction, Methods, Results, and Discussion).	prominent norm for the structure of a scientific journal article of the original research type
Elsevier	Илмий, техникавий ва тиббий инфор­мацион махсулотлар ва хизматларни тақдим этувчи дунёдаги йирик компаниядир	Is a leading global provider of scientific, technical and medical information products and services.
Science Direct	Elsevier компаниясининг етакчи маълумотлар платформаси	Leading Information Platform Elsevier
Им­пакт фактор	- бу илмий журнал му­химлигининг сонли кўрсаткичи бўлиб, ҳисоблашда 3 йиллик маълумот инобатга олинади	Is a measure of the frequency with which the average article in a journal has been cited in a particular year.
Хирш индекси (H-index)	– олимнинг илмий махсулот беришининг миқдорий характеристикасидир	Is an author-level metric that attempts to measure both the productivity and citation impact of the publications of a scientist or scholar

VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

16. Диссертация ва диссертация авторефератини расмийлаштириш қоидалари.

Ш. Махсус адабиётлар

17. Материалы семинара «Комплекс научно-исследовательских инструментов». Узбекистан, г. Ташкент 23 – 27 апреля 2018 г. CDC маълумотлари;

18. Жамалиева Л.М. Дизайн исследований. Отдел непрерывного профессионального развития и доказательной медицины;

19. Рахматов А.Д., Юнусов Р.Ф. Илмий тадқиқот асослари. Тошкент – 2008.

20. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю.и др.Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.

21. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016.-116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
22. Гулбод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. -312 б.
23. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е.Ибраймов. – Т.: “Lesson press”, 2020. -112 б.
24. Игнатова Н. Ю. Образование в цифровую эпоху: монография. М-во образования и науки РФ– Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с.
25. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. -60 б.
26. Мальцева А.Н. Современные методы в учебном процессе медицинского Вуза // Современные проблемы науки и образования. – 2019. – № 4.;
27. Муслимов Н.А. ва бошқ. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
28. Холиқов А.А. Педагогик маҳорат. – Т.: “Tafakkur-bo`stoni” нашриёти. 2011.
29. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: “Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси” нашриёти. 2006.
30. Cooper J.B., Taqueti V.R. A brief history of the development of mannequin simulators for clinical education and training // Postgrad. Med. J. 2008. V.84. №997. P.563-570.
31. Safar P. Mouth-to-mouth airway // Anesthesiology. 1957. V.18. №6. P.904-906.
32. Gaba D.M., DeAnda A. A comprehensive anesthesia simulation environment: re-creating the operating room for research and training // Anesthesiology. 1988. V.69. №3. P.387-394.

IV. Интернет сайтлар

33. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

34. [http:// www.minzdrav.uz](http://www.minzdrav.uz)- Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги

35. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

36. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази

37. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet

38. <http://tma.uz> – Тошкент тиббиёт академиясининг расмий сайти

39. <http://scopus.com>

40. <http://elsevier.com>

41. <http://sciencedirect.com>